

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

52-сон
(448)
2010 йил
31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

507. «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–275-сон Қонуни
508. «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–276-сон Қонуни
509. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–277-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

510. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 декабрдаги ПФ-4256-сон Фармони

511. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 декабрдаги ПФ-4261-сон Фармони
512. «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сон қарори
513. «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

514. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали казилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 310-сон қарори
515. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 311-сон қарори
516. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 312-сон қарори
517. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 313-сон қарори
518. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсуну-

нувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 декабрдаги 314-сон қарори

519. «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 27 декабрдаги 316-сон қарори
520. «Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарори
521. «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 319-сон қарори
522. «Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарори
523. «2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сон қарори
525. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПК–1392-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги 325-сон қарори

Бешинчи бўлим

526. «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 24 декабрдаги 109-сон буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-1)*

527. «Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 3 декабрдаги 193-Қ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2173*)
528. «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 110, 2010-55-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939-1*)
529. «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 октябрдаги 14-қ/қ, Қ-87, 100, 17, 16, 7, 01-02/22-22, 2010-41-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174*)
530. «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 26 ноябрдаги 01/19-18/12, 33-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-1*)
531. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175*)
532. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир-

лигининг 2010 йил 13 сентябрдаги 76, 165-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1232-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2010 йил 25 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

507 Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 21 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 4 декабрда
маъқулланган

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
ЎРҚ–275-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 28 декабрда эълон қилинган.

508 Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади дафн этиш ва дафн иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ўлимидан кейин унинг жасадига (сақланиб қолган тана қисмларига) муносиб муносабатда бўлиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини (бундан буён матнда вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси деб юритилади) инобатга олган ҳолда вафот этган шахсни дафн этиш кафолатларини белгилаш;

дафн этиш учун нафақа бериш ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш кафолатларини белгилаш;

дафн этиш жойларини танлаш ва сақлашда экологик нормаларнинг, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш;

дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаш.

2-модда. Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Дафн этиш

Дафн этиш вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) унинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларга зид бўлмаган урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ кўмишга доир маросим ҳаракатидир.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Дафн этиш вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ерга (қабрга ёки сағанага) кўмиш орқали амалга оширилади.

Дафн этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

4-модда. Дафн этиш жойлари

Дафн этиш жойлари қабрлар, сағаналар, шунингдек дафн этишни амалга оширишга мўлжалланган бошқа бинолар ва иншоотларни барпо этиш учун экологик нормаларга, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларга мувофиқ ажратиб берилган ер участкаларидир. Дафн этиш жойлари моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилиши мумкин.

Дафн этиш жойлари туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг бевосита тасарруфида бўлади.

Янги дафн этиш жойларини барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш экологик экспертизанинг хулосаси ва санитария-гигиеник хулоса бўлган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда диний ташкилотларнинг таклифлари инобатга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дафн этиш жойлари бузиб ташланиши мумкин эмас ва доимий равишда сув остида қолиш, кўчкилар ҳамда бошқа табиий офатлар таҳдид этган тақдирда белгиланган тартибда фақат туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан кўчирилиши мумкин.

Илгари дафн этиш жойлари жойлашган ҳудудлардан фойдаланишга улар кўчирилган пайтдан эътиборан йигирма йил ўтгач рухсат берилади. Бундай ҳолда ушбу ҳудудлардан фақат манзарали дов-дарахт кўчатлари ўтқазिश учун фойдаланилиши мумкин. Бу ҳудудларда бинолар ва иншоотларни куриш тақиқланади.

Дафн этиш жойларида маросим ва ибодат иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда барпо этилиши мумкин.

Қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси оғзаки (гувоҳлар ҳозирлигида) ёки ёзма шаклда ифодаланган, патологик-анатомик ёриб кўришга розилиги ёки рози эмаслиги ҳақидаги, ўз жасадидан (сақланиб қолган тана қисмларидан) органлар ва (ёки) тўқималар ажратиб олинишига, у ёҳуд бу жойга, у ёки бу урф-одатлар ва анъаналар бўйича, илгари вафот этган у ёки бу шахсларнинг ёнига дафн этилишига розилиги ёҳуд рози эмаслиги тўғрисидаги, ўз хоҳиш-иродасини бажаришни у ёҳуд бу шахсга ишониб топшириш ҳақидаги истагидир.

Вафот этган шахснинг жасадига (сақланиб қолган тана қисмларига) муносиб муносабатда бўлишга доир ҳаракатлар, агар хоҳиш-иродани бажариш

мумкин бўлмайдиган ҳолатлар юзага келмаган бўлса ёки қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси мавжуд бўлмаган тақдирда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга ижозат бериш ҳуқуқига эга.

6-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажарувчилар

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасида кўрсатилган шахслар унинг хоҳиш-иродасини бажарувчилардир.

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасида бажарувчилар кўрсатилмаган ёки улар вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажаришни рад этган тақдирда, мазкур хоҳиш-ирода унинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёхуд қонуний вакили томонидан амалга оширилади, шунингдек дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс томонидан бажарилиши мумкин.

2-боб. Дафн этишни амалга ошириш кафолатлари

7-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажариш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар бир инсонга унинг ўлиmidан кейин жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда ушбу Қонунга мувофиқ дафн этиш ва дафн этиш учун жойни текин бериш кафолатланади.

Вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) илгари вафот этган шахслар ёнига дафн этиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини бажариш дафн этиш учун бўш жой ёки илгари вафот этган яқин қариндошининг қабри мавжуд бўлган тақдирда таъминланади.

Шахс бошқа аҳоли пунктида ёки хорижий давлат ҳудудида вафот этган тақдирда вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) дафн этиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини бажариш дафн этишни амалга ошириш ва дафн этиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги гувоҳномани (маълумотномани), вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) олиб кетиш учун рухсатномани, йўл ҳужжатларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга доир ҳужжатларни олишга кўмаклашиш қисмида кафолатланади. Мазкур кўмакни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўз фаолияти турига кўра шундай ҳолларда зарур хизматлар кўрсатувчи бошқа юридик шахслар кўрсатиши шарт.

8-модда. Дафн этишни амалга оширишдаги кафолатлар

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга қуйидагилар кафолатланади:

вафот этган шахсни дафн этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўлим сабаби аниқланган пайтдан эътиборан дарҳол бериш. Вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ўлим сабабини аниқлаш учун ўликхонага жойлаштириш асослари вужудга келган ҳолларда, унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилининг, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахснинг талабига кўра бериш бир суткадан ортиқ муддатга кечиктирилиши мумкин эмас;

агар вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс ўлим ҳақида хабардор қилинган, аммо дафн этишни улар томонидан амалга оширишни қийинлаштирувчи объектив ҳолатлар мавжуд бўлса, вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) ўлим сабаби аниқланган пайтдан эътиборан икки суткагача ўликхонада туришига имконият бериш. Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс қидирилган тақдирда бу муддат уч суткагача узайтирилиши мумкин.

9-модда. Дафн этиш учун нафақа ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга дафн этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан нафақа бериш кафолатланади.

Дафн этиш учун нафақани тўлаш мурожаат этилган кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан:

вафот этган шахс пенсия ёки ижтимоий нафақа олиб турган ёхуд ишламаган ва пенсионер бўлмаган ҳолларда — ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида;

ўлик бола туғилган ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида вафот этган (перинатал ўлим) тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотнома асосида амалга оширилади.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг ходими ёки ходимнинг қарамоғида бўлган оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш учун нафақани тўлаш мазкур харажатларнинг ўрни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланган ҳолда корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан амалга оширилади.

Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга корхона, муассаса ва ташкилот томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ва бошқа ёрдам кўрсатилиши мумкин.

10-модда. Вафот этган шахсни унинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс бўлмаганда дафн этиш

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс бўлмаганда ёки уларнинг дафн этишни амалга ошириш имконияти бўлмаганда, вафот этганнинг шахсини ички ишлар органлари аниқлаганидан кейин уни дафн этишни, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ички ишлар органлари томонидан шахси аниқланмаган вафот этганни дафн этишни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган махсус хизмат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

11-модда. Вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ходимларини дафн этиш

Тинчлик вақтида ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги хизматни ўтаётганда вафот этган ёки майиб бўлиш (яраланиш, шикастланиш, контузия бўлиш), касалланиш натижасида вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ходимларини, шунингдек хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етганлигига, соғлиғининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги хизматдан бўшатиш вафот этган фуқароларни дафн этиш вафот этган шахс ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги хизматни ўтаган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур шахсларнинг дафн этилишини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Уруш даврида хизматни ўташ вақтида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган даврда вафот этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимларини дафн этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12-модда. Қамокда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни дафн этиш

Қамокда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни дафн этиш ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Қамокда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни уларнинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакиллари ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахслар бўлмаганда ёки дафн этишни улар томонидан амалга ошириш имконияти бўлмаганда ёхуд улар дафн этишни амалга оширишни рад этганда дафн этиш, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган вафот этган шахсларни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Дафн этиш жойини ташкил этиш**13-модда. Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш**

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш жойнинг гидрогеологик тавсифлари, рельефи хусусиятлари, тупроғи таркиби, атроф табиий муҳитга тушадиган экологик юкнинг йўл қўйиладиган энг юқори чегараси ҳисобга олинган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктларини ва ҳудудларини барпо этиш қоидаларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда у дафн этиш жойининг номуайян узоқ муддат мавжуд бўлишини таъминлаши керак.

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасининг ўлчами муайян аҳоли пунктида яшовчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Дафн этиш учун бериладиган жойнинг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш

Дафн этиш жойларини лозим бўлган ҳолатда сақлаш ва ободонлаштириш мажбурияти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратиладиган алоҳида харажатлар моддаси бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Дафн этиш жойларини ободонлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳашар йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Дафн этиш жойлари ўралган бўлиши, қўриқланиши, сув, электр, зарур

бинолар ва ашё-анжомлар, шунингдек кириб бориладиган йўл билан таъминланиши лозим.

Дафн этиш жойларида мол ва бошқа уй жониворларини боқиш, мевали кўчатлар экиш, қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш тақиқланади.

15-модда. Дафн этиш жойларининг сақланиши устидан экологик назорат ва санитария-эпидемиология назорати

Дафн этиш жойларининг сақланиши устидан экологик назорат ва санитария-эпидемиология назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Дафн этиш жойларида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш экологик нормаларга, санитария нормалари ва қоидаларига, шунингдек дафн этиш жойларини сақлашнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Экологик нормалар, санитария нормалари ва қоидалари, шунингдек дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари бузилган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дафн этиш жойида ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини тўхтатиб туриши ёки тугатиши ҳамда йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш ва дафн этиш жойининг инсон соғлиғи ҳамда атроф табиий муҳитга номақбул таъсирига барҳам бериш, зарур ҳолларда эса янги дафн этиш жойини барпо қилиш чораларини кўриши шарт.

16-модда. Эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар

Мавжудлиги ҳақида ишончли маълумотлар бўлмаган қабрлар эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар деб ҳисобланади.

Қабрлар борлиги эҳтимоли бўлган ҳудудларда ҳар қандай ишларни амалга оширишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу ҳудудни текширувдан ўтказиши шарт.

Эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар аниқланган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабрларни белгилаб қўйиши ва рўйхатга олиши, зарур ҳолларда эса дафн этилганларнинг сақланиб қолган тана қисмлари қайта кўмилишини ташкил этиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахсларнинг эски ва илгари номаълум бўлган қабрларни қидириши ҳамда очиши тақиқланади.

Археология мероси объектлари бўлган эски ва илгари номаълум бўлган қабрларни қидириш ҳамда очиш археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Дафн иши

17-модда. Дафн ишини ташкил этиш

Дафн ишини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

Дафн этиш бўйича хизматлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкил этадиган махсус хизматлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган махсус хизматларнинг фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18-модда. Дафн ишини молиялаштириш манбалари

Дафн ишини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5-боб. Якунловчи қоидалар

19-модда. Низоларни ҳал этиш

Дафн этиш ва дафн иши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

20-модда. Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

21-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

22-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
ЎРҚ-276-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

509 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Конунчилик палатаси томонидан
2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **57¹-модданинг номи** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«57¹-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш»;

2) **66-модда** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим»;

3) **71-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«71-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **84-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади»;

бешинчи қисми 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса»;

2) **333-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди»;

3) **362-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **401-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **421-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради»;

6) **463-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса»;

7) **493-модданинг матнидаги** «1 ва 4-қисмларида» деган сўзлар «биринчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
ЎРҚ–277-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****510 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-разведка ишлари-ни ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 декабрь,
ПФ–4256-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 23 декабрдаги
ПФ–4256-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони иловаси VI бўлимининг 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноатда ва кончиликда

ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги ПФ–3454-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарориди:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари корхоналар ва ташкилотлар томонидан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни олмасдан туриб фойдали қазилмаларни қазиб олишга йўл қўймаслик устидан доимий назоратни амалга оширсин.»;

б) Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомда:

1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низом норуда фойдали қазилмаларга эга бўлган ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган тартиб ва шартларга татбиқ этилмайди»;

9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қаттиқ фойдали қазилмаларни тажриба-саноат усулида қазиб олишга тажриба-саноат усулида қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияга мувофиқ берилган майдонда (участкада) чамалаб баҳоланган тасдиқланган (ҳисобга олинган) захираларнинг тўрт фоизигача бўлган ҳажмларда йўл қўйилади»;

12-бандда «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекциясига» ва «Саноатконтехназорат» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» ва «Саноатгеоконтехназорат» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-бандда ва 32-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

47-бандда:

олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

52-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ошкора савдоларнинг бошланғич шартлари ўттиз кун мобайнида бир

вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК билан (углеводородлар бўйича) келишиб олинади»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

81-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«81. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси ўттиз кун мобайнида, йирик ва энг мураккаб объектлар бўйича эса материаллар келиб тушган пайтдан бошлаб олтиш кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК билан (углеводородлар бўйича) бир вақтнинг ўзида келишиб олинади»;

84-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида, 106-банднинг иккинчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

88-бандда:

иккинчи хатбошидан «(кенг тарқалган фойдали қазилмалар бўйича материаллар бундан мустасно)» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

117-бандда:

биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «(кенг тарқалган фойдали қазилмалар бўйича материаллар бундан мустасно)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

Низомнинг 2-иловасида:

«Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин;

3-блокдаги «Субъектлар» ва «Тадбирлар» устунидан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

Низомнинг 3-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «DAEWOO INTERNATIONAL» (Корея Республикаси) корпорацияси билан Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Қосқудуқ ва Ашибулоқ инвестиция блокларида геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 28 апрелдаги ПҚ–846-сон қарорининг 6-бандида «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «PETRONAS» (Малайзия) корпорацияси билан геология-қидирув ишлари, конларни қазिश ва обод қилиш ҳамда нефтгазкимёни ривожлантириш соҳасида ҳамкорликни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 2 майдаги ПҚ–854-сон қарорининг 7-бандида «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал

ресурслар қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея миллий нефть корпорацияси билан Ўзбекистон Республикасининг Фарғона минтақасидаги Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп инвестиция блокларида геология-разведка ишларини олиб бориш ҳақидаги Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 31 мартдаги ПҚ-1085-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий кон-металлургия комбинатининг Кузатув кенгашини тузиш тўғрисида» 2008 йил 3 мартдаги ПҚ-809-сон қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 июлдаги ПҚ-1373-сон қарорининг иловасида «лавозими бўйича — «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари «Б.В. Фуломов — «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мингбулоқ конини разведка қилишни давом эттириш ва ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 15 апрелдаги ПҚ-1323-сон қарорининг 11-бандидаги «Саноатконтехназорат» сўзи «Саноатгеоконтехназорат» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

511

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 декабрь,
ПФ-4261-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 28 декабрдаги
ПФ-4261-сон Фармони
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб
киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармони 3-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалар, шунингдек комиссия шартномаси (топширик) бўйича воситачи (ишончли вакил) орқали сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга татбиқ этилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида» 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сон Фармони 2-бандидаги «меҳнат ҳақи фондига» сўзлари «жисмоний шахсларнинг жами даромадига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш со-

лиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони 3-бандидаги «беш йил муддатга» сўзлари «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 28 декабрдаги
ПФ-4261-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
1 январдан ўз кучини йўқотадиган айрим фармонлари
рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги ПФ-3127-сон Фармонининг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги ПФ-3205-сон Фармони.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**512 2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт
ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни
жадаллаштириш тўғрисида**

Ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан

узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизда янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий ва ички молиялаштириш манбаларини, замонавий технологияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва индустриал ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш ҳамда қуриш;

республиканинг барча минтақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, Ўзбекистон миллий магистрали таркибига кирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш, Қамчиқ довонидан ўтадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш;

республиканинг темир йўл транспортини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўллар реконструкциясини амалга ошириш, Тошкент — Самарқанд юқори тезликдаги темир йўл линиясини жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш, Бухоро ва Қарши шаҳарларигача бўлган темир йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги темир йўл таркибини замонавий юқори унумли локомотивлар, юк ташувчи ва йўловчиларга мўлжалланган вагонлар билан янгилаш;

хаво кемалари паркини дунёнинг етакчи Боинг ва Аэрбас авиакомпанияларининг замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамли самолётлари билан тубдан янгилаш ҳисобига авиацияда ташишнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, Тошкент шаҳри ва республиканинг вилоят марказларида аэропортлар қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда унинг негизда транзитни ҳам ҳисобга олганда юк ташиш ҳажмларини ошириш, авиацияда йўловчилар ташиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, асосийси эса — уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

замонавий телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, уяли алоқа ҳамда маълумотларни кенг йўлакли узатиш тармоқларини кенгайтириш, республика минтақаларида рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш;

транспортда юк ташишни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар хил транспорт турлари — автомобиль, темир йўл ва авиация транс-

порти томонидан транспорт хизмати кўрсатишда туташликни таъминлаш, Ангрен шахридаги ва Навоий шахри аэропорти негизидаги логистика интер-модаль марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш;

халқаро транспорт коммуникацияларига қисқа йўллар билан чиқишни ва транзит юк ташиш кўпайишини, минтақавий ҳамда дунё бозорларига чиқишни кенгайтиришни, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш;

миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль ва темир йўл магистралларида қатновчилар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш, бунинг негизида янги иш жойларини шакллантириш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш;

Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш учун қўшимча замонавий йўл-қурилиш техникасининг ўз вақтида харид қилинишини таъминлаш, йўл қурилишида замонавий қурилиш технологияларини, ускуналар ҳамда сифатли материалларни қўллаш;

республика минтақаларида, айниқса қишлоқ жойларда, муҳандислик-коммуникация тармоқларини — сув таъминоти, канализация, электрлаштириш тизимлари ва бошқаларни қуриш, модернизация ва реконструкция қилишни кенгайтириш, бунинг негизида аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларни сув ва электр энергияси билан таъминлаш даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарларда ва аҳоли пунктларида санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш;

хомашё, материаллар ва энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланишни таъминлайдиган, энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш йўли билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация объектларини қуриш ва фойдаланишда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархини изчил пасайтириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 августдаги Ф-3475-сон фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастур (кейинги ўринларда — Дастур) маъқуллансин, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастурининг асосий мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон миллий автомагистрални таркибига кирувчи автомобиль йўлла-

* 1-илова берилмайд.

ри участкаларини қуриш ва реконструкция қилишнинг мақсадли параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни комплекс ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл ёқаси инфратузилмаси ва сервисини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 4-иловага* мувофиқ;

инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 5-иловага* мувофиқ.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бирлашмалар ҳамда корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастурда белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги тақдимномаларига кўра бозор конъюнктураси ҳамда транспорт ва коммуникация тармоқлари ривожига эҳтимол тутилган ўзгаришларни назарда тутиб, Дастурнинг тасдиқланган параметрларига зарур ҳолларда аниқлик ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида 2011 йил ҳамда кейинги йилларда геология-разведка ишларининг ҳар йили тасдиқланадиган дастурлари доирасида Ўзбекистон миллий автомагистрالي участкаларини реконструкция қилиш ва қуриш учун инерт материаллар захирасини аниқлаш бўйича геология-разведка ишларини олиб боришни таъминласин.

5. «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, хомашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик ҳужжатлар ва жиҳозлар 2016 йилнинг 1 январига қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳалари белгиланган тартибда унга киритилишини назарда тутсин.

* 2 — 5-иловалар берилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 21 декабрь,
ПҚ-1446-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги
ПҚ-1446-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда
Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланган айрим қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 — 2013 йилларда Темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури тўғрисида» 2009 йил 18 мартдаги ПҚ-1074-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 — 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 апрелдаги ПҚ-1103-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва 1-иловаси;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши ва 1-иловаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**513 Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат
бюджети параметрлари тўғрисида**

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги 210–II-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2010 йил 3 декабрдаги 117–II-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2011 йилда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2011 йилги асосий параметрлари 3 — 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2011 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш республика бюджети маблағларининг 2011 йил бошидаги бўш қолдиқлари ва бошқа қадрсизланмайдиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2011 йил учун:

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;

юримдик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага** мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага** мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга** мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага** мувофиқ;

юримдик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага** мувофиқ;

* 1 — 6-иловалар берилмайди.

** 7 — 11-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга* мувофиқ;

суб ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижорат топилмаси бонуси 15-1 ва 15-2-иловаларга* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 16-иловага* мувофиқ;

юримдик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 17 ва 18-иловаларга* мувофиқ;

юримдик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

махаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 22 ва 23-иловаларга* мувофиқ;

24-иловага* мувофиқ белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 1,6 фоиз миқдорда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорида;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 25-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида;

фукараларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 4,5 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ягона солиқ тўлови тушумлари Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланади.

5. 2011 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар учун шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ ягона солиқ тўловини

* 12-1 — 25-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

белгиланган ставкалар бўйича, бироқ энг оз миқдордан — солиқ тўловчилар эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солигининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашганига ва бажараётган фаолият турига қараб ягона солиқ тўловининг энг оз миқдorigа нисбатан пасайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳукуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ягона солиқ тўловининг энг оз миқдори жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда тегишли пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш механизми назарда тутилсин.

6. 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ товарлар олди ва сотдиси бўйича таъминот-сотиш ташкилотларининг фаолияти улгуржи савдо сифатида қаралади ҳамда уларга улгуржи савдо корхоналари учун назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш ва солиқ солиш ҳуқуқий нормалари жорий этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари таъминот-сотиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензиялар 2011 йил 1 апрелгача қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, 2011 йил 1 январгача рўйхатдан ўтказилган таъминот-сотиш ташкилотлари товарлар олди ва сотдиси бўйича фаолиятни 2011 йил 1 апрелгача улгуржи савдо ҳуқуқига бериладиган лицензиясиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

7. Эскирган асбоб-ускуналар ўз вақтида алмаштирилишини рағбатлантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар учун (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) фойдали иш муддати тамом бўлган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун дастлабки қийматнинг 0,25 фоизи миқдорида тўлов жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда, бир ой муддатда, ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. 2011 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам нормативлари жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

Ўрнатилган нормативларга иш берувчилар томонидан риоя қилинмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органларига бел-

гиланган ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам нормативларидан келиб чиқиб ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни қўшимча равишда ҳисоблаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам нормативлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Юридик шахс бўлмасдан амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидagi улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

15. 2011 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, республика бюджетидан дотациялар ва субвенцияларнинг чекланган миқдорлари 26-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 27-иловага* мувофиқ;

республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 28-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

* 26 — 28-илова берилмайди.

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ишлаб турганларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилишини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тармоқларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг дотацияга муҳтожлигини камайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттирсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли маҳаллий бюджетларга бюджетдан дотациялар, субвенциялар ва ссудалар (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек ягона ижтимоий тўлов билан бирга иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳукуқи берилсин.

17. 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 29-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

19. 2011 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари 30-иловага** мувофиқ белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун тўлов тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, бунда кам таъминланган оилалардан бўлган болалар учун тўлов тўлашдан озод қилиш назарда тутилсин (тегишлича умумтаълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларидаги тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоизи доирасида).

20. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарув органлари, туман (шаҳар) халқ таълими, маданият ва спорт бўлимлари ҳамда уларнинг методик ва бошқа тузилмалари негизида, қайта ташкил этилаётган тузилмаларнинг амалдаги ходимлари сонини ўртача 5 фоиз-

* 29-илова берилмайди.

** 30-илова рус тилидаги матнда берилган.

га қисқартирган ҳолда ўрта махсус ва касб-хунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт муассасаларини методик таъминлаш ва улар фаолиятини ташкил этиш бўлимларини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет муассасаларининг 2011 йилги штат жадвалларини рўйхатга олишда бюджет муассасаларида коммуникация тизимлари, ишларни автоматлаштириш ривожланишини ҳамда бошқарув ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ошишини ҳисобга олган ҳолда маъмурий-хўжалик ва ўқув-ёрдмчи ходимларни ўртача 5 фоизга мақбуллаштиришни назарда тутсин.

Вазирликлар ва идоралар идоравий мансуб бюджет ташкилотларининг штат нормативларини танқидий кўриб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда янгиланган намунавий штат нормативларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар, уларнинг жорий этилишини 2012 йилнинг 1 январигача тугалласинлар.

22. Молия вазирлигининг Фазначилигида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони тегишлича кўпайтирилган ҳолда 3 нафар ходимдан иборат давлат харидларини амалга ошириш жараёни мониторинги ахборот-таҳлил бўлими ташкил этилсин, қуйидагилар бўлимнинг вазифалари этиб белгилансин:

давлат харидлари бўйича ахборот базасини яратиш ва доимий янгилаб бориш;

давлат харидларини амалга оширишда нарх белгилаш жараёни устидан назорат қилиш ва оширилган нархлар мавжудлиги гумон қилинган материалларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига бериш;

давлат харидларини амалга оширишда кичик бизнес субъектлари кенг иштирок этишини назарда тутган ҳолда танлов ва тендер тартиботлари қўлланилишини такомиллаштириш ва кенгайтириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори 24-бандининг амал қилиши 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,5 фоиз бўлгани ҳолда, Давлат бюджети даромадлари 13 221,0 млрд сўм, харажатлари 13 550,0 млрд сўм миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 5 253,1 млрд сўм (шу жум-

ладан айланма касса нақд пулининг тўлдирилиши 2010 йил 1 январь ҳолати бўйича республика бюджети қолдиги ҳисобига — 262,0 млрд сўм) ва харажатлар 5 103,3 млрд сўм миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Фазначилиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2011 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2010 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2010 йилги Давлат бюджети ижроси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якуний операциялар ўтказсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳар чоракда бажарилишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджетининг асосий параметрларини белгиланган тақчиллик доирасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсин.

26. 2011 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2011 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 32-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
ПҚ-1449-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги
ПҚ-1449-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 январдан
ўз кучини йўқотадиган қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 221-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарорига 1-илова 37-бандининг тўртинчи хатбоши ва 2-илованинг 33-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35 ва 36-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбоши.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугдой уни олиб келишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 21 июндаги ПҚ-1356-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 56-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон

қарори)» 2008 йил 6 февралдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 5-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги
ПҚ-1449-сон қарорига
32-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига
2011 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 32-1-банд қўшилсин:

«32-1. Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тиклаш тўғрисидаги аризасини олган рўйхатга олувчи орган кейинги иш куни тугашидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги ёки тиклаганлиги тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизматига ахборот тақдим этади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарорининг 6-бандида:

биринчи хатбошидаги «2010 йилнинг 31 декабригача» сўзлари «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон қарорининг 8-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналарига илгари берилган мулк солиғи бўйича имтиёзлар «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналарига жорий этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банднинг биринчи хатбошидаги «кредитлар» сўзидан кейин «шунинг-

дек пудратчилар (етказиб берувчилар) томонидан шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ёки зарур даражада бажармаганлиги учун Жамғарманинг маблағларини сарфлаш бўйича мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган буюртмачиларга ўтказиладиган жарималар (пенялар)» сўзлари қўшилсин;

29-банднинг «в» кичик бандидаги «харажатлар сметасини» сўзлари «йиғма харажатлар сметасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ берилади»;

42-банддаги «бажариш бўйича» сўзларидан кейин «ойлик» сўзи қўшилсин;

43-банддаги «бажариш бўйича» сўзларидан кейин «ойлик» сўзи қўшилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорининг 6-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Молия вазирлигининг таклифлари бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда олдиндан ҳақ тўлашни амалга ошириши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига 29-илованинг изоҳи матнидан «футбол бўйича мактаб-интернатлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сон қарори 1-иловасига қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг қўшимча жойлаштириладиган акциялари ҳажмидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг улуши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган фойдаси ҳисобига 2011-2012 йилларда шакллантирилади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари» тўғрисида 1992 йил 17 июлдаги 328-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 7-сон, 19-модда) 7-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 4,7 фоиз ставка бўйича ягона ижтимоий тўлов ундирилади».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари,

йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорида:

а) 3-банд чиқариб ташлансин;

б) Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ундириш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

бешинчи хатбошидаги «илова қилинадиган жадвалга мувофиқ» сўзларидан кейин «республика бюджетининг асосий ҳисоб рақамига сўм эквивалентини (сотиш кундаги Марказий банк курси бўйича) ўтказган ҳолда (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Божлар, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ундирувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 санасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига валюта тушумлари ҳамда тегишли ўтказмалар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этадилар»;

ўнинчи хатбошидан «Молия вазирлиги ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг «Божлар, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлардан тушган валюталарни тақсимлаш» жадвалида:

6-сатрдаги «92%» қийматидан кейин «*» белгиси қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги ҳавола қўшилсин:

«* Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналари Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган консуллик йиғимларини бўлиб турган мамлакатлар банкларида очилган жорий бюджет ҳисоб рақамларига бюджет маблағларини қўшиш учун пул ўтказадилар ҳамда улардан кейинги йил учун тасдиқланган сарф-харажатлар сметасига асосан дипломатик ваколатхоналарни сақлаш харажатларини молиялаштиришга фойдаланадилар»;

г) 3-илова изоҳи 4-бандининг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Консуллик йиғимларини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадларида (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун ҳар ойда компенсация тўлаш тартибининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Компенция автомобиллар моторининг от кучи сонига қараб қуйидаги миқдорларда тўланади:

От кучи сони	Бир ой учун компенсациянинг чекланган миқдори
100 от кучидан юқори	Энг кам ойлик иш ҳақининг 4,5 баравари
70 от кучидан 100 от кучигача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баравари
70 от кучигача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари

Компенсация миқдорлари ходимга фақат хизмат мақсадлари учун фойдаланиладиган автомобилни ишлатиш юзасидан қилинадиган харажатларни коплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг хайрия фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 271-сон қарорининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси, истисно тариқасида, иш ҳақи фондининг 7 фоизи миқдорида белгилансин, улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиб, бўшайдиган маблағлар етим болалар учун хайрия фаолиятини кенгайтиришга ҳамда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» ва улар билан боғлиқ лойиҳаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази тўғрисидаги низом 30-бандининг тўққизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2011 — 2015 йиллар мобайнида Марказнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили бюджетдан замонавий юқори технологияли диагностика тиббиёт асбоб-ускуналари (техникалари) билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларни харажат материаллари, имплантатлар билан таъминлашга маблағлар ажратилишини камайтира бориб, 2012 йилга бюджетдан ташқари маблағлар улушини 50 фоизгача етказган ҳолда бюджетдан қисман дотация қилинадиган айрим юқори технологияли операциялар сонини босқичма-босқич камайтириш назарда тутилади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 24-1-банд қўшилсин:

«24-1. Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тиклаш тўғрисидаги аризасини олган рўйхатга олувчи орган кейинги иш кuni тугашидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги ёки тиклаганлиги тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизматига ахборот тақдим этади».

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда) қуйидаги мазмундаги 3-1-банд қўшилсин:

«3-1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида

фаолият юритаётган, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари шартларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат мулкида бўлган бинолар ва иншоотларда жойлаштириладиган бюджет ташкилотлари, шунингдек халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари учун ижара ҳақининг ноль ставкаси белгиланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно».

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****514 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-
даги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат
комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишлари-ни ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ ҳамда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш материалларини давлат экспертизасидан ўтказишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
310-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 24 декабрдаги 310-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича
давлат комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) геология материалларини давлат экспертизасидан ўтказувчи ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқловчи махсус орган ҳисобланади.

2. Давлат комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Давлат комиссиясининг ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлари ер ости бойликларини геология жиҳатидан ўрганиш, кон-қазиб олиш корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

II. Давлат комиссиясининг вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Давлат комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

оқилона иқтисодий ва экологик асосда конлар захираларини энг тўлиқ ва комплекс қазиб олиш талабларига мувофиқ бўлган ер ости бойликларидаги фойдали қазилмалар захираларини ишончли ҳисоблаб чиқиш учун кондицияларни тасдиқлаш;

республика минерал-хом ашё базаси ривожланишини таъминловчи фойдали қазилмалар барча турларининг захираларини тасдиқлаш;

геология материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш;

фойдали қазилмалар захираларини таснифлаш ҳамда ҳисоблаб чиқиш, уларни геология-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва уларнинг саноатдаги аҳамиятини аниқлашнинг мақбул принципларини белгилаш соҳасида ягона сиёсатни ўтказиш.

5. Давлат комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

фойдали қазилмалар захираларини таснифлаш ва ҳисоблаб чиқишни регламентловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, босқичлар бўйича геология-қидирув ишларини олиб бориш, шунингдек ишларнинг саноатдаги аҳамиятини (кондицияларнинг дастлабки техник-иқтисодий асослашларини, шу жумладан нефть ва газ конденсати қазиб олишнинг чекланган коэффициентларини; кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашларини геологик-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш жараёнида услубий раҳбарликни амалга оширади;

кондициялар лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари экспертизасини ташкил қилади ва ҳар бир кон бўйича фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш учун ушбу кондициялар параметрлари (кўрсаткичлари)ни тасдиқлайди;

нефть ва газ конденсати захираларини қазиб олиш чекланган коэффициентларининг техник-иқтисодий асослашлари экспертизасини ташкил қилади ва қазиб олинадиган захираларни ҳисоблаб чиқиш учун уларни тасдиқлайди;

фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиққан ҳолда геология материаллари экспертизасини ташкил қилади ва фойдали қазилмаларнинг ҳисоблаб чиқилган захираларини тасдиқлайди, мазкур захираларнинг ўрганилганлик ва ишончлилик даражасининг фойдали қазилмалар конлари захираларининг амалдаги таснифларига мувофиқлигини, уларнинг саноатдаги аҳамиятини ҳамда конларнинг (ёки улар қисмларининг) саноат йўли билан ўзлаштиришга тайёрилигини белгилайди. Фойдали қазилмалар захиралари конни геологик ўрганишнинг барча босқичларида аҳамиятини кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашлари ва захираларни ҳисоблаб чиқиш бўйича тақдим этилган материаллар уларнинг миқдори, сифати ва саноатдаги аҳамияти бўйича ҳолисона баҳолаш имконини берган тақдирда тасдиқланиши мумкин;

техник-иқтисодий асослар мавжуд бўлган тақдирда янги кондицияларни тасдиқлайди ва қўшимча геология-қидирув ишлари олиб борилганда ёки конни (унинг айрим қисмлари ва участкаларини қазиб олишда дастлабки кондицияларда қабул қилинганларга нисбатан геологик, кон-техникавий, иқтисодий ва бошқа шартлар ўзгарган тақдирда, улар асосида ҳисоблаб чиқилган фойдали қазилмалар захираларини қайта тасдиқлайди;

саноат учун аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинги геология-қидирув ишларида ёки конни қазиб олишда тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан белгиланган тартибда чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш ва (ёки) ер ости иншоотларидан фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкалари бўйича геология материаллари экспертизасини ташкил қилади, ушбу участкалардан сифат кўрсаткичларини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқлилигини аниқлайди;

геология материаллари экспертизасини ташкил қилади ва ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия берган органнинг, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг, ер қаъридан фойдаланувчининг тақдимномаси бўйича, шунингдек лицензия берилган вақтда фойдали қазилмаларнинг янги турлари ёки қўшимча компонентлар мавжудлиги, шунингдек фойдали қазилмаларнинг янги хоссалари ёки сифатлари тўғрисидаги маълумотлар аниқланган тақдирда хатловдан ўтказиш натижалари бўйича фойдали қазилмалар захираларини қайта тасдиқлайди.

III. Давлат комиссиясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Давлат комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

геология-қидирув ишларини олиб боровчи ва фойдали қазилмаларни қазиб оловчи ташкилотлардан Давлат комиссиясига тақдим этилган кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашларини, нефть ва газ конденсатини, фойдали қазилмалар захираларини қазиб олиш коэффициентларини, фойдали қазилмалар ҳисобини Давлат комиссиясининг кўриб чиқиши учун кондициялар, фойдали қазилмалар захираларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар билан бирга ҳисоботлар лойиҳаларини тақдим этиш йиллик режаларини жадвалларини текшириш учун зарур бўлган геология ахборотлари ҳамда бошқа маълумотларни сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

ийгилишлар, семинарлар ўтказиш, Давлат комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича хорижий мамлакатларнинг шунга ўхшаш органлари билан илмий-техник алоқалар ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ер қаъри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

7. Давлат комиссияси минерал хом ашё кондициялари, нефть ва газ конденсати қазиб олиш коэффициентлари, тасдиқланаётган захиралар миқдори ва сифати, саноат мақсадида ўзлаштириш учун конларнинг (ёки улар қисмларининг) тайёрлиги баҳолари бўйича қабул қилинган қарорларнинг асосланганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Давлат комиссияси фаолиятини ташкил этиш

8. Давлат комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

9. Давлат комиссиясининг раиси:

Давлат комиссияси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Давлат комиссияси раиси ўринбосарларининг ва Давлат комиссияси аъзоларининг, Давлат комиссияси котибияти раҳбари ва аъзоларининг ушбу Низомда назарда тутилган вазифаларга мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

Давлат комиссияси котибиятининг шахсий таркибини тасдиқлайди ва котибият фаолиятини назорат қилади;

Давлат комиссиясининг иш режаларини, Давлат комиссиясига тушган материалларни кўриб чиқиш жадвалларини тасдиқлайди;

Давлат комиссияси мажлисларига раислик қилади.

Раис бўлмаган тақдирда Давлат комиссияси мажлиси Давлат комиссияси раиси ўринбосарларидан бири томонидан ўтказилади.

10. Давлат комиссияси таркибига манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек республика етакчи кон қазиб олиш корхоналарининг раҳбарлари ва раҳбарларининг ўринбосарлари киради.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузурида фаолият кўрсатувчи, учта штат бирлигидан иборат таркибдаги котибият (кейинги ўринларда Давлат комиссияси котибияти деб аталади) Давлат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Котибият Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ:

бажарувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашлари ва фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш материалларини, шунингдек бошқа геологик материалларни кўриб чиқиш учун Давлат комиссиясига қабул қилиб олади;

кўриб чиқиладиган объектларнинг мураккаблигига кўра экспертизаларнинг зарур турларини ва уларни ўтказиш учун экспертларнинг шахсий таркибини белгилайди;

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича экспертлар томонидан хулосаларнинг ўз вақтида тақдим этилишини, уларнинг тўлиқлиги ва ҳолисоналигини назорат қилади;

тақдим этилган материалларнинг бажарувчи ташкилотларидан минерал хом ашё учун кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашларини, нефть ва газ конденсати қазиб олиш коэффициентларини, фойдали қазилмалар захиралари ҳисобини, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланаётган ер қазри участкалари бўйича геологик ва бошқа маълумотларнинг тўлиқлиги баҳосини текшириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраб олади;

геология-кидирув ишларини ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини олиб бораётган ташкилотлардан Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқиш учун кондициялар лойиҳаларини, захираларни ҳисоблаб чиқишга доир ҳисоботларни ва бошқа материалларни тақдим этиш жадвалларини сўраб олади, Давлат комиссияси котибияти билан келишган ҳолда Давлат комиссияси томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш жадвалларини тузади;

Давлат комиссияси томонидан кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашларини, фойдали қазилмалар захиралари ҳисобини кўриб чиқиш натижаларини умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда камчиликларни бартараф этиш, геологик ва бошқа ахборотларнинг тўлиқлиги ва сифатини ошириш, захираларни ҳисоблашнинг ва конларни геологик-иқтисодий баҳолашнинг

ишончилигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади, фойдали қазилмалар захираларининг ҳисоби билан бирга кўриб чиқиш якунлари бўйича ҳар йилги умумлаштиришларни ташкил қилади, улар Давлат комиссияси раиси билан келишган ҳолда нашр этилади ва манфаатдор томонларга юборилади;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан юритиладиган Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг Давлат балансини таҳлил қилади ҳамда геология-қидирув ишлари натижалари бўйича янги маълумотларни ва конлардан фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда унга тузатишлар киритиш, шунингдек оператив ҳисоблар бўйича балансга қабул қилинган захираларни давлат экспертизасига тақдим этиш юзасидан тавсиялар беради;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар иштирокида конлар захиралари таснифларини ва фойдали қазилмаларнинг прогноз ресурсларини, фойдали қазилмаларнинг ҳар хил турлари конларига нисбатан захиралар таснифларини қўлланиш бўйича йўриқномаларни, минерал хом ашёга кондицияларнинг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда Давлат комиссияси ваколатига кирадиган бошқа норматив ҳужжатларнинг мазмуни, уларни расмийлаштириш ва Давлат комиссиясига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни ишлаб чиқади;

минерал хом ашёга кондицияларнинг асосланишини ва ҳисобини, нефть ва газ конденсати қазиб олиш коэффицентлари, фойдали қазилмалар захиралари ҳисоби масалалари бўйича методик ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади;

Давлат комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича материаллар ва қарорлар лойиҳалари тайёрланишини ва кўриб чиқиш учун Давлат комиссиясига киритилишини таъминлайди.

13. Давлат комиссияси котибияти тўғрисидаги низом Давлат комиссияси қарори билан тасдиқланади.

Давлат комиссияси котибияти таркиби Давлат комиссияси қарори билан тасдиқланади. Давлат комиссияси котибияти аъзоларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш Давлат комиссияси қарори асосида амалга оширилади.

14. Минерал хом ашёга лойиҳалар, фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш материаллари ҳамда Давлат комиссияси кўриб чиқиши учун тушадиган бошқа геологик экспертиза ҳам Давлат комиссияси котибияти аъзолари томонидан, ҳам жалб этилган экспертлар томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси эксперти тўғрисидаги низом, экспертларнинг шахсий таркиби Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

15. Давлат комиссияси котибияти томонидан тайёрланган комиссия қарорлари лойиҳалари зарур материаллар билан бирга Давлат комиссияси раисига юборилади, у комиссия мажлисида уларни кўриб чиқиш муддатларини тасдиқлайди.

16. Давлат комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини ҳисоб-

лаб чиқиш учун кондицияларни, нефть ва газ конденсати қазиб олиш коэффициентларини ҳамда фойдали қазилмаларнинг ҳисоблаб чиқилган захираларини тасдиқлаш тўғрисидаги, шунингдек кўриб чиқиладиган бошқа масалалар бўйича қарори комиссия мажлисида, экспертлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва материалларни тақдим этган ташкилотлар вакиллари иштирокида қабул қилинади.

Давлат комиссияси мажлислари комиссия аъзолари рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади. Кворум бўлмаган тақдирда Давлат комиссиясининг мажлисга келган аъзолари томонидан мажлисни кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилинади, мажлисни ўтказишнинг янги санаси ва вақти тўғрисида қўшимча равишда хабар қилинади.

17. Давлат комиссияси қарорлари комиссиянинг мажлисда қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Давлат комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Давлат комиссиясининг айрим аъзолари қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда улар ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилиши ва уни Давлат комиссияси мажлиси протоколига илова қилиши мумкин. Якуний қарор қабул қилиш учун материаллар қўшимча экспертиза ўтказишга юборилиши мумкин, шундан кейин улар Давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлисига такроран кўриб чиқиш учун киритилади.

18. Зарур ҳолларда фойдали қазилмалар захиралари кондицияларини ва ҳисобини тасдиқлаш масалалари Давлат комиссиясининг кўчма мажлисла-рида кўриб чиқиши мумкин.

19. Давлат комиссияси мажлисларида қабул қилинган қарорлар протоколлар билан расмийлаштирилади, уларнинг нусхалари экспертиза материаллари билан бирга икки ҳафта муддатда материалларни тақдим этган бажарувчи ташкилотга юборилади.

20. Кондицияларнинг, фойдали қазилмаларнинг ҳисоблаб чиқилган захиралари лойиҳалари етарли даражада асосланмаган, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун ер қаъри участкаларининг яроқлилиги тўғрисидаги маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда тақдим этилган материаллар Давлат комиссияси протоколи ва экспертлар хулосалари нусхалари билан бирга бажарувчи ташкилотга қайтарилади.

Материаллар Давлат комиссияси протоколида баён қилинган Давлат комиссияси мулоҳазалари ва тавсияларга мувофиқ пухталаштирилган тақдирда улар такроран кўриб чиқиш учун Давлат комиссиясига тақдим этилиши мумкин.

21. Фойдали қазилмаларнинг разведка қилинган захираларини давлат ҳисобига қўйишга, конни саноат асосида ўзлаштириш учун киритишга, ер қаъри участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган иншоотлар қуриш ва улардан фойдаланишга фақат Давлат комиссиясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

22. Давлат комиссияси қарорлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

23. Давлат комиссиясига тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш муддати 3 ойдан ошмаслиги керак.

24. Давлат комиссияси мажлисларида унинг фаолиятига тааллуқли бўлган норматив-методик ҳужжатлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

25. Давлат комиссияси котибиятининг таъминоти ва геологик-қидирув ишлари бюджет маблағлари ҳисобига ўтказилган объектлар бўйича жалб этилган экспертлар хизматлари учун тўловлар бўйича харажатларни молиялаштириш белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган пул маблағлари геология-қидирув ишларининг ҳар йилги дастурларида назарда тутилади, амалда молиялаштириш эса Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси орқали амалга оширилади.

Геологик-қидирув ишлари бажарувчи ташкилот маблағлари ҳисобига ўтказилган объектлар бўйича жалб этилган экспертлар хизматлари учун тўлов ушбу ташкилотлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат комиссиясига тақдим этилган кондициялар лойиҳаларини ва фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш материалларини кўриб чиқиш, шунингдек геология материалларининг давлат экспертизаси тузилган шартнома шартларига мувофиқ, шартномавий асосда амалга оширилади. Материалларни тақдим этган ташкилотлар, шунингдек жалб этиладиган экспертлар билан шартномалар тузиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Ишлар ва хизматларнинг кўрсатиб ўтилган турларига нархлар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Давлат комиссияси қарори билан тасдиқланади.

26. Давлат комиссияси тегишли бланкалардан фойдаланади. Давлат комиссияси протоколлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан муҳрланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**515** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида» 2010 йил 19 ноябрдаги 200–II сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги 2010 йил 4 декабрдаги 135–II-сонли қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (У.У. Розуқулов):

икки ой муддатда Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласин;

икки ҳафта муддатда Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Асака тумани давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий сонини, тузилмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини аниқлашга доир ташкилий масалаларни ҳал этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Асака тумани бюджетининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкилий даврда иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин.

* 1-илова берилмайди.

3. Андижон вилояти Асака тумани ҳокимлиги ходимларининг чекланган умумий сони 21 нафардан иборат бошқарув аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Андижон вилояти Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилишини таъминласинлар;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Асака туманини янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Андижон вилояти Асака туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Андижон вилояти Асака туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларининг бирлаштирилиши ҳамда Асака шаҳрининг туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан:

Асака шаҳар ва Асака тумани ички ишлар бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, Асака тумани ички ишлар бўлимига берилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида;

Асака шаҳар ва Асака туманида фаолият кўрсатаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда ҳамда суд ижрочилари Асака шаҳар ва Асака туман бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, суд ижрочилари Асака туман бўлимига берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Асака шаҳар ва Асака тумани прокуратураси, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлимлари ходимларининг штатдаги сонини Андижон вилояти Асака туманининг тегишли бўлинмаларга бериш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
311-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 24 декабрдаги 311-сон қарорига
2-ИЛОВА

515-модда

— 52 —

52 (448) -сон

Андижон вилояти Асака тумани ҳокимлиги аппарати ТУЗИЛМАСИ



Жами бошқарув ходимлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 21 та штат бирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**516 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиш ҳамда унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисида» 2010 йил 3 ноябрдаги 181–II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисида» 2010 йил 4 декабрдаги 134–II-сонли қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (Б.А.Хўжаев):

икки ой муддатда Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласин;

икки ҳафта муддатда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қизириқ тумани давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий сонини, тузилмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини аниқлашга доир ташкилий масалаларни ҳал этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Қизириқ тумани бюджетининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогност параметрларини белгиласин;

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкилий даврда иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин.

3. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 18 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова берилмайди.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Сурхондарё вилояти Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудуди Қизириқ туманига бирлаштирилиши муносабати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилишини таъминласинлар;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қизириқ туманини янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Сурхондарё вилояти Қизириқ туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти Қизириқ туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани тугатилиб, унинг ҳудуди Қизириқ туманига бирлаштирилиши муносабати билан:

Бандихон тумани ички ишлар бўлимларининг амалдаги ходимлари сони, Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ички ишлар органларининг тегишли бўлинмаларига берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида;

Бандихон туманида фаолият кўрсатаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда ҳамда Бандихон тумани суд ижрочиларининг амалдаги сони, Қизириқ туман суд ижрочилари бўлимига берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда тугатилаётган Бандихон тумани прокуратураси, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлимлари ходимларининг штатдаги сонини Сурхондарё вилояти Қизириқ туманининг тегишли бўлинмаларга бериш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
312-сон

**Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ҳокимлиги аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Жами бошқарув ходимлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 18 та штат бирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**517 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида» 2010 йил 19 ноябрдаги 199–II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида» 2010 йил 4 декабрдаги 136–II-сонли қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (Ф.И. Ибрагимов):

икки ой муддатда Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласин;

икки ҳафта муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Янгийўл тумани давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий сонини, тузилмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини аниқлашга доир ташкилий масалаларни ҳал этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Янгийўл тумани бюджетининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкилий даврда иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунинг-

* 1-илова берилмайди.

дек юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин.

3. Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 21 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумидан туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилишини таъминласинлар;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Янгийўл туманини янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилояти Янгийўл туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Тошкент вилояти Янгийўл туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудлари бирлаштирилиши ҳамда Янгийўл шаҳрининг туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан:

Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани ички ишлар бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, Янгийўл тумани ички ишлар бўлимига берилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида;

Янгийўл шаҳар ва Янгийўл туманида фаолият кўрсатаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда ҳамда суд ижрочилари Янгийўл шаҳар ва Янгийўл туман бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, суд ижрочилари Янгийўл туман бўлимига берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани прокуратураси, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлимлари ходимларининг штатдаги сонини Тошкент вилояти Янгийўл туманининг тегишли бўлинмаларга бериш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
313-сон

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳокимлиги аппарати
ТУЗИЛМАСИ



Жами бошқарув ходимлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 21 та штат бирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**518** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-
лик палатаси ва Сенатининг «Тошкент вилоятининг
Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаш-
тириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги ша-
ҳарлар туркумига киритиш тўғрисида»ги қарорларини амал-
га ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида» 2010 йил 30 ноябрдаги 219–II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисида» 2010 йил 4 декабрдаги 137–II-сонли қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси I-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (Ғ.И. Ибрагимов):

икки ой муддатда Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласин;

икки ҳафта муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Оҳангарон тумани давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган умумий сонини, тузилмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини аниқлашга доир ташкилий масалаларни ҳал этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Оҳангарон тумани бюджетининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкилий даврда иқти-

* I-илова берилмайди.

содиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин.

3. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 21 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумидан туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тугатилиши ва улар сонининг қисқариши натижасида бўшаб қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин, зарурият бўлганда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Оҳангарон туманини янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг маъмурий ҳудуди кенгайиши муносабати билан ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларининг бирлаштирилиши ҳамда Оҳангарон шаҳрининг туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан:

Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон тумани ички ишлар бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, Оҳангарон тумани ички ишлар бўлимига берилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида;

Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон туманида фаолият кўрсатаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат нотариал идоралари уларга тартиб рақами берилган ҳолда ҳамда суд ижрочилари Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон туман бўлимлари ходимларининг штатдаги сони, суд ижрочилари Оҳангарон туман бўлимига берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сақлаб қолинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон тумани прокуратураси, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлимлари ходимларининг штатдаги сонини Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг тегишли бўлинмаларга бериш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклан-син.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
314-сон

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳокимлиги аппарати ТУЗИЛМАСИ



Жами бошқарув ходимлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 21 та штат бирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**519 «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ:

«Шарқий Қурама» ОАЖ ва «Олмалиқ КМК» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилганлиги ҳамда «Шарқий Қурама» ОАЖни «Олмалиқ КМК» ОАЖга бирлаштириш йўли билан уни қайта ташкил этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинганлиги;

қайта ташкил этилаётган «Шарқий Қурама» ОАЖнинг «Олмалиқ КМК» ОАЖга берилаётган мол-мулки негизда юридик шахс мақомисиз «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринларда «Рангли металллар геологияси» ИИЧМ деб аталади) ташкил этиш, Олмалиқ шахри, Примкулов кўчаси, 1-уйни унинг жойлашган жойи этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги;

«Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг ташкилий тузилмаси, бошқарув аппарати тузилмаси ҳамда марказ тўғрисидаги низом лойиҳаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилганлиги;

«Рангли металллар геологияси» ИИЧМ томонидан 2011 йилда амалга ошириладиган Геология-қидирув ишлари дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ ва «Шарқий Қурама» ОАЖ акциядорларининг «Шарқий Қурама» ОАЖни «Олмалиқ КМК» ОАЖга бирлаштириш йўли билан уни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда белгиланган тартибда:

«Шарқий Қурама» ОАЖнинг давлатга, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасига ва қўмитага идоравий мансуб давлат корхоналарига тегишли акцияларини давлатнинг улуши ҳисобига «Олмалиқ КМК» ОАЖ акциялари этиб конвертация қилишни;

бошқа юридик шахсларга тегишли бўлган жамият акциялари «Шарқий Қурама» ОАЖ томонидан бозор қиймати бўйича сотиб олиншини;

«Шарқий Қурама» ОАЖнинг жисмоний шахсларга тегишли акцияларини «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг имтиёзли акциялари этиб конвертация қилишни назарда тутадиган таклифига розилик берилсин.

3. Қўйидагилар:

«Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

«Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг бошқарув аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

«Рангли металллар геологияси» ИИЧМ тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Олмалик КМК» ОАЖ бош директориға «Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг ташкилий тузилмасига, бошқарув аппарати тузилмасига ҳамда марказ тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. «Олмалик КМК» ОАЖ «Рангли металллар геологияси» ИИЧМ 2011 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатишни бошлашини ва кейинчалик самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 декабрь,
316-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 27 декабрдаги 316-сон қарорига
1-ИЛОВА


**«Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ҳаммаси: 473 киши

шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари — 32 киши.

**«Рангли металллар геологияси» ИИЧМнинг бошқарув аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 27 декабрдаги 316-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Рангли металллар геологияси»
илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Рангли металллар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

2. Марказ «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг (кейинги ўринларда ОКМК деб аталади) юридик шахс мақомисиз филиали сифатида унинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ОКМК бошқарув органлари қарорларига амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини ОКМКнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш самарадорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашувчи бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказга унга ОКМК томонидан бириктирилган мол-мулк берилади. Марказ ушбу мол-мулкдан тасарруф этиш ҳуқуқисиз ОКМК томонидан берилган ҳуқуқлар доирасида фойдаланади.

6. Марказга бириктирилган мол-мулкни бегоналаштириш ОКМК ваколатли бошқарув органларининг қарорига кўра белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Марказ илова ҳисоб рақамига эга ва ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳуқуқи билан тугалланмаган бухгалтерия баланси тузади. Бухгалтерия баланси белгиланган муддатларда ОКМКнинг йиғма балансига киритиш учун тақдим этилади.

**II. Марказнинг ташкилий тузилмаси ва уни бошқариш
аппаратининг тузилмаси**

8. Марказнинг ташкилий тузилмасига қуйидагилар қиради:
Хонжиза геология-қидирув экспедицияси;

Илмий-мавзули гуруҳ;

Шарқий-Қурама геология-қидирув экспедицияси;

Геологик материалларни компьютерда қайта ишлаш хизмати;

Таҳлилий лаборатория.

Марказнинг бошқарув аппарати тузилмаси бўлимлардан ва бошқа таркибий бўлинмалардан иборат.

9. Марказнинг бошқарув аппарати штат жадвали ОКМК бош директори томонидан тасдиқланади.

10. Марказнинг ташкилий тузилмасига кирадиган бўлинмаларнинг штат жадвалларини ОКМК раҳбарияти билан келишган ҳолда ҳамда бажариладиган ишларнинг ўзига хослиги ва ҳажми ҳисобга олинган ҳолда намунавий тузилмаларга ҳамда ишчи ва хизматчилар сони нормативларига мувофиқ Марказнинг директори тасдиқлайди.

11. Марказ бошқарув аппарати бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек Марказнинг ташкилий тузилмасига кирадиган бўлинмалар раҳбарлари билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш Марказ директорининг тақдимномасига кўра ОКМКнинг Бош директори томонидан амалга оширилади.

Марказ бошқарув аппарати бўлинмалари, шунингдек Марказнинг ташкилий тузилмасига кирадиган бўлинмалар ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни тўхтатиш ОКМК Бош директорининг ваколати ўринбосари томонидан амалга оширилади.

12. Марказ директори вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини Марказнинг Бош муҳандиси бажаради.

13. Марказнинг бўлинмалари, шу жумладан бошқарув аппаратининг бўлинмалари ўртасидаги функцияларни бўлинмалар тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ Марказ директори тақсимлайди.

III. Марказнинг асосий вазифалари

14. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, рангли металлларнинг минерал-хом ашё базасини ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни такрор ишлаб чиқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда қатнашиш;

рангли металлларнинг минерал-хом ашё базасини ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида ер қаърини геологик ўрганиш (излаш, баҳолаш ва қидириш);

ОКМК балансига берилган қимматбаҳо металллар конларини қайта қидириш ва фойдаланилаётган конларда қидириш ишлари олиб бориш устидан методик назорат қилиш;

рангли металллар ва уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар захираси ўсиши бўйича давлат буюртмасини бажариш.

IV. Марказнинг функциялари

15. Марказ юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) геологик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш асосида ер қаъри тўғрисида ОКМК геология-қидирув ишларининг узоқ муддатли (3 йилдан ортиқ даврга), ўртача муддатли (уч йилгача даврга) ва йиллик дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишиш учун материалларни тайёрлайди;

б) қуйидагиларни:

геология-қидирув ишларини олиб бориш учун объектма-объект геологик топшириқлар ва лойиҳалар ишлаб чиқирилишини;

республиканинг бутун ҳудудида истиқболли майдонларни геологик ўрганишни ҳамда рангли металллар ва уларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ўсирилишини;

конларни излаш ва қидириш технологияларини такомиллаштириш учун қидирув маълумотларини қиёслашни ҳамда рангли ва қимматбаҳо металллар конларидан фойдаланишни;

бурғулаш, кон ва бошқа геология-қидирув ишларининг истиқболли, йиллик, чораклик ва ойлик режалари ишлаб чиқирилишини, шунингдек Марказ бўйича пул маблағлари сарфи сметаси ОКМК бошқарув аппаратида тақдим этилирилишини;

рудали конлар прогнози ва уларни қидириш усулларини такомиллаштириш бўйича тажриба-методик ва илмий-тадқиқот ишлари натижалари тезкор жорий этилирилишини;

Марказнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолияти учун зарур бўлган товар-моддий бойликларга буюртманомалар ишлаб чиқирилишини ва ОКМКнинг бошқарув аппаратида тақдим этилирилишини, шунингдек ажратилган лимитлар доирасида шартномалар бўйича товар-моддий бойликлар олирилишини;

ер қаърини геологик ўрганиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқлирилишини ташкил этади;

в) барча босқичларда геология-қидирув ишлари амалга оширилилишига методик раҳбарлик қилади, шунингдек бажарилаётган ишларнинг геология-қидирув ишларининг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқлигини назорат қилади;

г) ер қаърини геологик ўрганиш ишларининг натижалари бўйича ҳисоботларни тасдиқлайди;

д) Марказнинг бўлинмалари томонидан геология-қидирув ишлари олиб борилиши учун ажратилган маблағлардан фойдаланилирилишини назорат қилади;

е) геология тармоғи кадрлари малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли асосда иш олиб боради.

16. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бевосита, шунингдек ўз таркибига кирадиган бўлинмалар орқали ҳал этади.

V. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

17. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

ОКМК раҳбариятининг рухсати билан, чет ташкилотларнинг розилиги бўйича геологик материалларни экспертизадан ўтказиш учун уларнинг мутахассисларини жалб этиш;

ОКМК раҳбариятининг рухсати билан Марказнинг балансидаги мол-мулкни белгиланган тартибда ОКМКнинг бошқа бўлинмаларига бериш;

ОКМК раҳбарияти билан келишган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали мутахассислардан вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш, шу жумладан шартномалар асосида ушбу ишга чет ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

18. Марказ:

барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича геология-қидирув ишлари режаси бажарилиши;

асосий ва айланма маблағлар, моддий-техника ресурслари сақланиши, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши;

Марказнинг ҳисобот ҳужжатлари белгиланган шаклда ўз вақтида тақдим этилиши;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва техника хавфсизлигига риоя қилиниши;

ишлаб чиқариш ва ижро интизомига риоя қилиниши учун жавоб беради.

19. Марказ ходимларининг жавобгарлиги даражаси қонун ҳужжатларида ва лавозим йўриқномаларида белгиланади.

VI. Марказ фаолиятини ташкил этиш

20. Марказга умумий раҳбарликни ОКМКнинг бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор амалга оширади. Марказ директори ўз фаолиятида бевосита ОКМК бош муҳандисига бўйсунди.

Марказнинг бош муҳандиси ва бош геологи Марказ директорининг тақдимномаси бўйича ОКМК бош директорининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Директорнинг Марказ директорининг тақдимномаси бўйича ОКМК бош директорининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган илмий ишлар бўйича бир нафар ўринбосари бўлади.

21. Марказ директори:

Марказга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ОКМК бош директори томонидан берилган ишончнома асосида Марказ номидан иш кўради;

зарурият бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Марказнинг ташкилий тузилмасини, бошқарув аппарати тузилмасини ўзгартириш тўғрисида ОКМК раҳбариятига таклифлар киритади;

Марказ ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисида ОКМК раҳбариятига такдимномалар киритади;

Марказнинг бошқарув аппарати ва таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни, шунингдек марказ ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилиши ташкил этилишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига, ушбу Низомга ва ОКМК Уставига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Геология-қидирув ишларининг энг муҳим йўналишларини, геология-қидирув ишлари натижалари бўйича лойиҳалар ва ҳисоботларни ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун Марказ ҳузурида 15 кишидан иборат Илмий-техник кенгаш тузилади.

Илмий-техник кенгаш таркибига Марказ бошқарув аппарати ва унинг бўлинмаларининг мутахассислари, ОКМК кон бошқармасининг бош геологлари киради. Илмий-техник кенгаш ишига ОКМКнинг бошқа мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

Илмий-техник кенгашга Марказ директори бошчилик қилади. Илмий-техник кенгашнинг таркиби ва у тўғрисидаги Низом ОКМКнинг бош директори томонидан тасдиқланади.

23. Марказнинг бошқарув аппарати ва унинг ташкилий тузилмасига кирадиган бўлинмалар таъминоти ОКМК маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

VII. Марказнинг ОКМК бўлинмалари ва чет ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари

24. Марказ ОКМК бўлинмалари билан ОКМК бошқарув аппаратининг тегишли функционал бўлинмалари орқали ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларини амалга оширади.

25. Марказнинг ОКМК бўлинмалари, шунингдек чет ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ушбу Низомда назарда тутилган Марказнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларидан келиб чиқиб белгиланади.

VIII. Ҳисоб ва ҳисобот. Марказ фаолиятини текшириш

26. Марказ давлат статистика органлари, молия органлари ва ОКМК раҳбарияти томонидан белгиланадиган тартибда ва муддатларда ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия-иқтисодий фаолият натижаларининг тезкор, статистика ва бухгалтерия ҳисоби ва назоратини амалга оширади, ўзининг таш-

килий тузилмасига кирадиган бўлинмалар бўйича бухгалтерия ва статистика ҳисоботи, йиғма ҳисобот юритади.

27. Марказнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия-иқтисодий фаолиятини текшириш ОКМКнинг тегишли бўлинмалари томонидан бир йилда камида бир марта, шунингдек ОКМК фаолиятини текшириш доирасида белгиланган тартибда назорат органлари томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

520 Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ ва ўз касб мажбуриятларини бажаришда нотариусларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.А. Мухитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 декабрь,
318-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши
оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг (кейинги ўринларда «зарар» деб аталади) давлат томонидан қопланиши тартибини белгилайди.

2. Зарар давлат томонидан кейинчалик нотариусга тўланган қоплаш миқдорида аксинча талаб (регресс) қўйилган ҳолда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) маблағлари ҳисобига қопланади.

**II. Зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни
кўриб чиқиш**

3. Юридик ва жисмоний шахс ўзига етказилган зарар қопланиши ҳуқуқига эга.

Суднинг зарарни қоплаш тўғрисида қонуний кучга кирган қарори зарар қопланиши учун асос ҳисобланади.

4. Жамғармадан маблағ ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (кейинги ўринларда «адлия бошқармаси» деб аталади) суднинг зарарни қоплаш тўғрисида қонуний кучга кирган қарори адлия бошқармасига тушгандан кейин икки кун муддатда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига суднинг қарорини илова қилган ҳолда тегишли буюртманомани киритади.

5. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси буюртманома тушган кундан бошлаб икки кун мобайнида буюртманомада кўрсатилган маблағларни адлия бошқармасининг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамига ўтказиши.

Маблағлар шахсий ғазначилик ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб бир кун мобайнида адлия бошқармаси ушбу маблағларни зарарни қоплаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли банк ҳисоб рақамларига ўтказиши.

6. Суднинг зарарни қоплаш тўғрисида қонуний кучга кирган қарори асосида адлия бошқармаси томонидан нотариусни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала ҳал қилиниши керак.

III. Тўланган қоплаш миқдорида нотариусга аксинча талаб (регресс) қўйиш

7. Адлия бошқармаси томонидан қопланган сумма кейинчалик аксинча талаб (регресс) тартибида нотариусдан ундириб олиниши керак.

Нотариус адлия бошқармаси томонидан зарарни қоплаш учун юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилган маблағларнинг тўлиқ суммасини қоплайди.

8. Юридик ва жисмоний шахсга зарар қоплангандан сўнг икки кундан кечикмай адлия бошқармаси нотариусга тўланган қоплаш миқдорида аксинча талаб (регресс) билан мурожаат қилади.

Нотариус ўзи томонидан юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарар суммасини адлия бошқармасига белгиланган тартибда ихтиёрий равишда қоплаш ҳуқуқига эга.

Нотариус томонидан зарарни қоплаш адлия бошқармасининг шахсий фазначилик ҳисоб рақамига пул маблағлари киритиш йўли билан амалга оширилади.

Зарарнинг нотариус томонидан бошқа шаклда қопланишига йўл қўйилмайди.

9. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 207-моддасига мувофиқ нотариусдан ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган етказилган зарар суммасини ундириш адлия бошқармаси раҳбарининг етказилган зарарни нотариусдан ундириш тўғрисидаги буйруғига биноан амалга оширилади. Буйруқ адлия бошқармаси томонидан юридик ва жисмоний шахсга зарар қопланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай қабул қилиниши мумкин.

Агар нотариусдан ундирилиши керак бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса ёки адлия бошқармаси томонидан юридик ва жисмоний шахсга зарар қопланган кундан сўнг бир ойлик муддат тамом бўлса, ундириш суд тартибида амалга оширилади.

10. Суднинг тўланган қоплаш миқдорида етказилган зарарни нотариусдан ундириш тўғрисидаги қарори белгиланган тартибда ижро этилиши керак.

11. Зарарни қоплаш ҳисобига нотариусдан адлия бошқармасининг шахсий фазначилик ҳисоб рақамига тушган маблағ икки кундан кечикмай Жамғарманинг шахсий фазначилик ҳисоб рақамига юборилади.

Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш схемаси ушбу Низомга иловада келтирилган.

IV. Якунловчи қоидалар

12. Юридик ва жисмоний шахсларга зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар судларда кўриб чиқилиши муносабати билан адлия бошқармаси томонидан сарфланган харажатлар ҳам ушбу Низомга мувофиқ аксинча талаб (регресс) тартибида нотариусдан ундирилиши керак.

13. Нотариус билан меҳнат шартномасининг тўхтатилиши уни зарар ва тегишли харажатларни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.


14. Суднинг нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши

оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги қарори мажбурий ижро этилган ҳолларда ҳам зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши керак.

15. Ушбу Низомни бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш СХЕМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 28 декабрдаги 318-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини
ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»
2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-бандга қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплашга ва тегишли харажатларга»;
олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг (1-илова) 4-банди ўн учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги ўн учинчи — ўн бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Жамғарма маблағлари:

маблағларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали ажратиш йўли билан Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази фаолиятини молиялаштиришга;

нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни ва у билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади. Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни ва у билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

521 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонунига мувофиқ ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.А. Муҳитдинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 декабрь,
319-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 28 декабрдаги 319-сон қарорига
ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш» сўзлари «ўлим» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «фуқаролик ҳолати далолатномаларини» сўзлари «ўлимни» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 18-бандда:

биринчи хатбошига «ариза» сўздан кейин «ёхуд никоҳда бўлмаган она-нинг аризаси» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «вазни, бўйи» сўзлари қўшилсин.

3. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Ота-онасининг паспортларига ички ишлар органлари томонидан бола тўғрисидаги маълумотлар: фамилияси, исми, ота исми, жинси, туғилган йили, куни, оyi ёзиб қўйилади».

4. 63-бандга қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар ФХДЁ органлари томонидан, фарзандликка олиш тўғрисидаги қарор чиққан кундан бошлаб ўн кун мобайнида киритилади. ФХДЁ органига кўрсатиб ўтилган муддат тугагандан кейин мурожаат қилинган тақдирда фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилади».

5. 74-банднинг иккинчи хатбошига «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 13-моддаси бешинчи бўлимида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

6. 119 ва 120-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«119. Оила кодексининг 47-моддасига биноан никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратиш қайд этилган кундан бошлаб тўхтатилади.

120. ФХДЁ органи суд қарори асосида эр-хотинлардан бирининг аризасига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини қайд этади ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Эр-хотинларнинг шахсини тасдиқловчи паспортлар ёки бошқа ҳужжатларга никоҳдан ажратилганлик тўғрисида ФХДЁ органи томонидан штамп қўйилади.

Ушбу Қоидалар 1998 йил 1 сентябргача ва 2010 йил 15 сентябрдан бошлаб қонуний кучга кирган суд қарорларига нисбатан қўлланади».

7. 121-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«2010 йил 15 сентябрдан бошлаб қонуний кучга кирган никоҳдан ажратишни қайд этиш республика судлари қарорлари билан эр-хотиндан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатномадаги ёзувларга қўшимчалар киритиш ва никоҳдан ажратилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш, шунингдек томонлардан бирининг ишончнома асосида ҳаракат қилувчи ўз вакили орқали берилган аризаси бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда ариза ва ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак».

8. 192 — 197, 200-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. 198-199-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«198. Ўлик туғилган бола тўғрисидаги далолатнома ёзувини расмийлаш-

тиришда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига маълумотлар ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома бўйича киритилади.

199. Тирик туғилиб, аммо ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган болага нисбатан ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига маълумотлар перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида киритилади».

10. Қуйидаги мазмундаги 206¹-банд қўшилсин:

«206¹. Ота-онаси бўлмаган тақдирда, вояга етмаган шахсларга ёки паспорт олишмаган шахсларга туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар ушбу шахснинг фотосурати ёпиштирилган, яшаш жойидаги фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи ёки мазкур шахс таълим олаётган таълим муассасаси томонидан берилган маълумотнома асосида берилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

522 Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофиқ ҳамда давлат суд экспертлари ижтимоий ҳимоя қилинишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 декабрь,
321-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат
томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш» деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

давлат суд эксперти — давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

наф олувчи — суғурталанган шахс ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган (ҳалок бўлган) тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

суғурта қилинган шахс — фойдасига суғурта амалга ошириладиган ва суғурта бадали тўланган давлат суд эксперти;

суғурта қилдирувчи — суғурталовчи билан давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган ва суғурталовчи билан суғурта муносабатларига киришган тегишли суд-экспертлик ташкилотлари;

суғурталовчи — умумий суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурталаш учун лицензияга эга бўлган суғурта компанияси;

суғурта суммаси — давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг доирасида суғурта товони тўлаш мажбуриятини олган пул маблағлари суммаси;

суғурта товони — ҳар бир суғурта қилинган шахс учун суғурта суммаси доирасида ушбу Низомда қайд этилган ҳолатларда суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилинган шахсга (наф олувчига) тўланадиган пул маблағлари суммаси;

суғурта мукофоти — ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда суғурта қилдирувчи суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

суғурта ҳодисаси — давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси даврида ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши;

давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томо-

нидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси — (кейинги ўринларда «давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси» деб аталади) суғурталовчи у бўйича суғурта ходисаси вужудга келганда келишилган тўлов (суғурта мукофоти) юзасидан суғурта қилинган шахсга (наф олувчига) меҳнатда майиб бўлганлиги ёки у меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши.

3. Суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

4. Суғурта ходисаси муносабати билан суғурта қилинган шахсга (наф олувчига) етказилган маънавий зарар давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

5. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш полиси давлат томонидан мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

II. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш ва шартнома шартларини ўзгартириш тартиби

6. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида бир йил муддатга тузилади.

7. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун суғурта қилдирувчи суғурталовчига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризани тақдим қилади.

8. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган суғурталаш муддати давомида амал қилади.

9. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси суғурта қилдирувчига суғурталовчининг ҳисоб рақамига давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

10. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиш даврида давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун тақдим қилинган аризада кўрсатилган маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида суғурта қилдирувчи суғурталовчига уч иш кунидан кечикмай хабар қилиши шарт.

11. Суғурта қилдирувчидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

12. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиш даврида шартнома шартлари ўзгарган тақдирда ўзгарган шартларга кўра суғурта мукофотига тузатиш киритилади. Бунда суғурта мукофоти бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида томонларнинг мажбуриятлари давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасига тузилган қўшимча битим тузилган кундан бошлаб уч иш куни давомида бажарилиши лозим.

III. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби

13. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаси ҳар бир суғурта қилинган шахс учун давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган кунда Ўзбекистон Республикасида амал қилган энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида белгиланади.

14. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта қилинган шахслар сонини суғурта суммасига ва 3,4 фоиз миқдорида белгиланган суғурта тарифига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Суғурта тарифларининг давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ўзгариши суғурта қилдирувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

15. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта қилдирувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга мўлжалланган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

16. Агар суғурталовчи давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси тўланган суғурта товони суммаси миқдorigа камайтирилади. Бунда суғурта қилдирувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб ра-

вишда суғурта мукофотини етти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

IV. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

17. Суғурта қилдирувчи:

суғурталовчидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

суғурта қилинган шахсларнинг сони камайганда суғурта мукофотининг суғурталанган шахсларнинг камайган сонига ва давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Суғурта қилдирувчи:

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши;

суғурта қилинган шахсларни давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурта қилинган шахс (наф олувчи) ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни тақдим этиши;

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги борасида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан йигирма иш кунидан кечиктирмай суғурталовчига ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

19. Суғурталовчи:

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларига доир ахборотларни текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Суғурталовчи:

суғурта қилдирувчини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида суғурта қилдирувчи ва (ёки) суғурта қилинган шахс (наф олувчи) тўғрисида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослаган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Низомнинг 24-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечикмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

21. Суғурта қилинган шахс:

суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

хаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши шароитларини текширишда, зарурият бўлганда, ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

суғурта қилдирувчидан суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

22. Наф олувчи:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан суғурталовчига мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товонини олиш;

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида суғурта қилдирувчи, суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

суғурталанган шахс ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) ҳақида суғурта қилдирувчига хабар қилиш;

суғурта ходисасини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни суғурта қилдирувчидан олиш ҳуқуқига эга.

V. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш тартиби ва шартлари

23. Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда:

а) суғурта қилинган шахс ишлаган даврда ёки ишдан бўшагандан кейин бир йил ичида ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши

муносабати билан ҳалок бўлган (вафот этган)да суғурта суммасининг 100 фоиз миқдорида;

б) суғурта қилинган шахсга ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ногиронлик берилган бўлса:

I гуруҳ ногиронига — суғурта суммасининг 80 фоизи миқдорида;

II гуруҳ ногиронига — суғурта суммасининг 65 фоизи миқдорида;

III гуруҳ ногиронига — суғурта суммасининг 50 фоизи миқдорида;

в) соғлиғига бошқача йўл билан зарар етказилса — ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ миқдорда суғурта товони тўлайди.

24. Суғурта қилинган шахс (наф олувчи) суғурталовчига суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги талаб билдирилган аризани:

суғурта полисини (мавжуд бўлса);

ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (ишлаб чиқаришда юзага келган бахтсиз ҳодиса махсус терговининг далолатномаси, Тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг ҳулосаси, низо вужудга келганда — суд қарорини);

наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда юборади;

Суғурта қилинган шахс вафот этган тақдирда ҳам суғурта қилинган шахснинг вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

25. Суғурта ҳодисаси тан олинганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва суғурта қилинган шахс (наф олувчи) томонидан имзоланади.

26. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда суғурта қилинган шахсга (наф олувчига) унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

VI. Якунловчи қоидалар

27. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

28. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш қонунчилиги бузили-

* Низомга 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

шида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва
соғлиғини давлат томонидан мажбурий
суғурта қилиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат
томонидан мажбурий суғурта қилишнинг
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

№ _____

_____ шаҳри 20__ й. «__» _____

Кейинги ўринларда «Суғурта қилдирувчи» деб аталадиган _____

_____ номидан

(суғурта қилдирувчининг номи)

_____ асосида иш кўрувчи

(ҳужжатнинг номи)

_____, бир томондан,

(Ф.И.О., лавозими)

ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 20__ йил
«__» _____ да берилган _____

(ҳужжатнинг номи)

_____-сон лицензия асосида, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб атала-
диган _____

_____ номидан

(суғурталовчининг номи)

иш кўрувчи _____

(Ф.И.О., лавозими)

иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомга мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда белгиланган тўлов (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилинган шахсга ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, суғурта қилинган шахснинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг

ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни суғурта суммаси миқдорида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти

2. Ушбу шартнома бўйича суғурта суммаси _____

сўмни ташкил этади.

(сумма рақамлар ва сўз билан ёзилади)

3. Ушбу шартнома бўйича суғурта мукофоти _____

сўмни ташкил этади.

(сумма рақамлар ва сўз билан ёзилади)

4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва бир йил мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 минутдан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охиригى санасидаги 24 соат 00 минутда тугайди.

6. Суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш йўли билан тўланади. Пул маблағлари суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган сана давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Суғурта қилдирувчи:

суғурталовчидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

суғурта қилинган шахсларнинг сони камайганда суғурта мукофотининг суғурта қилинган шахсларнинг камайган сонига ва давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Суғурта қилдирувчи:

Низомда белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлашга;

суғурта қилинган шахсларни давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништиришга, шу жумладан, ушбу шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга;

суғурта қилинган шахс (наф олувчи) ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни тақдим этишига;

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги борасида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан 20 иш кунидан кечикмай суғурталовчига ёзма шаклда билдиришга мажбурдир.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи:

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларини текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши ҳолатларига доир ахборотларни текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан суғурта қилдирувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган суғурта қилдирувчи ва (ёки) суғурта қилинган шахс (наф олувчи) тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай бу ҳақда суғурта қилдирувчига рад этиш сабаблари далиллар билан асосланган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Низомнинг 24-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечикмай қарор қабул қилиши ва суғурта пулини тўлаши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Якунловчи қоида

13. Ушбу шартномани тузиш ва ўзгартириш тартиби, суғурта мукофотини тўлаш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Низомга мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Суғурталовчи _____
Манзили: _____
тел: _____ факс: _____
ҳ/р _____
МФО _____ СТИР: _____

Суғурта қилдирувчи: _____
Манзили: _____
тел: _____ факс: _____
ҳ/р _____
МФО _____ СТИР: _____

(Ф.И.О., лавозими)

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомни олдим.

Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва
соғлиғини давлат томонидан мажбурий
суғурта қилиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Суғурталовчи _____ га
(суғурталовчининг номи)

**Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини
давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини
тузиш тўғрисида
АРИЗА**

_____ НОМИДАН
(Суғурталанувчининг номи)

_____ асосида
(ҳужжатнинг номи)

иш кўрувчи шахс _____
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни сўрайди.

1. Суғурталанувчининг реквизитлари:

почта манзили: _____
телефони: _____ факси _____ e-mail: _____
ариза берувчи — жисмоний шахснинг паспорти:
серияси _____ тартиб рақами _____
20__ йил «__» _____ да _____ томонидан берилган.

2. Суғурталанувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи _____
ҳисоб рақами № _____
хизмат кўрсатувчи банк МФО _____ СТИР _____

3. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- а) меҳнат шартномаси (контракти) нусхаси;
б) _____.

4. Биз ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

(имзо)

(суғурталанувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

М.Ў.

5. Ариза _____
(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

томонидан қабул қилинди ва дафтарда 20__ йил «__» _____да
_____-сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Давлат томонидан мажбурий суғурта қилинадиган шахслар
РЎЙХАТИ

Т/р	Суғурта қилинадиган шахсларнинг Ф.И.О.	Туғилган йили	Паспорти: серияси _____, № _____, ким томонидан ва қачон берилган	Наф олувчининг Ф.И.О.	Паспорти: серияси _____, № _____, ким томонидан ва қачон берилган
1	2	3	4	5	6
1.					
2.					
3.					
4...					

Суғурталанувчи: _____

Раҳбар: _____

(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**523 2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ–1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, 2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларини босқичма-босқич реконструкция қилиш ва замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш асосида аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирлар, барча ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

маданият ва истироҳат боғларини янгидан ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича кўрсаткичлар 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда, икки ой муддатда янги ташкил этиладиган маданият ва истироҳат боғларининг 3 типдаги намунавий лойиҳаларини тайёрласин. Бу намунавий лойиҳаларда қуйидагилар назарда тутилсин:

маданият ва истироҳат боғларини аҳолининг маданий дам олиши учун қулай ва кўркем жойларда жойлаштириш, манзарали дарахтлар ва ҳар хил гуллар экиш орқали боғнинг камида 50 фоиз умумий майдони сатҳида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

аттракционлар ва кўнгилочар ўйинлар қурилмаларининг ихчам, қулай ва замонавий турларини санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳамда жамоат тартиби талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатиш;

аҳоли, айниқса болалар ҳамда ўсмир ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида болаларнинг мўъжаз спорт майдончалари, аттракционлар, сув ҳавзалари, шунингдек, рақс ва кўчма цирк учун мўлжалланган майдончалар, амфитеатр, шинам ўриндиқлар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этиш.

Маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида намунавий лойиҳалар талабларига риоя этилган ҳолда, маданий ва ҳордиқ чиқариш объектларини жойлаштириш юзасидан туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

3. Дастурни амалга ошириш бўйича асосий ижрочилар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин ҳамда уларнинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

маданият ва истироҳат боғлари мол-мулкани тўлиқ хатловдан ўтказиш, мавжуд бино ва иншоотлар, аттракционлар ва бошқа турдаги воситалардан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича зарур чоралар кўриш ҳамда уларнинг асоссиз ҳисобдан чиқарилишига йўл қўймаслик;

янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли ҳудудий дастурларни уч ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ҳар бир маданият ва истироҳат боғи бўйича техник-иқтисодий асосномани тайёрлаш;

маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ амалий ишларни молиявий таъминлашда тадбиркорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш, бунда боғ ҳудудидаги ерларни (намунавий лойиҳада кўзда тутилган тақсимотга риоя этган ҳолда) аттракционлар, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари қуриш учун танлов савдоси асосида тадбиркорларга ижарага бериш;

Дастурни амалга ошириш учун маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисмини ҳамда ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар, инвесторлар маблағларини жалб қилиш ва мақсадли йўналтириш.

4. Маданият ва истироҳат боғларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигига назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида маблағ ажратсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

маданият ва истироҳат боғлари туман (шаҳар) ҳокимликлари муассислигида давлат корхонаси шаклида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади;

маданият ва истироҳат боғларининг фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар уларнинг ўз даромадлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган даромадлар ҳисобидан амалга оширилади;

зарур ҳолларда, маданият ва истироҳат боғларининг кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда боғбонларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатлари маҳаллий бюджетлар параметрларида ободонлаштириш харажатлари учун назарда тутиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилиши мумкин.

6. Туман (шаҳар) ҳокимликлари маданият ва истироҳат боғларида электр энергияси ва бошқа ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар бир аттракционда электр ҳисоблагичлар ўрнатилишини таъминлаш ва барча тушумларнинг қонуний айланиши юзасидан қатъий ва доимий назорат ўрнатсин.

7. Маданият ва истироҳат боғлари маъмуриятининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликлари билан келишган ҳолда, 10 кун муддатда маданият ва истироҳат боғлари ҳодимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Тижорат банкларига маданият ва истироҳат боғлари учун ҳамда мазкур дастурни амалга оширишда иштирок этаётган корхона ва ташкилотларга белгиланган тартибда имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маданият ва истироҳат боғлари учун аттракционларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар мазкур қарорнинг 1-илуваси билан тасдиқланган «2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури»да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатсин ҳамда ҳар чорак якунида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 29 декабрь,
322-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 29 декабрдаги 322-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-
техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
I. Маданият ва истироҳат боғлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани ҳамда маъмурий бошқарув тизimini такомиллаштириш					
1.	Маданият ва истироҳат боғлари тўғ- рисида намунавий низоми ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тас- диқлаш.	2011 йил II чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги	Маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми, ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари	Намунавий низом лойиҳаси. Хорижий тажриба- лардан унумли фойдаланиш асосида намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат яратилади.
2.	Республика маданият ва истироҳат боғлари директорлари жамоатчилик Кенгашининг фаолиятини ташкил этиш.	2011 йилдан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Мулкчилик шаклидан қатъи назар, Республика- даги барча маданият ва истироҳат боғларидаги иқтисодий, ижтимоий муаммолар, уларнинг вази- фаларини биргаликда ҳал этиш имконияти ярати- лади. Боғларнинг моддий-техника базасини мус- таҳкамлаш, уларда оммавий-маданий тадбирлар ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, энг илғор таж- рибаларни оммалаштириш каби долзарб масалалар бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.
3.	Маданият ва истироҳат боғларини паспортлаштириш.	2011 йил II чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ягона андозадаги паспортлар. Ҳозирги кунда маданият ва истироҳат боғларидаги мавжуд турли шаклдаги паспортлар ўрнига янги андозадаги паспортлар жорий этилади. Маданият ва исти- роҳат боғларининг фаолияти тартибга солинади.
4.	Маданият ва истироҳат боғлари ходим- лари меҳнатини муҳофаза қилиш қои- даларини ва ҳар бир касб бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва бел- гиланган тартибда амалга киритиш.	2011 йил II чорак	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ишчи гуруҳ	—	Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, касб йўриқномалари. Маданият ва истироҳат боғлари ходимлари ўрта- сида вазифаларнинг аниқ тақсимоги йўлга қўйи- лади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилана- ди. Боғдаги аттракцион ва ўйин қурilmалари, анжомлари ва жиҳозлар билан ишловчи ходим-

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа
					ларнинг меҳнат муҳофазаси қондалари яратилади. (Илгари ушбу қондаларнинг ягона шакли яратилмаган, ҳар бир бог ўзи ишлаб чиққан қондаларга амал қилиб келган).
II. Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш					
5.	Маданият ва истироҳат боғларини тўлиқ реконструкция қилишнинг ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш.	2011 йил I чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Худудий манзилли дастурни тасдиқлаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари. Республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманида камидан биттадан замонавий маданият ва истироҳат боғлари бўлишига эришилади.
6.	Маданият ва истироҳат боғларини замонавий ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш.	2011 йил I чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвесторлар ва ҳомийлар	Инвесторлар, ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари	Маданият ва истироҳат боғларини ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш ҳудудий дастурларни тасдиқлаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари. Ушбу дастурлар амалга оширилиши натижасида маданият ва истироҳат боғлари замонавий аттракцион ва ўйин қурилмалари билан босқичма-босқич жиҳозланишига эришилади, қўшимча янги иш ўринлари яратилади ва уларнинг жозибадорлиги ва хизмат кўрсатиши ҳажми ошади.
7.	Хорижда ишлаб чиқариладиган ўйин қурилмалари тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил этиш.	2011 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	—	Маълумотлар банки. Маданият ва истироҳат боғларини жиҳозлашда маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида мамлакатимиз иқлими ва бошқа талабларига мос замонавий, аттракцион ва ўйин қурилмаларини эркин танлаш имкони яратилади.
8.	Маданият ва истироҳат боғлари учун ўйин қурилмаларини республика корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	2011 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Маданият ва истироҳат боғлари учун ўйин қурилмаларини республика корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар дастури. Импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади ва республикада янги иш ўринлари яратилади.
9.	Маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2011 — 2015 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми, ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар, инвесторлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланган манзилли дастурлар. 2015 йилгача муддатда барча маданият ва истироҳат боғлари замонавий қиёфага келтирилиб, аттракционлар ва кичик ўйин қурилмалари билан жиҳозланади. Маданият ва истироҳат боғларининг

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа
10.	Маданият ва истироҳат боғларида ҳар хил турдаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш учун замонавий савдо дўкони ва расталари қуришни ташкил этиш.	2011 — 2015 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Хунарманд» уюшмасининг ҳудудий бўлимлари	Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари	худудига қўйиладиган талаблар ва боғларда зарур бўлган объектларнинг таркибига қўйиладиган талаблар асосида барча боғлар тартибга келтирилади. Намунавий лойиҳалар. Ҳар битта боғдаги реконструкция ишларини лойиҳалаштиришда савдо дўкони ёки расталарини қуриш назарда тутилади. Маданият ва истироҳат боғларининг жозибадорлиги ошади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, қўшимча маблағ ишлаб топиш ва янги иш ўринларини яратиш имкони яратилади.
11.	Белгиланган тартибда, тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳани ҳар бир маданият ва истироҳат боғига мослаштириш.	2011 — 2014 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида жойлардаги ҳар бир маданият ва истироҳат боғининг лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бунда, маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, намунавий лойиҳа ҳар бир боғ учун мослаштирилишига эришилади.
III. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш					
12.	Маданият ва истироҳат боғлари раҳбар ва ижодий ходимларини қайта тайёрлаш ва мунтазам равишда уларнинг малакаси оширилишини таъминлаш.	2011 йилдан бошлаб махсус режа асосида	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари	Малака ошириш режаси. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан боғ ходимлари малакасини ошириш курслари ташкил этилиб, уларнинг мунтазам равишда ўз малакаларини оширишлари учун шароит яратилади. Раҳбар ва ижодий ходимлар сўнгги янгиликлар билан таништирилади, илғор тажрибалар оммалаштирилади.
13.	Илғор маданият ва истироҳат боғлари негизда тажриба алмашув амалиётини жорий этиш.	2011 йил ёзги мавсумдан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг йиллик иш режаси. Янги ташкил этилган ва чекка ҳудудларда жойлашган маданият ва истироҳат боғлари ходимларининг намунали боғлар фаолияти билан танишуви учун имконият яратилиб, илғор тажрибаларни оммалаштириш мумкин бўлади.
IV. Маданий-маърифий фаолиятни фаоллаштириш тадбирлари					
14.	Маданият ва истироҳат боғларида оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш бўйича услубий қўлланмалар, тавсияномалар, сценарийлар ишлаб чиқиш.	2011 йилдан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маблағлари	Услубий қўлланмалар, тавсияномалар, сценарийлар тўпламлари. Оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш масалаларида боғларга услубий ёрдам ташкил этилади. Боғларда ўтказиладиган маданий-оммавий, спорт тадбирларининг қўламини ва сифат даражаси ортади.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
15.	Маданият ва истироҳат боғларида вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича тавсияномалар тайёрлаш ва нашр этиш.	2011 йил I чорак	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маблаглари	Тавсияномалар. Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни тарбиялашда боғларнинг имкониятидан самарали фойдаланишга эришилади. Вояга етмаганлар учун ташкил этиладиган тадбирларнинг турли шакллари ва услубларидан фойдаланиш имконияти янада кенгайди.
16.	Маданият ва истироҳат боғларида «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни», «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни», «Гиёҳвандликка қарши кураш куни», «Ўқитувчи ва мураббийлар куни», шунингдек бошқа касб байрамларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	Ҳар йили март — октябрь ойларида	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Хунарманд» уюшмаси	Жамғармалар ва ҳомийлар маблаглари	Йиллик режалар. Умумхалқ байрамлари ва касб байрамларининг аҳоли кенг қатламларини жалб этган ҳолда нишонланишига эришилади. Маданият ва истироҳат боғларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар қўламини кенгайди. Турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ижодий кучлари бирлашган ҳолда умумий тадбир ўтказилишига эришилади. Аҳоли кенг қатламларига мўлжалланган оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш имконияти яратилади.
17.	Ўқувчи ва талабаларнинг ёзги таътили даврида болалар ва ўсмирларга мўлжалланган маданий-оммавий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилишини йўлга қўйиш.	Ҳар йили июнь — август ойларида	«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши	«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳомийлар маблаглари	Йиллик режалар. Маданий-оммавий ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш орқали болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эришилади. Ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол авлод бўлиб тарбияланишига замин яратилади.
18.	Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоят марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида анъанавий равишда миллий қўғирчоқлар кўргазмаси, қўғирчоқ-бозлик байрамлари ўтказилишини йўлга қўйиш.	Ҳар йили апрель-май ойларида	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Хунарманд» уюшмаси	Ҳомийлар маблаглари	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармаларининг йиллик режалари. Миллий қўғирчоқларнинг болалар маънавиятига таъсиридан самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Аҳолининг кенг қатлами қўғирчоқсозлик ва қўғирчоқбозлик санъати билан яқиндан таништириб борилади. Қизиқувчилар учун қўғирчоқ ясаш бўйича «мастер класс»лар ташкил этилади.
19.	Ёзги мавсум давомида аҳолининг турли қатламларини жалб этган ҳолда кўрик, фестиваль, танлов ва кўргазмалар, турли спорт мусобақалари ташкил этиш.	Мунтазам равишда	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Хунарманд» уюшмаси	Иштирокчилар ва ҳомийлар маблаглари	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармаларининг йиллик режалари. Санъат ва спортнинг турли йўналишлари бўйича ташкил этиладиган кўрик, фестиваль, танлов, кўргазма ва мусобақалар аҳолининг ижодий ва жисмоний имкониятларини намойиш этиши учун имконият яратади. Шу орқали аҳолининг фаоллиги ортади. Боғларга келувчиларнинг сони ортади. Аҳолига хизмат кўрсатишда маданият ва истироҳат боғларининг роли ошади.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа
20.	Умумхалқ байрамлари доирасида халқ сайилларини ташкил этиш, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари намоишини йўлга қўйиш.	Мунтазам равишда	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳомийлар маблағлари	Йиллик режалар. Умумхалқ байрамлари давомида аҳолининг маданий дам олиши, концерт дастурларидан баҳраманд бўлиши, оила аъзолари билан биргаликда ҳордиқ чиқариши учун имконият яратилади. Одамларнинг кайфияти кўтарилади, маданий-маърифий тадбирларга аҳолини кўпроқ жалб этиш имконияти яратилади.
21.	Маданият ва истироҳат боғларида «Гул сайли», «Қовун сайли», «Ўзум сайли», «Нон сайли», «Қовоқ сайли», «Палов сайли», «Асал сайли» сингари сайилларни ўтказиш.	Мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Хунарманд» уюшмаси	Ҳомийлар маблағлари	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармаларининг йиллик режалари. Миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни тарғиб этиш, аҳолининг қизиқишларига мос тадбирлар ташкил этишга эришилади. Барча соҳаларда эришилган илғор натижалар намоиш этилади. Аҳоли табиат неъматлари ва пазандачилик маҳсулотларидан баҳраманд бўлиш билан бирга маҳсулотларни таққослаш ва танлаш имкониятига эга бўлади, байрам кайфияти ҳосил қилинади.

**Маданият ва истироҳат боғларини янгидан ташкил этиш, мавжудларини
реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича
КЎРСАТКИЧЛАР**

Худудлар	Жами					Шу жумладан йиллар бўйича																								
						2011 йил					2012 йил					2013 йил					2014 йил					2015 йил				
	сони	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган	жами	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган	жами	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган	жами	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган	жами	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган	жами	янги ташкил этиладиган	капитал реконструкция қилинадиган	капитал таъмирланадиган	жорий таъмирланадиган
Жами	225	77	105	29	14	40	6	22	7	5	40	11	21	7	1	45	18	21	4	2	44	15	21	5	3	56	29	18	6	3
Қорақалпоғистон Республикаси	19	10	3	5	1	5	1	2	1	1	2	1	-	1	-	4	3	-	1	-	4	2	1	1	-	4	3	-	1	-
Андижон	26	3	14	9	-	4	1	3	-	-	6	-	3	3	-	6	2	2	2	-	4	-	3	1	-	6	-	3	3	-
Бухоро	14	8	4	1	1	1	-	-	1	-	2	1	1	-	-	3	2	1	-	-	4	3	-	-	1	4	2	2	-	-
Жиззах	16	12	3	1	-	2	1	1	-	-	3	3	-	-	-	4	3	1	-	-	3	1	1	1	-	4	4	-	-	-
Навоий	10	2	8	-	-	2	-	2	-	-	2	1	1	-	-	3	-	3	-	-	2	-	2	-	-	1	1	-	-	-
Наманган	13	-	12	1	-	3	1	2	-	-	3	1	2	-	-	2	-	2	-	-	2	-	2	-	-	3	-	2	1	-
Самарқанд	17	7	8	1	1	4	-	2	1	1	3	1	2	-	-	3	1	2	-	-	3	2	1	-	-	4	3	1	-	-
Сирдарё	11	9	2	-	-	2	-	2	-	-	2	2	-	-	-	1	1	-	-	-	2	2	-	-	-	4	4	-	-	-
Сурхондарё	17	4	12	1	-	3	-	2	1	-	3	1	2	-	-	4	-	4	-	-	3	1	2	-	-	4	2	2	-	-
Тошкент	21	5	16	-	-	2	-	2	-	-	3	-	3	-	-	4	1	3	-	-	5	2	3	-	-	7	2	5	-	-
Фарғона	21	10	8	2	1	4	1	2	1	-	3	-	3	-	-	4	3	1	-	-	4	1	2	1	-	6	5	-	-	1
Хоразм	11	2	1	2	6	2	-	-	-	1	2	-	-	1	1	3	2	-	-	1	2	-	1	-	1	2	-	-	-	2
Қашқадарё	15	2	10	1	2	3	1	1	-	1	3	-	3	-	-	3	-	1	1	1	3	1	2	-	-	3	-	3	-	-
Тошкент шаҳри	14	3	4	5	2	3	-	1	1	1	3	-	1	2	-	1	-	1	-	-	3	-	1	1	1	4	3	-	1	-

Маданият ва истироҳат боғларининг типлари бўйича
КЎРСАТКИЧЛАР

Худудлар	Жами				Шу жумладан йиллар бўйича																			
					2011 йил				2012 йил				2013 йил				2014 йил				2015 йил			
	Сони	Типлар бўйича			Жами	Типлар бўйича			Жами	Типлар бўйича			Жами	Типлар бўйича			Жами	Типлар бўйича			Жами	Типлар бўйича		
Жами	225	37	38	150	40	15	10	15	40	7	12	21	45	4	5	36	44	6	6	32	56	5	5	46
Қорақалпоғистон Республикаси	19	2	5	12	5	1	2	2	2	-	1	1	4	1	1	2	4	-	1	3	4	-	-	4
Андижон	26	4	9	13	4	1	1	2	6	1	3	2	6	-	2	4	4	1	2	1	6	1	1	4
Бухоро	14	2	3	9	1	1	-	-	2	-	2	-	3	-	-	3	4	1	1	2	4	-	-	4
Жиззах	16	1	2	13	2	1	-	1	3	-	-	3	4	-	1	3	3	-	1	2	4	-	-	4
Навоий	10	1	1	8	2	1	-	1	2	-	1	1	3	-	-	3	2	-	-	2	1	-	-	1
Наманган	13	2	3	8	3	1	-	2	3	1	1	1	2	-	-	2	2	-	-	2	3	-	2	1
Самарқанд	17	2	1	14	4	2	1	1	3	-	-	3	3	-	-	3	3	-	-	3	4	-	-	4
Сирдарё	11	1	2	8	2	1	1	-	2	-	1	1	1	-	-	1	2	-	-	2	4	-	-	4
Сурхондарё	17	3	-	14	3	1	-	2	3	1	-	2	4	1	-	3	3	-	-	3	4	-	-	4
Тошкент	21	-	6	15	2	-	2	-	3	-	2	1	4	-	1	3	5	-	1	4	7	-	-	7
Фарғона	21	2	4	15	4	1	2	1	3	-	1	2	4	-	-	4	4	1	-	3	6	-	1	5
Хоразм	11	1	1	9	2	-	-	2	2	1	-	1	3	-	-	3	2	-	-	2	2	-	1	1
Қашқадарё	15	2	1	12	3	1	1	1	3	-	-	3	3	1	-	2	3	-	-	3	3	-	-	3
Тошкент шаҳри	14	14	-	-	3	3	-	-	3	3	-	-	1	1	-	-	3	3	-	-	4	4	-	-

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 29 декабрдаги 322-сон қарорига
3-ИЛОВА

523-модда

— 104 —

52 (448)-сон

Маданият ва истироҳат боғлари маъмуриятининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 6 та;

* техник ходимлар сони маданият ва истироҳат объектларининг тури ва сонидан келиб чиқиб белгиланади;

** хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрлардан келиб чиқиб белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**525 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомобилотransпорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПҚ–1392-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПҚ–1392-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомобилотransпорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2011 йил 1 январдан бошлаб автомобилотransпорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат таълим муассасалари, шунингдек Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Transkasb» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти томонидан амалга оширилади.

Автомобилотransпорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган нодавлат таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар 2011 йил 1 апрелгача тўпланган гуруҳларда ўқитишни тугаллаб, фаолиятнинг ушбу турини тўхтатсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Transkasb» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти билан биргаликда барча тоифалардаги ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурларини қайта ишлаб чиқсинлар, бунда юк ва йўловчилар ташишда қатнашувчи ҳайдовчилар таркибини тайёрлашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 31 декабрь,
325-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 31 декабрдаги 325-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида
автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш,
ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини
такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги
156-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

I. Қарорда:

1) қарорнинг номидаги «автомототранспорт воситаларини» сўзлари «автомототранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 3-банд чиқариб ташлансин.

II. Ўзбекистон Республикасида автоматотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда (1-илова):

1) Низомнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом»;

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш, шунингдек Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙҲХХ деб аталади) бўлинмаларида имтиҳонларни ўтказиш ҳамда автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди»;

3) 5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Агар тиркаманинг рухсат берилган энг кўп массаси «В» тоифага тегишли бўлган жиҳозланган автомобилнинг массасидан ортиқ бўлмаса, транспорт воситалари бундай таркибининг рухсат берилган энг кўп массаси эса 3500 килограммдан ортиқ бўлмаса, у ҳолда бундай воситани бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» устунида рухсат берувчи белги қайд этилиши етарлидир»;

4) II бўлимнинг номи ва 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«II. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта
тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига
қўйиладиган талаблар ва ушбу муассасаларни
ҳисобга олиш**

6. Давлат таълим муассасаси ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўз фаолияти бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда ЙҚХББ деб аталади)нинг ҳулосасини олади. Давлат таълим муассасаси ЙҚХББга ўзи қарашли бўлган давлат органи орқали белгиланган тартибда мурожаат қилади.

Хулоса чиқарилгунга қадар ЙҚХББ қарори асосида текширув комиссияси томонидан ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасасининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси ҳар томонлама кўрикдан ўтказилади»;

5) 7-бандга:

«ҳокимликлар» сўзидан кейин «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари» сўzlари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Комиссия ишига ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги бошқа мутахассислар, шу жумладан бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари, шунингдек тасарруфида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин»;

6) 8 — 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Комиссия томонидан текширилаётган таълим муассасасининг қуйидаги талабларга жавоб бериши ўрганиб чиқилади:

камида 48 кв м майдонга эга бўлган ўқув хоналари мавжудлиги, қишда иситилиши ва ёритилганлиги;

ўқув транспорт воситаларини сақлаш учун майдонча ва уларни тузатиш учун алоҳида усти ёпиқ жой мавжудлиги;

ўқув хоналари моддий-техника базасининг Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ таъминланганлиги;

таълим муассасасининг иш режасига киритилган автомобилни бошқа-

риш бўйича амалий машғулотларни тўлиқ ўтказиш учун етарли даражада ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланганлиги;

муҳандис-педагоглар, инструкторлар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг маълумоти ва билим даражаси, шунингдек ўқув хоналарининг ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дарсларини ўтказишга тайёрлиги;

ҳайдовчиликка номзодларга амалий бошқаришни ўргатиш учун белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган ёпиқ майдонча, автодром мавжудлиги ёки ундан фойдаланиш тўғрисида шартнома борлиги;

ўқув транспорт воситаларининг техник ҳолати, уларнинг қўшимча тепки (педал)лари ҳамда таниқлик белгилари билан жиҳозланганлиги ва бошқа масалалар.

Таълим муассасасининг унга мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналари, улардаги жиҳозлар ва машқ автомобилларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

9. Таълим муассасасининг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилиши якунлари бўйича далолатнома тузилади ва ҳудудий ЙХХБ бошлиғи томонидан тасдиқланиб, ЙХХББга тақдим этилади.

Далолатнома тўрт нусхада тузилади ва ҳудудий ЙХХБда, рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон бўлимида (кейинги ўринларда РИБ деб аталади) ёки ЙХХББнинг туманлараро РИБларида (кейинги ўринларда ТРИБ деб аталади), Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида ҳамда таълим муассасасининг ўзида сақланади.

10. Комиссия қарори натижалари бўйича ЙХХББ хулоса чиқаради. Ушбу хулоса икки нусхада тузилади.

ЙХХББ томонидан давлат таълим муассасасига берилган ҳужжатнинг биринчи нусхаси ҳисобга қўйиш учун ҳудудий ЙХХББга юборилади. Иккинчи нусхаси тасарруфида таълим муассасаси бўлган давлат органига юборилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий ЙХХБларда ҳисобга қўйиш таълим муассасасининг номи, манзили, банк реквизитлари, уставни тасдиқлаш (рўйхатдан ўтказиш) тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори рақами, тайёрланадиган ҳайдовчиларнинг тоифалари кўрсатилган ҳолда алоҳида журналда юритилади.

Таълим муассасаларини ҳисобга олиш журнали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва белгиланган муддатлар мобайнида ҳудудий ЙХХБда сақланиши керак.

11. Таълим муассасалари раҳбарлари ҳудудий ЙХХБ билан ўқув гуруҳларининг сонини, назарий ва амалий машғулотларнинг бошланишини ва ўқиш муддатини келишиб олади;

7) 12-банддаги «30 кишидан» сўзлари «25 кишидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

8) 13-банддаги «ҳудудий ЙХХБ котибиятига» сўзлари «ҳудудий ЙХХБга» сўзлари билан алмаштирилсин;

9) 14-банддаги «ўқув юртларининг», «ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларида» ва

«ўқув юртларига» сўзлари тегишли равишда «таълим муассасаларининг», «худудий ЙХХБга» ва «таълим муассасаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10) 15-16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Агар таълим муассасаси кўрсатмада кўрсатилган муддат мобайнида камчиликларни бартараф этмаса, ушбу таълим муассасаларининг янги ўқув гуруҳларини ЙХХБ РИБ (ТРИБ)да рўйхатдан ўтказиш тўхтатилади.

16. Янги ўқув гуруҳларини рўйхатдан ўтказиш кўрсатмада кўрсатилган камчиликлар таълим муассасаси томонидан бартараф этилгандан кейин тикланади»;

11) 17-банддаги «ДИХХХ», «ўқув юртлари», «йўл» ва «ўқув гуруҳларида дарсларни» сўзлари тегишли равишда «худудий ЙХХБ», «таълим муассасалари», «йўналишли» ва «ўқув гуруҳларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

12) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. «А», «В» ва «С» тоифалардаги автомобилотранспорт воситаларини, шунингдек трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олишни истаган шахслар тайёргарликдан ўтишлари керак, «D» ва «E» тоифали автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олишни истаган шахслар эса ЙХХББ билан келишилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ автомобилотранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи таълим муассасаларида қайта тайёргарликдан ўтишлари шарт»;

13) 19, 21, 25, 27, 32, 36, 37, 40, 41, 50, 58, 74, 87-бандлардаги «ДИХХХ» қисқартмаси «худудий ЙХХБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

14) 20-банддаги «ўқув юртлари» сўзлари «таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. «В» ёки «BD» тоифали транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан «С» тоифали ҳайдовчиларни қайта тайёрлашда, «В», «С», «BC» тоифали транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан «D» тоифасига ҳайдовчиларни қайта тайёрлашда назарий ва амалий имтиҳонлар топширилади. Ҳайдовчиларни «E» тоифасига қайта тайёрлашда фақат амалий имтиҳон топширилади.

Шахс, агар транспорт воситасини охириги уч йил мобайнида бошқарган бўлса, «D» тоифасига қайта тайёрлашга ва имтиҳонлар топширишга қўйилади»;

16) 25-банднинг биринчи хатбошидаги ва 26-банддаги «ўқув юрти» ва «ўқув юртларини» сўзлари тегишли равишда «таълим муассасаси» ва «таълим муассасаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

17) 28-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тижорат асосида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш учун енгил автомобилларни бошқаришга рухсат транспорт воситаларини охириги уч йил мобайнида узлуксиз бошқарган шахсларга берилади. Уларнинг фаолият

ти муддатини белгилашда меҳнат дафтарчасидан кўчирма, автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ижара шартномаси ёки ишончнома асос бўлади»;

18) 30-31-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. «СЕ» ва «DE» тоифалардаги транспорт воситалари таркибларини бошқариш ҳуқуқи охириг икки йил мобайнида тегишли тоифалардаги транспорт воситаларини бошқаришнинг узлуксиз ҳайдовчилик стажига эга бўлган ва таълим муассасасида қайта тайёргарликдан ўтган ҳамда ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)да амалий имтиҳонни муваффақиятли топширган шахсларга берилади.

«DE» тоифасидаги транспорт воситалари таркибини бошқариш ҳуқуқини олиш учун «D» тоифасига эга бўлган ҳайдовчилардан амалий имтиҳонлар бўғимли автобусларда олинад.

31. «D» тоифасидаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи охириг уч йил мобайнида «B» ёки «C» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқаришнинг узлуксиз ҳайдовчилик стажига эга бўлган, таълим муассасаларида қайта тайёргарликдан ўтган ҳамда ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)да назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга берилади»;

19) қуйидаги мазмундаги 31¹-банд қўшилсин:

«31¹. Тижорат асосида йўловчилар ташиш бўйича транспорт хизматлари кўрсатадиган, ҳайдовчининг ўрнидан ташқари тўрттадан ортиқ ўтириш ўринларига эга бўлган, бироқ «D» тоифасига тегишли бўлмаган енгил автомобилларни бошқаришга охириг беш йил мобайнида тегишли тоифали автотранспорт воситаларини узлуксиз бошқарган ҳайдовчилар қўйиладилар.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишда йўловчилар ташийдиган автобуслар ва микроавтобусларни бошқаришга охириг беш йил мобайнида «D» тоифали автотранспорт воситаларини узлуксиз бошқарган ҳайдовчилар қўйилади»;

20) 34-банддаги «ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлган ҳайдовчилар учун — 30 соат, ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлмаган ҳайдовчилар учун — 60 соат» сўзлари «D» тоифали транспорт воситаларида ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлган ҳайдовчилар учун — 60 соат, ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлмаган ҳайдовчилар учун — 224 соат» сўзлари билан алмаштирилсин;

21) 42-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«42. Ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ) комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак.

Комиссия таркибига:

ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ) бошлиғи (комиссия раиси);

таълим муассасаларининг ҳайдовчилар тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқитувчилари (имтиҳон топшираётган ўқув гуруҳи ўқитувчиси, шунингдек таълим муассасасидан бир нафардан ортиқ ўқитувчи жалб этилмаслиги керак), автотранспорт корхонаси, мудофаа ишлари бўлими ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилади»;

22) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«44. Ўқув гуруҳлари машғулоти тугагандан сўнг ҳайдовчиликка номзодларнинг ўқув жараёнида дастурда кўрсатилган барча фанларни ўзлаштирганликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ) ходими томонидан текширилади ва уларнинг рўйхати олдин тақдим этилган рўйхат билан солиштирилади, шундан кейин ўша ходимнинг имзоси билан тасдиқланади»;

23) 45-бандда:

биринчи хатбошидаги «ДЙХХХ РИБ (ТРИБ)» сўзлари «ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «18-банднинг иккинчи хатбошида» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ўлчами 3,5 х 4,5 см» сўзлари «3 х 4 см (ҳайдовчиликка номзод фуқаро кийимида суратга туширилган бўлиши керак)» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ўқув юрти» сўзлари «таълим муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

24) 47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Ҳайдовчиликка номзодлар, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати тамом бўлгандан кейин ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликатини олиш учун имтиҳонларга юборилган ҳайдовчилар учун такрорий имтиҳонлар олдинги имтиҳондан сўнг камида ўн кун ўтгандан кейин ўтказилади.

Иккинчи марта имтиҳон синовларидан ўтмаган шахслар камида беш соатдан иборат қўшимча машғулотлардан ўтганларидан сўнг (бу ҳақда таълим муассасаси томонидан тегишли маълумотнома берилади) имтиҳон топширишга қўйиладилар.

Олти ой мобайнида имтиҳон синовларидан ўтмаган шахслар белгиланган тартибда яна таълим муассасаларида тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишлари керак, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати тамом бўлгандан кейин ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликатини олиш учун имтиҳонларга юборилган ҳайдовчилар бундан мустасно»;

25) 49-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

26) 52-банднинг иккинчи хатбошидаги «ўқув юртини» сўзлари «таълим муассасасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

27) 56-банднинг биринчи хатбошидаги «ДЙХХХ» қисқартмаси «ҳудудий ЙХХБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

28) 69-банддаги «ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги ўқув юртининг гувоҳномаси ёки ДЙХХХ РИБ (ТРИБ)ларининг тасдиқномаси» сўзлари «ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги таълим муассасасининг гувоҳномаси ёки ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларининг тасдиқномаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

29) 71-банддаги «ДЙХХХ бўлинмалари ёки РИБ (ТРИБ)лар» сўзлари «худудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)лари» сўзлари билан алмаштирилсин;

30) 76-банддаги «ўқув юртларидан» сўзлари «таълим муассасаларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

31) 77-банддаги «1968 йилдаги Йўл ҳаракати ҳақидаги Вена конвенцияси» сўзлари «Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция (Вена, 1968 йил 8 ноябрь)» сўзлари билан алмаштирилсин;

32) 78-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«78. Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда халқаро, ҳукуматлараро ташкилотлар ваколатхоналари ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари бошлиқлари ва бошқа ходимларининг (дипломатик ва маъмурий-техник ходимларнинг), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция (Вена, 1968 йил 8 ноябрь) талабларига жавоб бермайдиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ЙХХББга мурожаат қилиш шarti билан алмаштирилади. Хорижий фуқароларнинг ушбу тоифаси ҳайдовчилик гувоҳномалари имтиҳонлар топширилмасдан алмаштирилади.

Тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий ходимларига миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ЙХХББга мурожаат қилиш ва тиббий кўрикдан ўтиш шarti билан Ўзбекистон Республикасининг ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилиши мумкин. Хорижий фуқароларнинг ушбу тоифаси ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш имтиҳонлар топширилгандан кейин амалга оширилади»;

III. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомда (2-илова):

1) Низом ҳамда II бўлим номига «Автотранспорт воситалари» сўзларидан кейин «ва шаҳар электр транспорти воситалари» сўзлари қўшилсин;

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича барча (янги очилаётган) таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) учун ягона ва рияз этилиши мажбурий ҳисобланади»;

3) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қуйидаги таълим тизимидан иборат:

а) «А», «В», «С» тоифаларидаги автоматотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш учун шахсларни тайёрлаш, «С», «D» ва «Е» тоифаларидаги автотранспорт воситаларини бошқа-

риш учун шахсларни қайта тайёрлаш ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ олиб борилади.

Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш:

соғлигининг ҳолати бўйича махсус тиббий талабларга жавоб берадиган; маълумоти умумий ўрта маълумотдан кам бўлмаган;

ўқув муддати якунида «А» тоифасидаги автомобилтранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш учун — 16 ёшга, «В» ва «С» тоифалари учун — 18 ёшга, «D» тоифаси ҳамда трамвай ва троллейбусларни бошқариш учун — 21 ёшга тўлган шахслар билан олиб борилади.

б) «В», «С», «BC», «BD» ва «BCD» тоифасидаги, бошқа тоифадаги автомобилтранспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчиларни қайта тайёрлаш тегишли ўқув режаси ва дастурига мувофиқ ташкил қилинади.»;

4) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўқув юртларида автомобилтранспорт воситалари» сўзлари «Таълим муассасаларида автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муддатлари тасдиқланган режалар ва ўқув дастурларига мувофиқ белгиланади.»;

5) 7-банддаги «ўқув юртларида» сўзлари «таълим муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6) 8-банддаги «Автомобилтранспорт воситалари» сўзларидан кейин «ва шаҳар электр транспорти воситалари» сўзлари қўшилсин;

7) 9 — 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. «А», «В», «С» тоифаларидаги автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда «С», «D» ва «Е» тоифаларидаги автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини қайта тайёрлаш учун номзодларни таълим муассасаларига қабул қилиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) ташкилотлар йўлланмаси (улар томонидан ўқишга юборилган шахслар учун);

б) соғлиғи ва тегишли тоифалардаги транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома;

в) 3 x 4 сантиметрли 3 дона фотосурат (ҳайдовчиликка номзод фуқаро кийимида суратга тушган бўлиши керак);

г) маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

д) паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат.».

10. Ҳайдовчиларни «С» ёки «Е» тоифаларидаги автомобилтранспорт воситаларини бошқариш учун қайта тайёрлашда, улар томонидан ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, тегишли равишда «В», «BC», «BD» ёки «BDE» тоифаларидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам тақдим этилади.

Ҳайдовчиларни «D» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш

ҳуқуқига қайта тайёрлашда 9-бандда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, «В», «ВС» ёки «ВСЕ» тоифаларидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда узлуксиз уч йиллик стажи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Ҳайдовчиликка номзодларни ўқишга қабул қилиш, гуруҳдан гуруҳга ўтказиш, рўйхатдан чиқариш ва ўқишни тугатганлик таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасалари гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодлар сони 25 кишидан ошмаслиги керак. Таълим муассасаларининг раҳбарлари гуруҳларда машғулотлар бошлангунгача ўқувчилар рўйхатини тузишлари ва ҳудудий ЙХХБга тақдим этишлари лозим.»;

8) 12-13-бандлардаги «автомототранспорт воситаларини» ва «автомототранспорт воситалари» сўзларидан кейин тегишли келишиқда «ва шаҳар электр транспорти воситалари» сўзлари қўшилсин;

9) 14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Назарий тайёргарлик бўйича машғулотлар ўқув журналларида қайд этилади, автоматотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш бўйича амалий машғулотлар эса — йўл варақаларида қайд этилади. Автомототранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш бўйича амалий машғулотлар, автотренажёрларда ўтказилган машқлар ҳайдовчиликка номзоднинг машғулотларни ҳисобга олиш шахсий китобчасида ҳам қайд этилади.»;

10) III бўлимнинг номи куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«III. Таълим муассасаларининг автоматотранспорт
воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари
ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича
ишларини ташкил этиш ва фаолиятини назорат қилиш»;**

11) 15, 16, 20, 21-бандлардаги, IV, V бўлимлар номидаги ва 24-банддаги «ўқув юртларининг», «автомоторанспорт воситалари» ва «ўқув юртларида» сўзлари тегишли равишда «таълим муассасаларининг», «автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари» ҳамда «таълим муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

12) 19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Автомототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори лавозимига билими ўрта маълумотдан кам бўлмаган, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш бўйича узлуксиз беш йил («D» тоифасидаги транспорт воситаси бўйича — узлуксиз етти йил) стажга, шунингдек автоматотранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспорти воситасини бошқаришни ўргатиш услуби бўйича курсларни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар тайинланади.»;

13) 22-23-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, йўловчилар ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари бир йилда бир марта, юк ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар эса — ҳар икки йилда бир марта 30 соатлик дастур асосида машғулоти ўтишлари шарт.

23. Транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи таълим муассасалари назарий ва амалий машғулоти учун мулк ҳуқуқи билан жиҳозланган ўқув кабинетларига, ўқув-техник ускуналарга, кўргазмали ўқув қўлланмаларига, транспорт воситаларини бошқариш машқларини ўтказиш учун ўқув автодромига ёки ёпиқ майдонга, ўқув транспорт воситаларига эга бўлишлари керак. Таълим муассасасининг унга мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналари, улардаги жиҳозлар ва машқ автомобилларидан фойдаланишга йўл қўйилади.»;

14) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Таълим муассасалари моддий-техника базасининг намунавий нормативлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланади.»;

15) 26, 27, 28, 31, 32 ва 35-бандлардаги «автомоторанспорт воситалари» ва «ўқув юртлари», сўзлари тегишли келишидаги «автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари» ҳамда «таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

16) 33-34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Таълим муассасасининг имтиҳон ва синовларидан муваффақиятли ўтган номзодларга имтиҳон комиссияси протоколига асосан ўқишни битирганлик ҳақида ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ягона намунадаги гувоҳнома босма ҳолатда усулида тайёрланган бўлиши, ҳудудий кодга, серия ва тартиб рақамига эга бўлиши керак. Ўқишни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномалар бланкалари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан таълим муассасалари буюртманомаларига биноан тарқатилади ҳамда қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

34. Автомототранспорт воситалари ҳамда шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома автоматотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бермайди.».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****526 Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва
қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-1*

(2011 йил 6 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 178-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
109-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2010 йил 24 декабрдаги
109-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов
қобилияти тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиш ва қўшимча**

1. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизи миқдори билан чегараланади, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш бундан мустасно.».

2. 36-банд қуйидаги мазмундаги жумлалар билан тўлдирилсин:

«Бунда йил якуни бўйича тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобини ва суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар томонидан эса — 25 мартдан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

527 Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритув-
чи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ
тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2173*

(2011 йил 7 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 8-бандига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 февралдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 декабрь,
193-Қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2010 йил 3 декабрдаги
193-Қ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи
субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ
тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида ходимларнинг энг кам сони чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишга қанча меҳнат кучи сарфланиш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2. Қурилиш ишларидаги қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёри қурилиш ишларида қанча меҳнат кучи сарфланиши меъёрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3. Ташкилотларнинг маъмурий ва техник ходимларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб маъмурий, техник ва ёрдамчи ишчилар сони штат жадвалига мувофиқ белгиланади, уларнинг сони белгиланган ходимлар сонининг энг кам меъёри таркибига кирмайди.

4. Ходимларнинг иш вақти тартиби ва графиги ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**II. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида
асосий ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг
энг кам меъёрларини аниқлаш**

**1-§. Чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар
сонининг энг кам меъёрларини аниқлаш**

5. Олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафта-

сига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри унинг савдо майдонига қараб мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ аниқланади.

6. Чакана савдо ташкилотининг иш вақти режими ҳафтасига 72 соатдан ортиб кетса, мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ аниқланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтириш коэффиценти, агарда 72 соатдан кам бўлса, асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёрига камайитириш коэффиценти (камайитириш коэффиценти 0,8 дан кам бўлмаслиги керак) қўлланилади. Бунда, коэффицентнинг миқдори чакана савдо ташкилоти амалдаги иш вақтининг меъёрий иш вақтига нисбатини акс эттиради.

2-§. Умумий овқатланиш ташкилотлари асосий ходимлари сонининг энг кам меъёрини аниқлаш

7. Етти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 84 соатни) ташкил этган умумий овқатланиш ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри ташкилотнинг турига ва хизмат кўрсатиладиган столлар сонини инобатга олган ҳолда мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган ҳар бир лавозим ва касблар бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрларини қўшиш орқали аниқланади.

8. Умумий овқатланиш ташкилотининг иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетса, мазкур Низомнинг 7-бандига мувофиқ аниқланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрларига кўпайтириш коэффиценти, агарда 84 соатдан кам бўлса, асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёрига камайитириш коэффиценти (камайитириш коэффиценти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак) қўлланилади. Бунда, коэффицентнинг миқдори умумий овқатланиш ташкилоти амалдаги иш вақтининг меъёрий иш вақтига нисбатини акс эттиради.

3-§. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш

9. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаб чиқаришда ташкилотлардаги барча ходимларнинг сони (асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёри ҳамда маъмурий ва техник ходимлар) ҳисобга олинади.

10. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари маъмурий ва техник ходимларининг сонини мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда ва ўриндошликни ҳисобга олиб, мустақил равишда маъмурий ва техник функцияларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгилайди.

Агарда раҳбар ёки мулкдор бир вақтнинг ўзида маъмурий функцияла-

рини ҳамда асосий ходимнинг функциясини бажарса, унда ушбу ходим асосий ходимлар сонига киритилади.

11. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ аниқланади.

12. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида ишнинг ўртача разряди мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган.

13. Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини ҳисоблашнинг шартли намуналари мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган.

III. Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи ишчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш

1-§. Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрларини аниқлаш

14. Қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрлари қурилиш ишларида қанча меҳнат кучи сарфланишини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан келиб чиқиб аниқланади.

15. Қурувчи ишчилар энг кам сонининг меъёрлари объектда асосий қурилиш ишини бажариш билан банд бўлган барча касбдаги ишчиларни ўз таркибига олади (пудрат ва субпудратчи ташкилотлар бажарадиган ишларни ҳам қўшган ҳолда), пудрат ва субпудратчи ташкилотларга лойиҳа, транспорт, экспедиция ва бошқа хизматларини кўрсатувчи бошқа ташкилотлар ходимлари бундан мустасно.

Қурувчи ишчилар касбларининг номенклатураси ва тариф-малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2010 й., 34-сон, 291-модда) мувофиқ тасдиқланади.

16. Объектдаги барча қурилиш ишларида банд бўлган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрлари мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ аниқланади.

17. Агарда объектдаги алоҳида турдаги қурилиш ишларини бажаришда бош пудратчи билан биргаликда субпудрат ташкилотлари иштирок этса, бош пудратчининг қурувчи ишчилари сонининг энг кам меъёрлари мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ аниқланади.

18. Ҳар бир субпудрат ташкилотида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ қурилиш ишларида сарфланадиган иш кучи сарфидан келиб чиқиб ҳамда қурилиш пудрат шартномасида белгиланган ишни бажариш муддати асосида қурувчи ишчилар сонининг энг

кам меъёрлари мазкур Низомнинг 7-илоvasида белгиланган мезонлар асосида аниқланади.

**2-§. Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи
ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг
энг кам меъёрларини аниқлаш**

19. Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари мазкур Низомнинг 9-илоvasида келтирилган формулага мувофиқ аниқланади.

20. Қурувчи ишчилар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлашда мазкур Низомнинг 10-илоvasида келтирилган шартли намуналардан фойдаланилади.

IV. Якуний қоидалар

21. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2010 йил 2 декабрь

Иқтисодиёт вазири

Р. ГУЛЯМОВ

2010 йил 2 декабрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2010 йил 2 декабрь

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

2010 йил 2 декабрь

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Олти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати 12 соатни
(ҳафтасига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо
ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам
МЕЪЁРЛАРИ***

Савдо майдони, м кв.	Энг кам ходимлар сони меъёри, киши	
	шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда
25 гача	2	2
26 — 50	3	2
57 — 75	4	3
76 — 100	5	4
101 — 150	7	5
151 — 200	9	6
200 м кв.дан ошган ҳар 50 м кв.га	2	2

* Маъмурий ва техник ходимлар ҳисобга олинмайди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Етти кунлик иш ҳафтасини ҳар кунги иш муддати
12 соатни (ҳафтасига жами 84 соатни) ташкил этган
умумий овқатланиш ташкилотларида асосий ходимлар
сонининг энг кам
МЕЪЁРЛАРИ***

Умумий овқатланиш ташкилотларининг шакли (тури)	1 столга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган официантлар сони**	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ходими
Ресторан	0,5	4	—	3
Кафе	0,3	3	—	2
Чойхона	0,2	2	2	1
Ошхона	—	5	3	1
Ташкилотдаги ошхона***	—	2	2	1
Кафетерий, газакхона, буфет	—	1	1	1

* Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари

учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасида кўрсатилган бошқарув ва техник ходимлар ҳисобга олинмайди.

** Стандарт 4 ўринга мўлжалланган стол.

*** Агарда ушбу ташкилот мустақил юридик шахс мақомига эга бўлса.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида
хизматчи ва ишчи касбларнинг тавсия этилган
РЎЙХАТИ***

I. Чакана савдо ташкилотлари

1.1. Асосий ходимлар:

сотувчи;
сотувчи-консультант;
газначи;
кадоқловчи;
қассоб;
товар тахловчи.

1.2. Бошқарув ходимлари:

директор (мудир);
директор (мудир) ўринбосари;
бўлим мудири, секция мудири;
бош ҳисобчи, ҳисобчи;
товаршунос;
экспедитор;
хўжалик мудири (омборчи).

1.3. Техник ходимлар:

асбоб-ускуналарни таъмирловчи ва эксплуатация қилувчи ходим;
рассом-безовчи;
фаррош;
ҳовли тозалигига қаровчи ходим;
қоровул.

II. Умумий овқатланиш ташкилотлари

2.1. Асосий ходимлар:

официант;
бош ошпаз, ошпаз;
буфетчи, бар (майхона) сотувчиси;
тайёр маҳсулотни тарқатишда хизмат қиладиган ходим;
ошхона ходими.

2.2. Бошқарув ходимлари:

директор (мудир);
директор (мудирнинг) ўринбосари;
зал мудири;
бош ҳисобчи, ҳисобчи;
ғазначи;
экспедитор;
хўжалик мудири (омборчи).

2.3. Техник ходимлар:

асбоб-ускуналарни таъмирловчи ва эксплуатация қилувчи ходим;
швейцар (дарбон), гардеробчи;
қоровул, кўрикчи;
фаррош;
ҳовли тозалигига қаровчи ходим;
боғбон.

* Ташкилотларда хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида назарда тутилган бошқа лавозимлар ҳам киритилиши, шунингдек ушбу рўйхатда кўрсатилган лавозимлари ва касблар чиқариб ташланиши мумкин.

Асосий лавозимлар ва ишчилар касблари рўйхати ишлаб чиқариш, маъмурий ва техник вазифаларни бажаришга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ташкилот томонидан мустақил равишда аниқланади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида
меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам
МЕЪЁРЛАРИ**

Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$МХТФ_{\min} = КХС \times T_k \times ИХЭКМ \text{ бунда:}$$

$МХТФ_{\min}$ — меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри;

$КХС$ — Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9 ва 10-бандларига кўра аниқланган ташкилотдаги ходимлар сони;

T_k — ҳисобланган тариф коэффиценти. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига мувофиқ тариф коэффиценти ҳисоблаш учун иш ҳақининг ягона тариф сеткасидан келиб чиққан ҳолда ишнинг ўртача разряди, ташкилотнинг тури ва шаклига қараб табақалаштирилади (дифференциация қилинади). Масалан: ягона тариф сеткаси бўйича ишнинг ўртача разряди супермаркетда — 4, ягона тариф сеткаси бўйича ҳисобланган тариф коэффиценти ишнинг ўртача разрядига мос равишда 3,297 ни ташкил этади;

$ИХЭКМ$ — белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Чакана савдо ва умумий овқатланиш
ташкилотларида ишнинг ўртача
РАЗРЯДИ**

Ташкилот номи	Ягона тариф сеткаси бўйича ишнинг ўртача разряди
Чакана савдо ташкилоти учун	3
Умумий овқатланиш ташкилоти учун:	
Ресторан	5
Кафе	4
Чойхона	3
Ошхона	3
Ташкилотдаги ошхона	3
Кафетерий, газакхона, буфет	2

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида
меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини
ҳисоблашнинг шартли
НАМУНАЛАРИ**

1-мисол.

Минимаркет бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:
савдо залининг майдони — 120 кв. м;
иш вақтининг режими — ҳафтасига 84 соат;
бошқарув ходими сони — 1 ходим.

Савдо зали майдони 120 кв. м бўлган минимаркетда асосий ходимлар-нинг энг кам сони меъёри 7 та ходимдан иборат (Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнат-га ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида-ги низомнинг 1-иловасига мувофиқ).

Минимаркетда иш вақти режими ҳафтасига 72 соатдан (ҳафтасига

84 соат) ортиб кетганини ҳисобга олиб, белгиланган энг кам меъёрлардаги асосий ходимлар сонидан келиб чиқиб асосий ходимларга кўпайтириш (ошириш) коэффиценти қўлланилади $= 84/72 = 1,17$.

Шундай қилиб, минимаркетда асосий ходимларнинг энг кам сони меъёри $= 7 \times 1,17 = 8$ та ходимни ташкил қилади.

Минимаркетда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини чиқариш учун барча ходимлар сонини, шу жумладан 1 та директорни ҳам қўшиб ҳисоблаганда (у ҳисобчи ва экспедиторларнинг функцияларини ҳам қўшимча сифатида бажарганда) $= 8 + 1 = 9$ та ходимни ташкил қилади.

Минимаркетда ишларнинг ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 3-разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоб учун олинadиган 3-разрядли ишнинг тариф коэффиценти 2,998 ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) $= 49\,735$ сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ($МХТФ_{\min} = ХС \times T_k \times ИХЭКМ$) минимаркетда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри $= 9 \times 2,998 \times 49\,735 = 1\,341\,950$ сўмни ташкил қилади.

2-мисол.

Кафеда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

хизмат кўрсатадиган столнинг сони — 15;

иш вақтининг режими — ҳафтасига 84 соат;

бошқарув ходими сони — 1 ходим;

техник ходим сони — 1 ходим.

Хизмат кўрсатадиган 15 та столи бор кафеда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қуйидагилардан иборат (Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ).

1 столга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган официантлар сони	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ходими
0,3	3	—	2

Кафеда иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетмаганлигини ҳисобга олиб, белгиланган энг кам миқдордаги асосий ходимлар сони меъёрига кўпайтириш (ошириш) коэффиценти қўлланилмайди.

Шундай қилиб, кафеда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри $= 0,3 \times 15 + 3 + 2 = 10$ та ходимни ташкил қилади.

Минимаркетда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини чиқариш учун барча ходимлар сонини, шу жумладан 10 та асосий ходим, 1 та директор ва 1 та фаррошни қўшиб ҳисоблаганда $= 10 + 1 + 1 = 12$ та ходимни ташкил қилади.

Кафеда ишларнинг ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 4 разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоб учун олинadиган 4 разрядли ишнинг тариф коэффиценти 3,297 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 49 735 сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ($МХТФ_{\min} = ХС \times T_k \times ИХЭКМ$) кафеда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $12 \times 3,297 \times 49735 = 1\,967\,715$ сўмни ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Объектдаги барча қурилиш ишларида банд бўлган қурувчи
ишчилар сонининг энг кам меъёрининг аниқлашнинг
МЕЗОНЛАРИ**

Объектдаги барча қурилиш ишларида банд бўлган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрлари қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$ХС_{\text{норм}} = СИК / БМ / ИВФ: \text{ бунда:}$$

$ХС_{\text{норм}}$ — ташкилотдаги қурувчи ишчиларнинг ўртача ойлик энг кам сони меъёри;

СИК — шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ объектда қурилиш ишларини бажаришда сарфланадиган иш кучи (ҳар бир одамга/соатбай);

БМ — пудрат қурилиш шартномаси асосига мувофиқ қурилиш ишларининг бажариш муддати;

ИВФ — ҳар бир қурувчи ишчига олти кунлик иш ҳафтасига ўртача ойлик иш вақтининг фонди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Объектдаги алоҳида турдаги қурилиш ишларини
бажаришда бош пудратчи билан биргаликда субпудрат
ташкилотлари иштирок этганда, бош пудратчининг қурувчи
ишчилари сонининг энг кам меъёрларини аниқлашнинг
МЕЗОНЛАРИ**

Объектдаги алоҳида турдаги қурилиш ишларини бажаришда бош пудратчи билан биргаликда субпудрат ташкилотлари иштирок этганда, бош пудратчининг қурувчи ишчилари сонининг энг кам меъёрлари қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

$БПХС_{\text{норм}} = (\text{СИК} - \text{ҚИБСИК}) / \text{БМ} / \text{ИВФ}$ бунда:

$БПХС_{\text{норм}}$ — бош пудратчи қурувчи ишчиларнинг ўртача ойлик энг кам сони меъёри;

СИК — шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ объектда қурилиш ишларини бажаришда сарфланадиган иш кучи (ҳар бир одамга/соатбай);

ҚИБСИК — шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ пудрат шартномаси асосида субпудрат ташкилотига топширилган объектда қурилиш ишларини бажаришда сарфланадиган иш кучи (ҳар бир одамга/соатбай);

БМ — пудрат қурилиш шартномаси асосига мувофиқ қурилиш ишларининг бажариш муддати;

ИВФ — ҳар бир қурувчи ишчига олти кунлик иш ҳафтасига ўртача ойлик иш вақтининг фонди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи
ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг
энг кам меъёрини аниқлаш
ФОРМУЛАСИ**

Қурилиш ишларида қурувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$МХТФ_{\min} = ХС_{\text{норм}} (БПХС_{\text{норм}}) \times T_k \times K_t \times ИХЭКМ \text{ бунда:}$$

$МХТФ_{\min}$ — меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри;

$ХС_{\text{норм}} (БПХС_{\text{норм}})$ — қурувчи ишчиларнинг энг кам сони меъёри;

T_k — қурилиш ишларида ўртача разряднинг тариф коэффиценти. Қурилиш ишларида ўртача разряднинг тариф коэффиценти меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасидаги 4 разряднинг тариф коэффицентига мос келади;

K_t — қурилиш ишларини бажаришда жамоа келишувига асосан иш берувчи томонидан қўлланиладиган меҳнат ҳақини оширувчи тармоқ коэффиценти;

$ИХЭКМ$ — белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари
хўжалик юритувчи субъектлари учун
ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш
фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Қурувчи ишчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг
энг кам меъёрларини аниқлашнинг шартли
НАМУНАЛАРИ**

1-мисол.

Бир қаватли уч хонадан иборат томорқали уйнинг намунали қурилиши: шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ ушбу уйнинг қурилиш ишларида сарфланадиган иш кучи 4 799,6 одамга/соат тенг;

қурилиш ишини бажариш муддатининг меъёри — 3 ой;

хафтасига олти кунлик ишда бир ойлик ўртача вақт бир ходимга — 163,1 соатни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($XC_{\min} = \text{СИК} \times \text{БМ} \times \text{ИВФ}$) курувчи ишчиларнинг ($XC_{\min}$) нинг ўртача ойлик энг кам сони меъёри = $4\,799,6 / 3 / 163,1 = 9,8$ та ходимни ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-иловасига мувофиқ қурилиш ишларида ўртача разряд ягона тариф сеткаси бўйича 4 ни ташкил этади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоблаш учун олинadиган 4 разрядли ишнинг тариф коэффициенти 3,297 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори ($ИХЭКМ$) = 49 735 сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ($МХТФ_{\min} = XC_{\text{норм}} (\text{БПХС}_{\text{норм}}) \times T_{\text{к}} \times K_{\text{т}}$) курувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ($МХТФ_{\min}$) = $9,8 \times 3,297 \times 1,15 \times 49\,735 = 1\,848\,013$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қурилиш ишини бажариш муддатининг меъёрини (3 ой) ҳисобга олиб, ушбу уйни қурилишидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $1\,848\,013 \times 3 = 5\,544\,039$ сўмни ташкил қилади, агарда ушбу давр мобайнида белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгармаса.

2-мисол.

270 ўқувчига мўлжалланган мактабни қурилиши бош пудратчи томонидан қурилишнинг бир қисмини субпудрат ташкилотига топширганда:

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ ушбу объектни қурилиш ишларида сарфланадиган иш кучи 35 882 одамга/соат тенг ундан 12 500 одамга/соати субпудратчи ишига тўғри келади;

қурилиш ишини бажариш муддатининг меъёри — 9 ой;

субпудрат шартномасига кўра субпудратчи томонидан қурилиш ишларини бажариш муддати — 2 ой;

хафтасига олти кунлик ишда бир ойлик ўртача вақт бир ходимга — 163,1 соатни ташкил қилади.

Белгиланган формулага мувофиқ ($\text{БПХС}_{\min} = (\text{СИК} - \text{КИБСИК}) / \text{БМ} / \text{ИВФ}$) курувчи ишчиларнинг ($\text{БПХС}_{\min}$) ўртача ойлик энг кам сони меъёри = $(35\,882 - 12\,500) / 9 / 163,1 = 15,9$ та ходимни ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-иловасига мувофиқ қурилиш ишларида ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 4 разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисобга олинadиган 4 разрядли ишнинг тариф коэффициенти 3,297 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори ($ИХЭКМ$) = 49 735 сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ($МХТФ_{\min} = XC_{\text{норм}} (\text{БПХС}_{\text{норм}}) \times T_{\text{к}} \times$

K_r) қурувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри ($МХТФ_{\min}$) = $15,9 \times 3,297 \times 1,15 \times 49\,735 = 2\,998\,307$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қурилиш ишини бажариш муддатининг меъёрини (3 ой) ҳисобга олиб, ушбу объект қурилишидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри $2\,998\,307 \times 9 = 26\,984\,763$ сўмни ташкил қилади, агарда ушбу давр мобайнида белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгармаса.

Юқорида келтирилган шартлар билан:

субпудрат ташкилоти қурувчи ишчиларининг ($ХС_{\text{норм}}$) ўртача ойлик энг кам сони меъёри = $12\,500 / 2 / 163,1 = 38,3$ та ходимни ташкил қилади;

субпудрат ташкилоти қурувчи ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг ($МХТФ_{\min}$) энг кам меъёри = $38,3 \times 3,297 \times 1,15 \times 49\,735 = 7\,222\,336$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қурилиш ишини бажариш муддатининг меъёрини (2 ой) ҳисобга олиб, ушбу объектни қурилишидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $7\,222\,336 \times 2 = 14\,444\,672$ сўмни ташкил қилади, агарда ушбу давр мобайнида белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгармаса.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

528 «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939-1*

(2011 йил 7 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-

ми, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 30, 2009-7-сонли қарори (рўйхат рақами 1939, 2009 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 204-модда) билан тасдиқланган «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирази.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
110-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 декабрь,
2010-55-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги
110, 2010-55-сон қарорига
ИЛОВА

**«Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ
тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга
ўтказиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнги икки чоракда объектив сабабларсиз, мол-мулк ва ер солигининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этган аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари, бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар мустасно, солиқ органининг хабарномасига асосан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни амалга оширувчи аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари, агар уларнинг реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнги тўрт чоракда мол-мулк ва ер солиғининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этса, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.».

2. 15-бандидаги «2011 йил 1 январгача» деган сўзлар «2012 йил 1 январгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

529 Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174*

(2011 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул

қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 8 августдаги 63, КГБ-176-06, 3/2161, 9, 19, 12, 01-02/22-19-сон «Тергов, суриштирув ва суд давомида жиноят ишлари ва материаллари бўйича олиб қўйилаётган ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш ва йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1616, 2006 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 34-35-сон, 350-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

Бош прокурор

Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
14-қ/қ-сон

Олий суд раиси

Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
Қ-87-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
100-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
17-сон

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
16-сон

Мудофаа вазири**К. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
7-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
01-02 / 22-22-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
2010-41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий
хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги,
Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,
Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ
қўмитасининг 2010 йил 22 октябрдаги
14-қ/қ, Қ-87, 100, 17, 16, 7, 01-02 / 22-22,
2010-41-сон қарорига
ИЛОВА

**Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида
ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни
олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш,
сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 335-модда) (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий

қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Жиноий ишлар бўйича суриштирув, дастлабки ва суд тергови давомида суриштирувчи, терговчи ва суд қуйидагиларни олиб қўйишга ҳақли:

ашёвий далил сифатида аҳамиятга эга бўлган, муайян хусусиятлари, белгилари, излари мавжуд нарса, ҳужжат ва бошқа ёзувлар;

суд томонидан фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ундирув қаратилиши мумкин бўлган миллий ва чет эл валюта ҳамда бошқа қимматликлар;

муомаладан чиқарилган ёки муомаласи чекланган нарсалар (кейинги ўринларда «муомаладан чиқарилган» деб юритилади) — агарда эгасида уларни сотиб олиш, сақлаш, фойдаланиш учун тегишли рухсатнома бўлмаса;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар — агар унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилган ҳолда;

давлат мукофотлари ва уларга тегишли ҳужжатлар — уларнинг кимга тегишлилиги аниқланмаган бўлса ёки уларнинг эгасига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилганлиги сабабли уларнинг сақланишини таъминлаш имконияти бўлмаса, шунингдек суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти-га маҳкумни давлат мукофотларидан маҳрум қилиш тўғрисида тақдимнома билан мурожаат этилган ҳолларда.

2. Суриштирувчи, терговчи ва суд мазкур Йўриқноманинг 1-бандида кўрсатилган нарса ва ҳужжатларни ЖПК 198, 200 ва 201-моддаларига мувофиқ уларнинг талабига асосан ёки ушбу нарса ва ҳужжатларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан тақдим этилган ҳолда, агарда улар иш учун аҳамиятли бўлса ёки келгусида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, уларни қабул қилиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларни вакилининг аризасига асосан фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ёхуд гаров тариқасида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликларни ҳам қабул қилиб олади.

II. Нарсалар, ҳужжатлар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш

3. Нарса, ҳужжат, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни (кейинги ўринларда «нарсалар» деб юритилади) олиб қўйиш, тақдим қилиш ЖПК 16, 20 ва 24-бобларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

4. ЖПКнинг 206-моддасига мувофиқ, олиб қўйилаётган ёки такдим қилинаётган нарсалар ишга тааллуқлилиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўладиган, шунингдек уларни бошқа нарсалардан фарқловчи белгиларини аниқлаш мақсадида ЖПК 135 — 137, 139 ва 140-моддаларида белгиланган қоидалар асосида дарҳол кўздан кечирилади.

Ўзи билан муомала қилиш учун муайян маҳоратга эга бўлишини, ўз сифат тавсифлари, индивидуал хусусиятларининг аниқ қайд этилишини ва қийматининг аниқланишини талаб этувчи нарсаларни олиб қўйиш ёхуд қабул қилиш тегишли мутахассислар иштирокида амалга оширилади.

Ашёвий далил сифатида аҳамиятга эга бўлган ёки муомаладан чиқарилган нарсалар олиб қўйилганида ёхуд такдим қилинганида, суриштирувчи, терговчи, суд нарсалар олиб қўйилаётган ёки қабул қилинаётган шахсни, уларнинг топилиши, қўлга киритилиши ва сақланиш вақти, жойи ва бошқа ҳолатлари тўғрисида сўроқ қилиши шарт.

Иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, агарда нарсани бутунлигича олиб қўйиш имкони бўлмаса, суриштирувчи, терговчи, суд, ушбу нарсанинг ишга боғлиқ бўлган излар (микроизлар) жойлашган ёки жойлашиши мумкин бўлган қисмини олиб қўйиш ёки қабул қилишга ҳақли. Бунда, нарсанинг шикастланишига йўл қўймаслик, агарда бунинг имкони бўлмаса — нарсанинг яхлитлигини бузиш асоси батафсил баён этилиши зарур.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ёки муомаладан чиқарилмаган нарсалар такдим қилинган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, суд, уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб беради. Нарсани қабул қилиб олган шахсдан бу ҳақда тилхат олинади.

5. ЖПК 90 — 92, 141, 163, 202-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ нарсаларнинг олиб қўйилганлиги, такдим этилганлиги тўғрисида суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўяди.

Кўп сонли нарсаларни олиб қўйиш ёки такдим қилишда улар тўғрисидаги барча маълумотларни баённомада акс эттириш имконияти бўлмаса, мажбурий тарзда уларнинг рўйхати тузилиб, баённомага илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Баённомада ёки унга илова қилинаётган рўйхатда олиб қўйилган, такдим қилинган ҳужжатларнинг тури ва рекевизитлари, нарсаларнинг тури, миқдори, типи, маркаси, модели, калибри, серияси, рақами ва бошқа идентификацион хусусиятлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади.

Агар олиб қўйилаётган ёки такдим қилинаётган нарсалар рўйхатини, уларнинг миқдори кўплиги сабабли, шу жойнинг ўзидаёқ тузиш имконияти бўлмаса, улар ўрамга солиниб муҳрланади ва нарсалари олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахс, холислар, суриштирувчи, терговчи, судья томонидан ёзувлар ва имзолар билан тасдиқланган ёрлиқлар билан таъминланади. Бундай ҳолатларда, олиб қўйилаётган, такдим этилаётган нарсаларнинг рўйхати суриштирув, тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда холислар иштирокида тузилади ва бу ҳақда баённомада нарсалар солинган ўрамдаги муҳрлар ва имзолар бутунлиги кўрсатилади.

6. Зарур ҳолларда нарсаларни олиб қўйиш, тақдим қилиш чоғида фотосуратга ёки видеоёзувга туширилади. Бунда, фотосуратлар, видеоёзув баённомага илова қилинади ва тергов ёки суд ҳаракатининг номланиши, сана-си, жойини изоҳловчи ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Башарти, олиб қўйилаётган, тақдим этилаётган нарсанинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараварига тенг ёки ундан кўп бўлса, олиб қўйилаётган ёки тақдим этилаётган нарсаларнинг ҳар бири алоҳида фотосуратга (имкони бўлса, видео суратга ҳам) олиниши шарт.

7. Ҳар бир олиб қўйилган, тақдим этилган нарса ҳолисларга ва тергов ёки суд ҳаракатининг амалга оширилишида иштирок этаётган шахсларга тақдим этилади, унинг шикастланишига йўл қўймайдиган ва ундаги изларнинг (микроизлар) бутунлигини таъминлайдиган ўрамга жойлаштирилади (фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёки гаров тариқасида тақдим этилаётган пул ёки бошқа мол-мулк, катта ҳажмли нарсалар, катта оғирликдаги ёки ҳажмдаги моддалардан ташқари) ва нарсаси олиб қўйилган ёхуд қабул қилинган шахс, ҳолислар, терговчи, судьянинг имзолари ва тасдиқловчи ёзувлари бўлган ёрлик билан таъминланади, тегишли орган муҳри билан муҳрланиб, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

8. Баённома нарсани олиб қўйган ёхуд қабул қилган шахс, ҳолислар, мутахассислар (агар улар тергов ёки суд ҳаракати амалга оширилишида қатнашган бўлсалар), шунингдек нарсаси олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахс, агарда у йўқ бўлса, унинг вояга етган оила аъзоси ёки тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан имзоланади.

Баённома нусхаси (суд мажлиси баённомасидан кўчирма) қуйидагиларга берилади:

тилхат орқали нарсаси олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахсга, агар у йўқ бўлса — унинг вояга етган оила аъзосига ёхуд тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига;

олиб қўйилган, тақдим этилган нарсалар сақланиши учун жавобгар шахсга (наrsa сақлаш учун суриштирув, дастлабки тергов, суд органида махсус ажратилган хонага ёхуд корхона, муассаса, ташкилотга топширилганда);

суриштирув ёки дастлабки тергов олиб бораётган орган, суднинг бухгалтерия ҳисоби бўлимига (депозит ҳисобига пул топширилганда).

9. Ишга алоқадор олиб қўйилган, тақдим этилган нарсалар ЖПК 207-моддасида белгиланган тартибда ашёвий далил деб эътироф этилиши ва ишга қўшиб қўйилиши шарт.

10. Давлат даромадига ўтказилиши ёхуд йўқ қилиб ташланиши лозим бўлган олиб қўйилган ёки тақдим этилган нарсаларни истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш Низомнинг II бўлими талабларига асосан амалга оширилади.

III. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни сақлаш

11. ЖПК 207-моддасига мувофиқ ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жинойт ишига қўшиш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчининг қарори, суднинг ажримига асосан ҳал этилиши лозим.

Фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёхуд гаров тариқасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пулларни суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб рақамига топшириш масаласи, пуллар олиб қўйилиши, қабул қилиниши биланоқ алоҳида қарор (ажрим) чиқариш орқали ҳал этилиши шарт.

Фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёки гаров тариқасида олиб қўйилган, қабул қилинган нарсаларни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам шундай тартибда ҳал этилади.

12. Ашёвий далиллар жинойт иши билан сақланади, агар бунинг имконияти бўлмаса (жуда катта бўлса ёки бошқа сабабларга кўра) сақлашга топширилади ва бу ҳақда икки нусхада баённома тузилади.

Ашёвий далилларни сақлаш учун суриштирув, дастлабки тергов органи ва судларда стеллажлари, металл эшиги, панжара қилинган деразалари, қўриқлаш ва ёнғинга қарши сигнализацияси бўлган махсус хоналар жиҳозланади ёки етарли катталиқдаги махсус сейф ажратилади (кейинги ўринларда «сақлаш хонаси» деб юритилади).

Агарда, нарса ўзининг алоҳида хусусиятлари ёки сифатлари сабабли махсус сақлаш шароитларида сақланиши лозим бўлса (маълум ҳарорат, намлик ва ҳ. к.), суриштирувчи, терговчи, суд уни шу шароитларига эга муассаса ёки ташкилотга сақлаш учун топширади. Олинган (қабул қилинган) нарсалар Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибда (олиб қўйилган мол-мулк сақлаш учун савдо ташкилотларига берилади) ҳам сақланиши мумкин.

13. Ашёвий далиллар сақлаш учун, қоида тариқасида, ўрамга солинган, муҳрланган кўринишда, ўрам ичидаги нарсалар рўйхати билан биргаликда қабул қилинади.

14. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни сақлашда олиб қўйилган, қабул қилинган объектлар, уларнинг белгилари ва хусусиятлари, шунингдек улардаги мавжуд изларнинг бутлигини таъминловчи чора-тадбирлар кўрилади.

15. Жинойт иши билан сақланаётган ашёвий далилларнинг бутлиги учун жинойт иши иш юритувида бўлган шахс, судда эса — иш бўйича раислик этувчи ёки суд раиси жавобгар ҳисобланади.

Сақлаш хонасига топширилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг бутлиги учун суриштирув, дастлабки тергов органи раҳбарининг ёки суд раисининг буйруғига асосан масъул этиб тайинланган шахс жавобгар ҳисобланади. Бунда, қоида тариқасида, сақлаш учун масъул бўлган шахс суриштирувчи, терговчи ёки судья бўлмаслиги лозим.

Муассаса ёки ташкилотга сақлаш учун топширилган ашёвий далил ва

бошқа нарсаларнинг бутлиги учун мазкур муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари жавобгар ҳисобланади, бу ҳақда унга маълум қилиниб, тилхат олинади.

16. Сақлаш хонасига фақат ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиши учун жавобгар шахс (кейинги ўринларда жавобгар шахс деб юритилади) иштирокида кириш мумкин. Агар у ёки унинг ўрнини босувчи шахс бўлмаса, сақлаш хонасига кириш прокурорнинг, суриштирув, дастлабки тергов органи раҳбарининг, прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда МХХ деб юритилади), Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИБ деб юритилади) органи тергов тармоғи бошлигининг, суд раисининг (судьянинг) ёзма рухсати ва уларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади, ушбу шахсларда сақлаш хонасига кириш эшигининг дубликат калити бўлиши шарт.

Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиши учун жавобгар шахснинг иштирокисиз сақлаш хонаси очилишининг ҳар бир ҳолати бўйича очилиш сабаблари кўрсатилган далолатнома тузилади. Далолатномада нима муносабати билан ва қайси ашёвий далиллар ёки бошқа нарсалар сақлаш хонасидан олинганлиги ёки унга қўйилганлиги ҳам кўрсатилади. Далолатнома, ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш китобига тегишли ёзувлар киритилиши учун, ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиши учун жавобгар шахсга берилади.

17. Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси давомида олиб қўйилган ёхуд тақдим қилинган ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар, эксперт-криминалистика бўлинмаларида текширувдан ўтказилганидан кейин, фақат ИИБ, МХХ органларида ёки Мудофаа вазирлигининг ҳарбий муассасаларида сақланади.

Портловчи моддалар ва портлатиш воситалари сақлаш учун ҳарбий қисмлар омборхоналарига ёки тегишли давлат корхоналарига (ташкilotларига) топширилади, заҳарлар ва кучли таъсир қилувчи моддалар уларни сақлаш учун етарли шарт-шароитлари бўлган ташкilotлар омборхоналарига, уларнинг раҳбарияти (қўмондонлиги) билан келишган ҳолда ва розилиги асосида топширилади.

Тегисли орган ёки идорага қарашли қурол-яроғлар, ўқ-дорилар, ҳарбий анжомлар олиб қўйилган, тақдим этилган ҳолатларда, улар тегишлилиги бўйича сақлаш учун берилиши лозим, агар бу тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилишини қийинлаштирмаса.

Ушбу бандда кўрсатилган нарсалар сақлаш учун топширилган ҳар бир ҳолатда баённома тузилади.

18. Кесма стволли ўқ отар қуролларни қўллаш билан боғлиқ барча жиноятлар бўйича суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар олиб қўйиш (қабул қилиш), кўздан кечириш ва тегишли текширишлар ўтказилганидан сўнг, қурол изи бўлган ўқлар, гильзалар ва патронларни, шунингдек кесма стволли ўқ отар қуролни ИИБнинг пулегильзотекасига юборишлари шарт.

Кесма стволли ўқ отар қуролни пулегильзотекада текширувдан ўтказиш

билан бир вақтда, у Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ва ИИБ ахборот марказларининг йўқолган ва аниқланган қуроолларнинг оператив ҳисоби бўйича ҳам текширилади.

Кесма стволли ўқ отар қуроолларни қўллаш билан боғлиқ ишлар тамомлангач, кўрсатилган қурооллар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқолган ва аниқланган кесма стволли ўқ отар қурооллар бўйича ягона маълумотлар банкига ҳисобга қўйилиши шарт.

19. Тегишлилиги аниқланмаган ва кидируви ички ишлар органларининг тегишли оператив-қидирув ва криминалистик ҳисоблари бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган нарсалар аниқланганида ва олиб қўйилганида (тақдим этилганида), дарҳол ушбу объектларни мазкур ҳисоблар бўйича текширувдан ўтказиш чоралари кўрилади.

20. Олиб қўйилган (тақдим этилган) давлат мукофотлари ва уларга тааллуқли ҳужжатлар икки нусхада тузилган олиб қўйиш баённомаси ва нарсалар рўяхати билан бирга олиб қўйилганидан (тақдим этилганидан) кейин бир сутка муддат ичида суриштирув ёки тергов ўтказаетган орган бухгалтериясининг кассасига топширилади ёки махсус алоқа орқали юборилади (уларни ўрганиш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно). Баённоманинг иккинчи нусхасига кассир мукофотлар ва уларга тааллуқли ҳужжатларни қабул қилганлиги ҳақида имзо қўйиб беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Айблов ҳулосасига илова қилинадиган маълумотномада олиб қўйилган, тақдим этилган давлат мукофотлари, уларга тааллуқли ҳужжатлар ва уларнинг сақланиш жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар давлат мукофотлари ва уларга тааллуқли ҳужжатлар ашёвий далил ҳисобланса ёки улар бўйича экспертиза тайинланса, улар зарур тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш учун суриштирув, дастлабки тергов органида, судда қолиши мумкин.

21. Жиноят содир этиш қуроли сифатида фойдаланилган ва ашёвий далил деб эътироф этилган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт, шу жумладан, сузувчи воситаларни, шунингдек хатланган транспорт воситалари, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида олиб қўйилган транспорт воситаларини алмаштириш ёки эксплуатация қилишга имкон бермаслик учун транспорт воситасининг спидометри, двигатели, руль бошқаруви, бошқа қисмлари ва деталлари олдиндан муҳрланган ва пломбаланган ҳолда (агарда улар эгасига, унинг қариндошларига ёки бошқа шахсларга, шунингдек ташкилотларга сақлашга топширилиши мумкин бўлмаса) сақлаш учун ИИБ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙҲХХ деб юритилади), Бош прокуратура, ИИБ ва МХХнинг хўжалик бошқармаларига (бўлимларига) топширилади ва ушбу бошқарма (бўлим) раҳбарларидан сақлаш ҳақида тилхат олиниб, ишга қўшиб қўйилади. Тилхатда сақлаш учун қабул қилинган транспорт воситаси бутлиги учун шахсан ким жавобгар эканлиги кўрсатилади.

Транспорт воситасини олиб қўйишда, тақдим этишда, шунингдек сақлаш учун топширишда ДЙҲХХ органлари мутахассислари томонидан ҳудудий молия органи ва ихтисослаштирилган автомобилларга техник хизмат

кўрсатиш корхоналари вакиллари ни жалб қилган ҳолда ҳамда имкони бўлса, транспорт воситасининг эгаси иштирокида ушбу транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади.

22. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб қўйиш, тақдим этиш, экспертизадан ўтказиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Суриштирув ёки дастлабки тергов давомида (ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар) ва суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар, шу билан бирга терговолди текширув ўтказилиши давомида (жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар) гиёҳвандлик воситалари муҳрланган ҳолда ИИБ, МХХ органининг сақлаш хонасида ёки жазони ижро этиш муассасасида яшаш ва ишлаб чиқариш зоналаридан ташқарида жойлашган оператив қисмнинг сейфида сақланиши шарт.

24. Қамокда сақланаётган айбланувчиларнинг (судланувчиларнинг) паспортлари, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, офицер шахсини тасдиқловчи гувоҳномалари, контракт бўйича ҳарбий хизматчи гувоҳномалари, ҳарбий гувоҳномалар, қайд этиш гувоҳномалари жиноят ишига қўшиб қўйилади ва ишга навбатдаги варағи сифатида тикилган ва рақамланган алоҳида муҳрланган пакетда сақланади. Бошқа шахсий ҳужжатлар, шунингдек белгиланган тартибда ашёвий далил деб эътироф этилмаган нарса ва ашёлар, агар улар иш учун аҳамиятга эга бўлмаса, эгаларига, уларнинг қариндошларига ёки эгаси кўрсатган бошқа шахсларга қайтариб берилади.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг шахсий ҳужжатлари жазони ўташ жойига юборилади.

25. Қимматбаҳо металллар (бундай буюмларнинг парчалари), қимматбаҳо тошлар ва дурдан ясалган буюмлар, шунингдек қимматбаҳо тошлар, қўлда ясалган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металллардан ясалган тангалар тегишли экспертизалар ўтказилганидан сўнг ҳамда баҳоланганидан кейин ўралган ҳолатда, рўйхат асосида сақлаш хонасига ёхуд хизмат кўрсатувчи банкка ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига (кейинги ўринларда Қимматбаҳо металллар агентлиги деб юритилади) сақлаш учун топширилади.

26. Муомаладан чиқарилган қимматбаҳо металлларнинг (олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи бошқа металллар) қуймалари, чўкинди-лари (шлих), ёмби, хомаки маҳсулот шаклидаги, ишлаб чиқариш ёки лабораторияда фойдаланишга мўлжалланган, шунингдек олмослар ёки бошқа табиий қимматбаҳо тошлар тегишли ўрганишлардан сўнг, агарда улар ашёвий далил ҳисобланмаса ва кейинчалик махсус ўрганилиши лозим бўлмаса, Қимматбаҳо металллар агентлигига топширилади.

27. Фуқаролардан олиб қўйилган (қабул қилинган) миллий ва чет эл валютасидаги пул суммалари, давлат заём облигациялари, пул-буюм лотерея билетлари, омонат дафтарчалари, депозит сертификатлари, аккредитивлари, чеклари ва чек дафтарчалари, депо ҳисобварағидан кўчирмалар (депозитарий томонидан бериладиган депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжат) ҳукм қонуний кучга киргунга қадар

қуйидаги тартибда сақланади (агарда улар ашёвий далил деб ҳисобланмаса ва махсус текширувдан ўтказиш лозим бўлмаса):

миллий ёки чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари тегишли органга хизмат кўрсатувчи банкда миллий ёки чет эл валютасида очилган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига киритиб қўйилади ёки Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир Йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) белгиланган тартибда сақлаш учун банк кассасига топширилади;

давлат заём облигациялари, омонат дафтарчалари, сертификатлар, аккредитивлар, чеклар ва чек дафтарчалари, пул-буюм лотереяси билетлари, шунингдек депо ҳисобварағидан кўчирмалар уларни олиб қўйган (қабул қилган) органда сақланади, бунда уларнинг бут сақланишига риоя этилиши лозим, ёки ўрамга солинган ҳолда банклар ёки уларнинг филиалларига сақлаш учун топширилади.

Қимматликларни сақлаш учун қабул қилишда банк уларни топширган органга сақлаш учун қабул қилинган қимматликлар тури, уларнинг баҳолалиши ва рақами кўрсатилган 004-шаклдаги квитанцияни беради. Ушбу квитанция топширувчида сақланади. Топширилган қимматликларни қайтариб олиш учун ушбу қимматликларни топширган орган раҳбари имзолаган хат ва унга илова қилинган 004-шаклдаги квитанция тақдим этилади. Банкка сақлаш учун қабул қилинган қимматликларнинг қисман қайтарилишига йўл қўйилмайди. Қимматликларнинг бир қисмини олиш зарур бўлса, банк қимматликлар солинган жўнатмани тўлиғича уларни топширган органга қайтариб беради. Қимматликларнинг тегишли қисми олингач, қолган қисми белгиланган тартибда банкка қайта топширилиши мумкин. Банклар қабул қилган қимматликларнинг сақланиши учун баҳолаш суммасидан ошмаган ҳолда, ҳақиқий зарар суммасида жавобгар бўлади.

28. Омонат дафтарчаларини олиб қўйиш билан бир вақтда, тегишли банкларга банкларда очилган депозит ҳисобварақлардаги маблағларни хатлаш тўғрисидаги қарор нусхаси ҳам юборилади. Хатлаш тўғрисидаги қарорнинг матнида иш юритувдаги жиноят ишининг рақами, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса — жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик ишининг рақами кўрсатилади.

29. Фуқаровий даъвони таъминлаш учун ва гаров тариқасида олиб қўйилган, қабул қилинган миллий ёки чет эл валютасидаги пул маблағлари (ашёвий далил деб эътироф этилган ва индивидуал хусусиятларга эга бўлган пул маблағларидан ташқари) дастлаб далилларни қайд этиш китобига тегишли ёзувлар киритилиб, суриштирув, тергов органининг қарори, баённомаси ёки суд ажрими нусхасига мувофиқ тергов ёки суриштирув ўтказётган органнинг молия-хўжалик бўлимига бир сутка муддат давомида топширилади. Бунинг ўрнига кассир суриштирувчи, терговчи ёки суд органининг масъул шахсига рақами кўрсатилган кирим ордери квитанциясини беради.

Кассир қабул қилинган пулларни икки сутка давомида олиб қўйишни (қабул қилишни) амалга оширган органнинг миллий ёки чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча ҳисобварағига киритиш учун банкка топширади.

Пулларни банкка етказишда ҳар бир ҳолатда қўриқланиши таъминланади.

30. Мазкур Йўриқноманинг 25 — 27-бандларида қайд этиб ўтилган нарсалар ёки бошқа қимматликлар ашёвий далил бўлиб ҳисобланган ҳолларда, улар зарур текширувлар ўтказилгандан сўнг уч кунлик муддатдан кечиктирмасдан, алоҳида муҳрланган ва рўйхати илова қилинган пакетларда жавобгар шахсга сақлаш учун сақлаш хонасига ёки банклар ёки уларнинг филиалларига топширилади. Бундай ҳолларда йўналтирувчи хатда жўнатилаётган қимматликлар ашёвий далил эканлиги ва улар олиб қўйилиши (қабул қилиниши) учун асос бўлган жиноят ишини кўриб чиқаётган ёки ҳукми ижро этувчи органнинг алоҳида фармойиши берилмагунга қадар сақланиши ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилади.

31. Ишга ашёвий далил тариқасида қўшилган ҳужжатлар, хатлар ва бошқа ёзувлар тоза қоғоз варақлари орасига солинган ҳолда конвертларда сақланади, бунда уларга қандайдир белгилар, ёзувлар киритиш ёки уларни буклаш ман этилади. Конвертлар муҳрланади, ишга тикилади ва ишнинг навбатдаги варағи сифатида рақамланади. Ишга қўшилаётган хатлар ва ҳужжатлар кўп миқдорда бўлса, улар ишга илова қилинадиган алоҳида конвертга солинади. Конвертда ёки пакетда унга солиб қўйилган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилган ёзув бўлиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ишга қўшилган корреспонденциянинг мазкур иш бўйича суриштирув, тергов, суд муҳокамасини юритишга дахлдор бўлмаган шахслардан сир сақланишини таъминлаши шарт.

32. Олиб қўйилган махфий характерли, лекин ашёвий далил бўлмаган ҳужжатлар, чизмалар, фотосуратлар махсус қисмлар ва 1-бўлимлар орқали уларнинг эгаси бўлган ташкилотлар ва муассасаларга юборилади.

33. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни уларнинг шикастланишига ва келгусида текширувлар ўтказиш ҳамда далил сифатида фойдаланиш имконини бермайдиган ҳолатга тушишига олиб келувчи ҳолатда сақлашга топшириш ман қилинади. Зарур ҳолларда олиб қўйилган, қабул қилинган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни келгусида сақлаш имконини берувчи ҳолатга олиб келишга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши шарт.

Ўзгарувчан хусусиятга эга, шунингдек бир марта ишлатиладиган ёки вақтинчалик хусусиятларга эга бўлган нарсалар олиб қўйилган, тақдим этилган ҳолда, олиб қўйиш, қабул қилишни амалга оширган орган унинг кўздан кечирилиши ва кўздан кечириш натижалари ЖПК 141-моддаси талабларига мувофиқ мустаҳкамланишини таъминлаши шарт.

34. Биологик келиб чиқишга эга, шу жумладан, микроскопик ёки кимёвий текширув ўтказилиши лозим бўлган, тез бузиладиган объектлар герметик зич ёпиладиган идишга жойлаштирилиши керак. Бундай идишга жойлаштириш суд-тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Эксперт текшируви тамомлангач, биологик объектлар дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилган жойда сақланади. Агар биологик объектларни

сақлаш учун махсус шарт-шароитлар талаб қилинса, улар рахбарият билан келишилган ҳолда суд-тиббиёт муассасасида сақланади.

35. Сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилиқ муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар, уларнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан қатъи назар, истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги бўйича экспертиза хулосаси ва уни баҳолаш вақтидан бошлаб бир сутка мобайнида олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан суд ижрочиси иштирокида сотиш учун бериш далолатномаси билан савдо ташкилотларига сотиш учун берилади.

Бунда товарларни сотишдан тушган маблағлар товарни давлат даромадига ўтказиш ёхуд уни қайтариш тўғрисида ижро ҳужжати олингунга қадар суд ижрочиларининг тегишли бўлимларидаги депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган товарларнинг истеъмолга, фойдаланишга ёки қайта ишлашга яроқсизлиги тўғрисида экспертиза томонидан хулоса чиқарилган тақдирда уни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси суд ижрочиси, санитария-эпидемиология станцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари ва ҳолис гувоҳлар иштирокида истеъмол қилиш, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб топилган мол-мулкни Низомда назарда тутилган барча талаблар бажарилган ҳолда йўқ қилиб ташлайди.

36. Жиноий ҳаракатлар объекти бўлиб хизмат қилган ёки ўзида жиноят изларини сақлаб қолган озиқ-овқатлар ёки саноат товарлари эксперт текшируви учун бутунлигича ёки зарур бўлган қисми (намуна, проба) топширилади. Имкони бўлса, текширувга юборилаётган проба ёки намунадан ташқари, қайта текширув ўтказиш имкониятини таъминлаш учун намуна ёки проба ажратиб олинади ва муҳрланган кўринишда ишга қўшиб қўйилади.

37. Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган иш ва уй ҳайвонлари, суриштирув, тергов органлари, суд томонидан қарор чиқарилгунга қадар, тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда, сақлаш учун жабрланувчи шахслар ёки ташкилотларга, улар бўлмаганда эса, ҳудудийлик бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органи, ширкат ёки фермер хўжаликларига топширилади.

38. Айблов хулосасига илова қилинадиган маълумотномада иш бўйича олиб қўйилган, тақдим этилган нарсалар қаерда сақланаётганлиги ва улар топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тикилган иш варағи кўрсатилади.

39. Хатланган нарсалар суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими бўйича, аниқ ҳолатлар ва иш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, сақлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига, ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмасининг тармоқларига, шунингдек зарар етказилган тараф ёки ушбу мол-мулк эгаси ёхуд унинг қариндошига топширилади ва улар қабул қилинган

нарсанинг сақланиши учун жавобгар эканлиги тушунтирилади ҳамда бу ҳақда тилхат олинади.

Хатланган санъат асарлари ва антиквар буюмлар сақлаш учун музейларга топширилиши мумкин.

40. Муайян жиноий ишлар бўйича ашёвий далиллар бошқа ишлар бўйича ашёвий далиллардан алоҳида ҳолда сақланади.

Очилмаган жиноятлар бўйича ҳаракатдан тўхтатилган ишлар юзасидан ашёвий далиллар тергов ўтказилган жойда, ҳаракатдаги ишлар бўйича ашёвий далиллардан алоҳида ҳолда, ўрамга солинган ва муҳрланган кўринишда сақланади, уларнинг сақланиши ва кейинчалик фойдаланиш имконияти таъминланади. Бундай объектлар солинган ҳар бир пакет иш рақами, унинг қисқача мазмуни (фабуласи) ва қўзғатиш санаси, ўрамга солинган объект номи кўрсатилган изоҳли ёзув билан таъминланади.

Сақлаш шароити мазкур Йўриқнома билан белгиланган объектларнинг тоифаларига татбиқан танланади.

Тўхтатилган ишлар бўйича махсус сақлаш шароитларини талаб этадиган биологик объектлар суд-тиббиёт муассасаларнинг архивларида сақланади. Биологик объектларни суд-тиббиёт муассасасининг архивига жойлаштириш учун прокурор, терговчи, суднинг тегишли муассаса раҳбарига юбориладиган хати асос бўлиб ҳисобланади.

IV. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш

41. Ашёвий далилларни, шу жумладан ўқ отар қурол ва жиноят ишлари бўйича олиб қўйилган, ашёвий далил бўлиб ҳисобланмаган бошқа нарсаларни қайд этиш учун ҳар бир суриштирув (олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари бундан мустасно), дастлабки тергов органлари ва судларда мазкур Йўриқноманинг 1, 2-иловаларида келтирилган шакллarga мувофиқ ҳисобга олиш китоблари юритилиб, улар ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни сақлаш ва ҳисобга олиш учун жавобгар шахсда туради. Ушбу китобларни юритиш қатъий ҳисобдаги ҳужжатларни юритиш қоидалари бўйича амалга оширилади. Китобнинг ҳар бир варағи рақамланади, ип билан тикилади ва муҳрланади ҳамда тегишлича суриштирув органининг бошлиғи, тергов тармоғининг раҳбари, прокурор, суд раисининг имзоси билан тасдиқланади.

42. Ашёвий далиллар ва бошқа ашёвий далил ҳисобланмаган нарсаларни ҳисобга олиш китобларига ёзувлар нарсаларни олиб қўйиш ёки тақдим этиш ҳақидаги баённомалар асосида уларнинг сақланиши учун жавобгар шахслар томонидан киритилади.

43. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиши учун жавобгар шахс ҳисобга олиш китобида рўйхатга олиш вақтида қабул қилинаётган нарсаларнинг уларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор билан мувофиқлигини текширади.

44. Китобга қайд этишда ёзувлар хронологик тартибда амалга оширилади, ҳар бир нарса алоҳида ёзилади. Бир турдаги бир нечта нарса қайддан

ўтказилаётганда уларнинг миқдори, келиб тушиш санаси, номи ёзилади (агар ашёвий далиллар ўрамга солинган бўлса, уларнинг миқдори ва номлари ўрамни очиш орқали текширувдан ўтказилиши мумкин, бу ҳақда далолатнома тузилади). Бунда ҳар бир нарсага тартиб рақами берилади.

Агар ашёвий далиллар жиноят иши билан бўлса ва сақлашга топширилмаса, шунингдек мазкур Йўриқнома 12-бандининг учинчи хатбошида кўрсатилган ҳолларда ҳисобга олиш китобида бу ҳақда белги қўйилиб, ашёвий далилларни ўзида сақлаётган мансабдор шахснинг фамилияси кўрсатилади.

Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш китобидан ташқари, суриштирув, дастлабки терговни амалга ошираётган органлар раҳбарларининг ва судларнинг ўз хоҳишига кўра мазкур объектларни ҳисобга олишнинг бошқа шакллари (қайдномалар, квитанциялар ва ҳоказо) белгиланиши мумкин.

V. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни топшириш

45. Жиноят иши билан сақланаётган ашёвий далиллар иш суриштирув органидан терговчига, ёки бир суриштирув органидан бошқа суриштирув органига, ёки бир терговчидан бошқа терговчига, шунингдек прокурор ёки судга юборилганда ёхуд бир суддан бошқа судга ўтказилганда иш билан бирга топширилади. Бу ҳақда ҳар бир топширилаётган нарса бўйича ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобида тегишли ёзув киритилади. Белгиланган тартибда ашёвий далил деб эътироф этилмаган нарсалар жиноят иши билан бирга топширилишига йўл қўйилмайди.

46. Ашёвий далилларни иш билан бирга қабул қилаётган масъул ходим ҳисобга олиш китобида ўз лавозими ва фамилиясини кўрсатган ҳолда тушунарли тарзда имзо чекади, ўз имзосини тегишли муассасанинг штампи билан тасдиқлайди. Барча ашёвий далиллар келиб тушиш кунida рўйхатдан ўтказилади. Суд томонидан ишга қўшилган ашёвий далилларни рўйхатдан ўтказиш ажрим чиқарилган куни амалга оширилади.

47. Сақлаш хоналарига жойлаштирилган, шунингдек иш билан бирга бўлмаган ашёвий далиллар ва фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида хатланган нарсалар жиноят иши топширилаётган орган ҳисобида туради, бу ҳақда ашёвий далиллар сақланаётган жойга хабарнома юборилади ҳамда ҳисобга олиш дафтари ва жиноят иши бўйича маълумот варағида улар кимда сақланаётганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Жиноят ишини ўтказишда, у билан бирга йўлланадиган ашёвий далиллар илова хатда ёки унга илова қилинаётган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Айблов хулосасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча ашёвий далиллар, ҳар бирининг сақланаётган жойи кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим.

Ашёвий далиллар почта ёки чопар орқали етказиб берилганда, суриштирувчи, терговчи ёки судья холислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни

қўздан кечириб, уларни алоқа хати ёки рўйхат билан солиштиради. Қўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади.

48. Ашёвий далиллар билан бирга жиноят иши юборилаётган органнинг девонхона ходими, суднинг масъул ходими, ушбу нарсаларни қабул қилаётганда ўрамнинг ва ундаги муҳрларнинг бутунлиги (сақланганлиги)ни текширади.

Ўрам ва муҳр бузилган ҳолда суд котиби суд раиси (судья, суднинг масъул ходими) ҳозирлигида, тергов ёки суриштирув органининг девонхона ходими унинг раҳбари ёки ўринбосари, шунингдек иш ва ашёвий далилларни етказиб берган шахс ҳозирлигида ўрамни очади ҳамда унда мавжуд бўлган нарсаларни айблов ҳулосасининг маълумотномасидаги ашёвий далиллар тўғрисидаги ёзув ва ашёвий далилларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор билан солиштиради.

49. Агар мавжуд ашёвий далиллар айблов ҳулосасининг маълумотномасидаги ва ашёвий далилларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарорнинг маълумотлари билан тўғри келса, улар яна ўрамга жойланади ва муҳрланади. Ўрамнинг очилганлиги ҳақида далолатнома тузилиб, ишга тикиб қўйилади.

Ўрам ёки муҳр бузилган ҳолларда ўрам очилганда, ҳақиқатда мавжуд ашёвий далиллар айблов ҳулосасининг маълумотномасидаги ва ашёвий далилларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарорда бу ҳақда келтирилган маълумотлар билан тўғри келмаслиги аниқланса, шунингдек ўрамдаги ёзув (ўрамда мавжуд ашёлар рўйхати) ушбу ёзувларга тўғри келмаган ҳолларда, манфаатдор идораларнинг мансабдор шахслари томонидан ушбу номувофиклик сабаблари аниқламагунга қадар, иш қабул қилинмайди.

Аниқланган номувофикликлар тўғрисида далолатнома тузилиб, тегишлича суднинг раиси (судья), прокурор, суриштирув, тергов органи бошлиғи (ушбу органлар тергов тармоқларининг бошлиғи) ва девонхона ходими, шунингдек ишни олиб келган шахс томонидан имзоланади.

Далолатнома нусхаси ишни юборган органга юборилади.

50. Ашёвий далил судда рўйхатдан ўтказилаётганида унга рақам (китоб бўйича тартиб рақами) берилади, ашёвий далилнинг келиб тушган санаси, номи, миқдори, у қўшиб қўйилган ишнинг рақами, айбланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади. Ашёвий далил рўйхатдан ўтказилгач, унинг ўрамига жиноят иши судда рўйхатдан ўтказилган рақам қўйилади, шунингдек ашёвий далилнинг рақами кўрсатилади.

51. Жиноят иши ва ашёвий далиллар бошқа суд ёки прокуратурага топширилганида ҳар бир топширилаётган ашёвий далил бўйича ашёвий далилларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзув киритилиши керак.

Агар ашёвий далиллар судга юборилмасдан, суриштирув, дастлабки тергов органи ёки бошқа муассасада сақланаётган бўлса, суд котиби ашёвий далилларни рўйхатга олиш китобига улар сақланаётган жой тўғрисида ёзув киритади.

52. Жиноят иши бир терговчидан айнан шу прокуратурада, ИИБ, МХХ органида ишловчи бошқа терговчига топширилганида, биринчиси топшири-

ши, иккинчиси эса иш бўйича олиб қўйилган барча нарсаларнинг борлигини текшириб қабул қилиб олиши, ашёвий далилларни сақлашга жавобгар шахс иштирокида ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобига уларни қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиши шарт.

53. Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги дастлабки тергов органининг қарори, суднинг ҳукми ёки ажримида ашёвий далиллар тақдири масаласи ҳал этилиши керак, бунда:

жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

муомаладан чиқарилган нарсалар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган нарсалар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

жиноят ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир қилиниши натижа-сида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворис-ларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фой-дасига ўтказилади. Ушбу буюмларнинг тегишлилиги ҳақидаги низолар фу-қаровий суд иш юритуви тартибида ҳал этилиши лозим;

ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати туга-гунга қадар ишда сақлаб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муасса-саларга берилади. Ишдаги ҳужжатларни қайтариш масаласи уларнинг ха-рактери ва иш учун аҳамиятига қараб ҳал этилади.

54. Ашёвий далил тариқасида мазкур Йўриқноманинг 25 — 27-бандла-рида қайд этиб ўтилган нарсалар қўшилган жиноят ишини қабул қилиш вақтида суд котиби ишда дастлабки тергов органи томонидан ушбу ашёвий далиллар сақлаш учун топширилганлигини тасдиқловчи квитанциянинг мав-жудлигини текширади. Ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобига улар ҳақида сақланаётган жойи кўрсатилган ҳолда ёзув киритилади.

55. Мазкур Йўриқноманинг 25 — 27-бандларида санаб ўтилган ва ишга суд томонидан ашёвий далиллар сифатида қўшилган нарсалар ашёвий да-лилларни ҳисобга олиш китобида рўйхатдан ўтказилиши, ўрамга солиниши, муҳрланиши ва бир сутка муддат давомида хизмат кўрсатувчи банкка ёки жавобгар шахсга сақлаш хонасида сақлаш учун топширилиши керак.

56. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилаётганида унда тўхтатаётган иш бўйича олиб қўйилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланаётган жойи белгиланади. Ушбу объектлар, махсус сақ-лашга топширилиши лозим бўлмаса, тўхтатилган жиноят иши тергов орга-нида сақлаб турилган вақт давомида тергов юритилган жойда сақланади

ва иш бошқа тергов органига топшириладиган вақтда иш билан бирга топширилади.

Қаердалиги аниқланмаган айбланувчиларга нисбатан тўхтатилган жиноят ишлари бўйича моддий зарарни қоплаш мақсадида хатланган айбланувчиларнинг шахсий мол-мулки, экспертлар томонидан баҳолангач, мазкур Йўриқноманинг 62-бандига мувофиқ сотилиши мумкин.

VI. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни давлат даромадига ўтказиш, йўқ қилиб ташлаш ва қайтариш

57. Қонуний кучга кирган ҳукм бўйича суд ижро варақасини ёзади ва кейинги кундан кечиктирмасдан уни ижро этиш учун тегишли органга юборди.

58. Агар ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар махсус сақлашда бўлса, уларни сақлаш жойига ушбу объектларнинг кейинги тақдири кўрсатилган ҳукм, ажрим, қарордан нусха ёки кўчирма юборилади. Қабул қилинган қарор ашёвий далиллар сақланаётган муассасаларнинг раҳбарлари учун мажбурийдир.

59. Муомаладан чиқарилган нарсалар (қурол-яроғ, ўқ-дорилар, гиёхвандлик, психотроп моддалар ва шу кабилар) ИИБ ва МХХ органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

60. Эгаларига қайтарилиши лозим бўлган ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар уларга тилхат асосида натура шаклида берилади, тилхат жиноят ишига тикиб қўйилади ва унинг навбатдаги варағи сифатида рақамланади. Бир вақтнинг ўзида тергов ёки суриштирувни олиб бораётган органнинг бухгалтерия ҳисоби бўлими ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар қайтарилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилинади.

Манфаатдор шахслар улардан олиб қўйилган нарсаларни қайтариб олишлари мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади, хабарноманинг нусхаси жиноят ишига тикиб қўйилади. Тилхатда олувчи ўз паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатдаги маълумотларни ва яшаш жойини кўрсатади. Нрсаларнинг эгаси шахсан кела олмайдиган ҳолатда, уларни унинг ишончномаси бўйича бошқа шахс олиши мумкин, унинг тилхати ҳам ишга тикиб қўйилади. Агар нарсаларнинг эгаси муассаса, ташкилот бўлса, нарсалар уларнинг вакилларига ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлганида тилхат орқали топширилади.

61. Жиноят иши нореабилитация асослари бўйича тугатилган ҳолда, зарарни қоплаш, олиб қўйилган ёки қабул қилинган пул ёхуд бошқа нарсаларни давлат даромадига ўтказиш масаласи жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

62. Ашёвий далиллар, нарсалар ва жиноят қуролларини давлат даромадига ўтказиш ва уларни йўқ қилиб ташлаш Низомнинг IV — VII бўлимлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Орден ва медаллар маҳаллий давлат ҳокимияти органига ёки эгаларига берилади.

63. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни қайтариш юзасидан ижро иш юритувини қўзғатиш ҳақидаги қарор, шунингдек уларни олиш тартиби тўғрисида ёзма хабарнома бир сутка муддат давомида ижро варақасида кўрсатилган шахсга юборилади.

Ижро иши юритилиши қўзғатилганидан сўнг, суд ижрочиси тегишли далолатнома тузади ва унинг ўзи, жиноят иши бўйича дастлабки терговни ўтказган мансабдор шахс, ушбу нарсаларни берган судья, шунингдек нарсаларни сақлаш учун жавобгар шахс имзо қўяди.

Ижро варақасида олувчи сифатида кўрсатилган шахс суд ижрочисига мурожаат қилганида, қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилиб, унда нарсани топшириш жойи ва вақти, топширилаётган нарса номи, шунингдек топширишда иштирок этаётган шахслар кўрсатилади. Нарсани олган шахсдан тилхат олинади.

Нарса топширилаётганида камида 2 нафар холис иштирок этиши шарт.

Агар ижро варақасида олувчи сифатида кўрсатилган шахс 3 йил давомида суд ижрочисига нарсани бериш тўғрисида мурожаат этмаган бўлса, суд ижрочиси бу ҳақда далолатнома тузади.

Суд ижрочиси нарса талаб қилиб олинмаганлиги тўғрисида далолатнома тузганидан сўнг, нарсани эгасиз деб топиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ва уларни ҳудудийлиги бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга юборади.

64. Ижро иши юритилишини тамомлашда суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради. Суд ижрочисининг қарор нусхалари у чиқарилган кунинг эртасидан кечиктирмасдан ижро варақасини берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро иши юритилиши тамомланганида, ижро ҳужжатининг асл нусхаси ижро иши материалларида қолади.

65. Ашёвий далиллар юзасидан қарор, ҳукм (ажрим) қонуний кучга киргандан сўнг ёки ишни тугатиш тўғрисида ажрим, қарор устидан шикоят қилиш муддати тугагач, ижрога қаратилади.

66. Алоҳида ҳолларда суриштирув, дастлабки тергов органи, суд иш бўйича якуний қарор қабул қилинмасдан ҳам олиб қўйилган нарсаларни эгаларига қайтариши мумкин, агар бу ишни тўғри ҳал этишга тўсқинлик қилмайди деб топилса.

67. Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида иши тугатилган шахсларга улардан олиб қўйилган нарсаларни қайтариш мазкур Йўриқноманинг 60-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Қабул қилинган қарор ҳақида ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган шахсга дарҳол ёзма хабарнома юборилади.

68. Жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор, ҳукм (ажрим) чиқарилганидан кейин ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобида ашёвий далилларга нисбатан қабул қилинган қарор ҳақида унинг мазмуни ва санаси кўрсатилган ҳолда белги қўйилади.

69. Жиноят таркиби йўқлиги ёки жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли жиноят иши тугатилган ҳолда, иш бўйича ашёвий далил деб эъти-

роф этилган ҳужжатлар (адабий асарлар, аризалар, мурожаатлар ва бошқалар, шу жумладан муаллифлар томонидан тайёрланганлари ҳам) эгаларига қайтарилиши шарт.

70. Қимматбаҳо металллар агентлигига топширилган нарсалар белгиланган ҳолларда эгаларига натура шаклида қайтариб берилади, натурада қайтариш йўл қўйилмайдиган ҳолатларда эса қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг қиймати қопланади.

71. Олиб қўйилган нарсалар (пуллар) тилхат орқали реабилитация қилинганларга ёки ЖПК 304-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахсларга улар мулкӣ зарарни қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш ҳақидаги қарор ёки ажримни олган кундан бошлаб икки йил давомида қайтариб берилиши мумкин. Зарарни қоплаш ҳисобига тўланган маблағлар ЖПК 304 — 313-моддаларида назарда тутилган тартибда қайтарилади.

Юқорида кўрсатилган муддат тугагач, пуллар, шунингдек нарсаларни сотишдан олинган маблағлар республика бюджети даромадига ўтказилади.

VII. Ҳужжатларнинг гаров суммаларини эгаларига қайтаришга оид қисмини ижро этиш тартиби

72. Дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб рақамига гаров тариқасида қўйилган пул маблағлари ёки қимматликларни (кейинги ўринларда гаров суммаси деб юритилади) қайтариш ҳақида ҳужжат чиқарган суд ижро варақасини ёзиб беради ва 3 суткадан кечиктирмасдан уни қонунӣ кучга кирган суд ҳужжатининг гербли муҳр билан тасдиқланган нусхаси ва гаров суммаси қабул қилинганлиги ҳақидаги банк қвитанцияси нусхаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий органига (кейинги ўринларда Суд департаментининг ҳудудий органи деб юритилади) юборади.

Дастлабки тергов органи 3 суткадан кечиктирмасдан, дастлабки тергов органининг депозит ҳисоб рақамига гаров тариқасида қўйилган гаров суммасининг қайтарилиши кўрсатилган, гаров тариқасида эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш (агар бекор қилиш ёки ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитларини бузиш билан боғлиқ бўлмаса) ёхуд жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорнинг (кейинги ўринларда дастлабки тергов органининг қарори деб юритилади) гербли муҳр билан тасдиқланган нусхасини, гаров суммаси қабул қилинганлиги ҳақидаги банк қвитанцияси нусхаси билан бирга Суд департаментининг ҳудудий органига юборади. Агар гаров суммаси уни қайтариш тўғрисида бевосита қарор қабул қилган дастлабки тергов органининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган бўлса, мазкур Йўриқноманинг 75-бандида кўрсатилган қоидалар қўлланилади.

73. Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олгач, 3 суткадан кечиктирмасдан ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва бир нусхасини ижро иши юритилиши қўзғатилганидан сўнг бир сутка давомида ижро ҳуж-

жатини берган суд ёки бошқа органга жиноят иши материалларига қўшиб қўйиш учун юборади.

Суд ижрочиси гаров суммаси вақтинча сақланаётган органга гаров суммасини уч кунлик муддат ичида кейинги ижро ҳаракатларини давом эттириш учун Суд департаментининг ҳудудий органи депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади. Талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суд ижрочиси гаров сақланаётган орган ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси қўйиш орқали низосиз тартибда гаров суммасини ҳисобдан чиқариши шарт.

74. Суд департаментининг ҳудудий органи ҳисоб рақамига гаров суммаси келиб тушгач, суд ижрочиси бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 22¹-моддасига асосан гаров суммасини олувчи шахсни хабардор қилади. Ижро ҳужжатида гаров суммасини олувчи сифатида кўрсатилган шахс ёки унинг қонуний вакили суд ижрочисига гаров суммасини қайтариш тўғрисида талаб қўйган кун суд ижрочиси томонидан унга банк чеки ёзиб берилади. Банк чеки олинганлиги ҳақида уни олган шахсдан тилхат олинади.

Банк чеки берилгандан сўнг, суд ижрочиси томонидан ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисида қарор қабул қилинади ва унинг нусхаси ижро ҳужжатини берган судга ёки бошқа органга жиноят ишига қўшиб қўйиш учун юборилади. Ижро ҳужжати ва тилхат ижро иши материалларига тикилади.

Агар ижро ҳужжатида гаров олувчи сифатида кўрсатилган шахсдан ёки унинг қонуний вакилидан у хабардор қилинган пайтдан бошлаб уч йил давомида гаровни бериш ҳақида талабнома келиб тушмаган бўлса, гаров суммаси талаб қилиб олинмаганлиги ҳақида далолатнома тузилади.

Бундай ҳолатда, суд ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров суммаси талаб қилиб олинмаганлиги ҳақидаги далолатнома, ижро ҳужжати ва бошқа зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда гаров суммасини эгасиз деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилади.

75. Гаров тариқасидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаган бўлса (шу жумладан, жиноят иши тугатилиши ёхуд суд қарорининг кучга кириши муносабати билан), гаров суммаси депозит ҳисоб рақамида турган орган томонидан ижро ҳужжати берилмайди, дастлабки тергов органининг гаров суммасини қайтариш тўғрисидаги қарори эса ижро қилиш учун мазкур органнинг молия тармоғига юборилади.

Шу билан бир вақтда дастлабки тергов органи қарорда гаров суммасини олувчи сифатида кўрсатилган шахсни уни олиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилади.

Дастлабки тергов органининг қарорида гаров суммасини олувчи сифатида кўрсатилган шахс ёки унинг қонуний вакили гаров суммасини қайтариш тўғрисида талаб қўйган кун молия тармоғининг масъул ходими томо-

нидан унга банк чеки ёзиб берилади. Банк чекини олган шахсдан уни олганлиги ҳақида тилхат олинади ва жиноят ишига қўшиб қўйилади.

Агар дастлабки тергов органининг қарорида гаров олувчи сифатида кўрсатилган шахсдан ёки унинг қонуний вакилидан у хабардор қилинган пайтдан бошлаб уч йил давомида гаровни бериш ҳақида талабнома келиб тушмаган бўлса, гаров суммаси талаб қилиб олинмаганлиги ҳақида далолатнома тузилади.

Бундай ҳолатда, дастлабки тергов органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров суммаси талаб қилиб олинмаганлиги ҳақидаги далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда гаров суммасини эгасиз деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилинади.

VIII. Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш ва сақлаш аҳволини назорат қилиш

76. Айблов ҳулосаси, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарор, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор тасдиқланганида, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимоснома билан терговолди текширув ҳужжатлари ва жиноят иши судга юборилганида, шунингдек иш бошқа тергов ёки суриштирув органига юборилганида, прокурор, суриштирув, тергов органининг бошлиғи, суд раиси (суднинг масъул ходими) иш бўйича олиб қўйилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни жойлашган жойи кўрсатилган ҳужжатларнинг ишда мавжудлигини текшириши, уларни ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобидаги ёзувлар билан солиштириши шарт.

77. Суриштирув органи бошлиғи, тергов тармоғининг бошлиғи, прокурор, суд раиси (суднинг масъул ходими) 6 ойда камида бир марта ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг сақланиш ҳолати ва шароитлари, мазкур Йўриқномага мувофиқ уларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ўтказиш бўйича ҳужжатлар юритилиши тўғрилигини текшириши шарт.

78. Текшириш натижалари ҳақида ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар учун махсус сақлаш жойларини жиҳозлаш, уларни сақлаш учун лозим даражадаги шароитларни таъминлаш чораларини кўришга мажбур бўлган юқори турувчи раҳбариятга юбориладиган далолатнома тузилади.

79. Жавобгар шахс бошқа ишга ўтганида, ишдан бўшатишда тегишли прокурор, суриштирув, дастлабки тергов органи бошлиғи, суд раиси ушбу шахсга сақлаш учун берилган, ҳақиқатда мавжуд ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларнинг мазкур объектларни олиб қўйиш акс эттирилган ҳужжатлардаги ёзувларга мувофиқлигини текшириш учун комиссия тайинлайди. Текшириш натижалари ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасида акс эттирилади.

80. Қўйи органларда ўтказиладиган тафтишлар ва режали текширишларда ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш ҳамда сақлаш аҳволи мажбурий тартибда текширилади, текшириш натижалари тегишли маълумотномалар ва далолатномаларда қайд этилади.

Тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларни сақлаш ҳолати алоҳида қайд этилади.

81. Олиб қўйилган ашёвий далиллар ва бошқа нарсалар шикастланган, йўқолган ҳолларда уларнинг эгаларига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни лозим даражада ҳисобга олиш ва сақлаш шарт-шароитлари таъминланмаганлиги, уларнинг йўқолиши, шикастланишига олиб келган бўлса, кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиқишида айбдор бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

IX. Якуний қоида

82. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Марказий банки раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2010 йил 24 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 24 сентябрь

Ашёвий далил ва бошқа нарсаларни ҳисобга олиш
К И Т О Б И

1	Т/р
2	Сақлашга келиб тушган сана
3	Жиноят иши рақами, айбланувчининг Ф.И.О.
4	Олиб қўйилган, тақдим этилган нарсаларнинг номланиши, алоҳида белгилари, рақамлари
5	Миқдори, суммаси
6	Келиб тушган нарсалар қачон, қаерда ким томонидан олиб қўйилган(қабул қилинган)
7	Сақлаш жойи. Сақлаш учун масъулнинг лавозими ва фамилияси
8	Ашёвий далиллар, бошқа нарсалар қаерга ва қандай асосларга кўра юборилган
9	Ашёвий далиллар, бошқа нарсалар қабул қилиб олган шахснинг лавозими ва фамилияси
10	Қабул қилиш санаси ва имзо, муассаса штампи
11	Нарсалари қайтарилган шахснинг Ф.И.О, паспорт рақами, сана ва имзо

Суриштирув, дастлабки тергов ва суд
муҳокамаси давомида ашёвий далиллар,
моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни
олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш,
сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб
ташлаш тартиби тўғрисида йўриқномага
1-ИЛОВА

Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 2-ИЛОВА

Ашёвий далил ва бошқа нарсаларни келиб тушишини ва берилишини ҳисобга олиш К И Т О Б И

1	Т/р	
2	Сақлаш учун келиб тушган сана	
3	Ашёвий далиллар,бошқа нарсаларнинг номланиши	
4	Миқдори, суммаси	
5	Жиноят иши рақами, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг Ф.И.О.	
6	Масъул шахснинг фамилияси кўрсатилган ҳақиқий сақлаш жойи	Сақланиши
7	Қачон,кимга кўздан кечириш учун берилган ва қачон қайтарилган	
8	Суднинг ашёвий далиллар юзасидан қарори	
9	Ҳужжатлар ижро қилиш учун кимга юборилган (берилган)	Ижроси
10	Ашёвий далиллар ижро қилиш учун кимга юборилган (берилган)	
11	Сана кўрсатилган ҳолда ижро этилганлиги тўғрисидаги қайд ёзув	
12	Изоҳ	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

530 Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-1*

(2011 йил 8 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 ноябрда 2038-сон билан рўйхатга олинган «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 46-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитасининг раиси в.б.**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 ноябрь,
01/19-18/12-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

3. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 ноябрь,
33-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкани бошқариш давлат
қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаментининг 2010 йил
26 ноябрдаги 01/19-18/12, 33-сон
қарорига
ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 13-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижозлардан иш муносабатларининг мақсади ва кўзланган хусусияти, шунингдек зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисида сўраш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва ҳулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки мижозни тегишли тарзда текшириш натижаларига кўра, у билан иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда мижоз билан битим тузишни рад этиш;».

тўртинчи — еттинчи хатбошлари тегишлича еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2. Қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.».

3. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида биржа аъзоларининг масъул шахсларини ўқитиш ва малакасини ошириш Департамент ва Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.».

4. 16-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иш муносабатларини ўрнатишда;»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар ҳисоблансин.

5. 22-бандининг биринчи хатбошисида «ҳақлидир» деган сўзи «мажбурдир» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 23-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ҳар йили янгиланиши зарур».

7. 30-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, фойдаланувчи билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк эгалари ўзгармайдиган, бироқ биржа савдоларининг мазкур иштирокчилари фаоллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиладиган битимларни тузиш;

биржа савдолари қоидаларида белгиланган нархлар билан биржа савдоларида манипуляция қилиш ҳолларининг мавжудлиги;».

ўн бешинчи хатбошиси тегишлича ўн саккизинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

8. 37-банд «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материалларини ва маълумотларини» деган сўзлардан кейин «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

«39¹. Мазкур Қоидалар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа ҳужжатлар биржа аъзолари ва биржанинг барча ходимларига етказилиши лозим.».

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Респуб-

лика кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази билан келишилган.

*Товар-хом ашё биржаси
Бошқаруви раиси*

Т. ТОХТАБАЕВ

2010 йил 25 ноябрь

*Республика универсал агросаноат
биржаси Бош директори*

Т. ВАЛИТОВ

2010 йил 25 ноябрь

*Республика кўчмас мулк
биржаси Бошқаруви раиси*

З. ШАМШИЕВ

2010 йил 25 ноябрь

*Тошкент шаҳар муниципал
биржа маркази директори*

Р. ФАЙЗИЕВ

2010 йил 25 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

531 Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175*

(2011 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сон «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6 сон, 47-модда), 2009 йил 21 декабрдаги

ПФ–4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 558-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 ноябрь,
102-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги
102-сон буйруғига
ИЛОВА

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича
компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ–3227-сон «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6 сон, 47-модда), 2009 йил 21 декабрдаги ПФ–4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 558-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизмини белгилайди.

I. Имтиёзли шахслар тоифаси ва компенсация пул тўловлари миқдорлари

1. Қуйидагилар энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида ойлик компенсация пул тўловлари (кейинги ўринларда — компенсация деб юритилади) олувчилари ҳисобланади:

а) ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан ногиронлар ҳам;

б) 1941 — 1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1941 — 1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва вафот этган ногиронларининг хотинлари. Уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 249-сон қарорига 2 ва 3-сон иловалар билан белгиланган;

Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларига боқувчисини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари киритилади.

Компенсация пул тўловлари ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига улар оладиган пенсия туридан ва оила аъзолари биргаликда ёки алоҳида яшашларидан қатъи назар, тўланади;

в) биринчи ва (ёки) иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган шахслар;

г) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва Шухрат орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар, шахсий пенсионерлар;

д) фашистлар концлагерларининг собиқ вояга етмаган тутқунлари;

е) Ленинград шахри қамали даврида шахар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган фуқаролар;

ж) кўзи ожиз I гуруҳ ногиронлари;

з) Чернобиль ҳалокати оқибатида зиён кўрган фуқаролар;

и) ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

2. Энг кам иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида ойлик компенсация пул тўловлари олувчилари деб 1941 — 1945 йиллар иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнат fronti қатнашчилари ҳисобланади.

II. Компенсация пул тўловларини тўлаш тартиби ва муддатлари

3. Компенсациялар ҳар ойда корхона штатида турган ҳар бир ходимга (шу жумладан ишловчи пенсионерларга) иш жойида, ишламайдиган

пенсионерларга ва нафақа оладиган болаликдан ногиронларга ҳамда нафақа оладиган пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга қобилиятсиз кекса фуқароларга — пенсия (нафақа) олиш жойида тўланади.

Ўриндошлик тартибида бир неча жойда ишлайдиган шахсларга компенсация асосий иш жойида тўланади.

4. Иш ҳақи туман коэффициентларини ҳисобга олиб шакллантирилаётган туманлар ва жойларда ишловчилар учун компенсация ушбу коэффициентларни ҳисобга олмасдан тўланади.

5. Ишламайдиган пенсионерларга компенсация пенсия ҳужжатларида мавжуд ҳужжатлар асосида, яъни қўшимча аризаларсиз тўланади.

Зарурат туғилганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими пенсионернинг компенсация олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга ҳақлидир.

6. Компенсациялар қуйидаги тартибда тўланади:

ишламайдиган пенсионерлар ва ижтимоий нафақалар олувчиларга — пенсия (ижтимоий нафақа) тўлаш билан бир вақтда;

ишлайдиган фуқароларга, шу жумладан ишлайдиган пенсионерларга иш ҳақини тўлаш муддатларида.

7. Бир неча асосга кўра компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларнинг танлаши бўйича энг кўп миқдордаги битта компенсация тўланади.

8. Меҳнат таътилида, таълим олиш муносабати билан таътилда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлиш вақти учун, шунингдек вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, бола икки ёшга етишига қадар уни парвариш қилиш бўйича ходимлар таътилда бўлган давр учун ҳам компенсациялар тўланади.

9. Олувчига тегишли бўлган ва унинг вафот этиши муносабати билан тўлиқ олинмай қолган компенсация суммаси у вафот этган кунда бирга яшаган оила аъзоларига тўланади. Мазкур ҳолда компенсация вафот этган кунига қадар тўланади.

10. Ишдан бўшаш ҳолатида ходим бўшаётган ой учун компенсация иш жойида тўланади.

11. Компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган, пенсия тайинланиши учун биринчи марта мурожаат қилган шахсларга компенсация пенсия тайинлаш тўғрисида ариза топширилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан тайинланади.

12. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова) мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига бериладиган компенсациялар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ солинмайди ва солиқ солинадиган объектига киритилмайди.

13. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига кўра алоҳида тоифадаги фуқароларга бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда кўрсатилган тўловлар бўйича харажатларни молиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари орқали амалга оширилади.

III. Якуний қоидалар

14. Компенсацияларни тайинлаш ва тўлаш устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширади.

15. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

532 «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1232-4*

(2011 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сон «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6 сон, 47-модда), 2009 йил 21 декабрдаги

ПФ-4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 558-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 3 апрелдаги 49, 45-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232, 2003 йил 15 апрель) (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 4 июндаги 49-1, 55-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-1, 2003 йил 10 июнь) (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 11-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2005 йил 26 апрелдаги 43, 98-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-2, 2005 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 172-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2005 йил 9 сентябрдаги 86, 104-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1232-3, 2005 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41-42-сон, 327-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
76-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
165-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2010 йил 25 декабрдан 31 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 24 декабрдаги 109-сон буйруғи.*

2010 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-1 (2011 йил 6 январдан кучга киради).

2. «Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 3 декабрдаги 193-Қ-сонли буйруғи.*

2010 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2173 (2011 йил 7 январдан кучга киради).

3. «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 110, 2010-55-сонли қарори.*

2010 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939-1 (2011 йил 7 январдан кучга киради).

4. «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 октябрдаги 14-қ/қ, Қ -87, 100, 17, 16, 7, 01-02/22-22, 2010-41-сонли қарори.*

2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2174 (2011 йил 8 январдан кучга киради).

5. «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйи-

ча ички назорат коидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 26 ноябрдаги 01/19-18/12, 33-сонли қарори.*

2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-1 (2011 йил 8 январдан кучга киради).

6. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон буйруғи.*

2010 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175 (2011 йил 9 январдан кучга киради).

7. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 13 сентябрдаги 76, 165-сонли қарори.*

2010 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1232-4 (2011 йил 9 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1616, 2006 йил 23 август).*

Адлия вазирининг 2010 йил 29 декабрдаги 314-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисида низом, 3-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1232, 2003 йил 15 апрель), (рўйхат рақами 1232-1, 2003 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 1232-2, 2005 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 1232-3, 2005 йил 18 октябрь).*

Адлия вазирининг 2010 йил 30 декабрдаги 318-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

